



**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ  
БАНКИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ  
2022 ЙИЛДАГИ  
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА  
ҲИСОБОТ**

Тошкент 2023



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>6</b>
<b>I. 2022 ЙИЛДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР</b> .....	<b>12</b>
1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши.....	12
1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар.....	12
1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори .....	15
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши .....	21
1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар .....	24
1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар .....	28
1.2.3. Глобал иқтисодиётдаги кутилмалар.....	31
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар.....	35
1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси кўрсаткичлари .....	41
<b>II. 2022 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ</b> .....	<b>46</b>
2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги.....	46
2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятлари ҳамда улардаги таркибий ўзгаришлар.....	50
2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар ҳолати .....	54
2.1.3. Глобал нобарқарорлик шароитида банклар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чоралари .....	61
2.1.4. Аҳолининг қарз юки .....	64
2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари.....	66
2.3. Банк тизими инфратузилмаси .....	70
2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари .....	70
2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти 70	
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг натижалари .....	75
2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш .....	80
2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	80
2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш .....	84
2.5.3. Молиявий мониторинг, иқтисодий санкциялар ва экспортга таъқиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқариш .....	85
<b>III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ</b> .....	<b>89</b>
3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш.....	89
3.1.1. 2022 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили .....	89

3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар .....	91
3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари .....	93
3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	96
3.1.5. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш йўналишидаги чора-тадбирлар .....	98
3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялар таҳлили .....	101
3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили .....	102
3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари.....	104
3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият .....	109
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили.....	110
3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили .....	113
3.4. Пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати .....	117

#### **IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОФАЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК .....**

4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти .....	121
4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши .....	123
4.3. Тўлов хизматлари бозорида молиявий технологиялар ва инновациялар .....	125
4.4. Тўлов хизматлари бозорида финтех компанияларнинг ривожланиши .....	128
4.5. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш .....	130
4.6. Марказий банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва такомиллаштириш .....	131

#### **V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....**

5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар.....	133
5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши .....	135
5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар .....	137

#### **VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ .....**

6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш .....	140
6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш .....	142
6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш .....	146
6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.....	149

#### **VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК .....**

7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик .....	152
---	-----

7.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик.....	157
---	-----

**VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ.....159**

8.1. Ташкилий тузилма.....	159
8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш .....	159
8.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази томонидан амалга оширилган ишлар .....	161
8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш .....	164
8.5. Марказий банкдаги таҳлил ва тадқиқотлар .....	165
8.6. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти .....	167

**IX. ИЛОВАЛАР .....171**

## КИРИШ

2022 йилда Марказий банк фаолияти геосиёсий вазиятдаги кескинликлар, жаҳон бозорида асосий озиқ-овқат товарлари, хомашё маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархининг кескин ошиши, логистика ва етказиб беришдаги узилишлар натижасида мамлакатимизда юқори инфляция босимнинг вужудга келиши ҳамда глобал иқтисодий нобарқарорликни банк тизимида салбий молиявий таъсирини ва банкларда мавжуд кредит рискларини кучайиб бориши шароитида олиб борилди.

Бунда, асосий эътибор, инфляцияга монетар омиллар таъсири даражасини қисқартириш, банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш ҳамда банк тизимида потенциал хатарларни баҳолаш ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсирини минималлаштириш, иқтисодий санкциялар ва экспортга таъқиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқариш чораларини кўриб бориш орқали мамлакатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилди.

2022 йилда Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсатининг **қатъийлик даражаси** ташқи иқтисодий ноаниқликлар таъсирида турлича шаклланди.

2022 йил март ойидан бошлаб миллий валюта алмашув курси тебраниши ҳамда инфляция бўйича кутилмаларни мўътадиллаштириш мақсадида асосий ставка йиллик **17** фоизгача кўтарилган бўлса, II чоракдан бошлаб макроиқтисодий шароитларнинг барқарорлашуви ҳамда айрим инфляция хатарларнинг юзага келиш эҳтимолининг пасайиши ҳисобига Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик **15** фоизгача туширилди.

Пул-кредит соҳасида қабул қилинган қарорлар ва кўрилган тезкор жавоб чоралари инфляцияга монетар омиллар таъсирини камайтиришга, миллий валютадаги активлар жозибадорлигини ошишига ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини истеъмол ва инвестицион кутилмаларини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилди.

Марказий банк банк тизими умумий ликвидлигининг ортиб бориши шароитида пул-кредит операцияларига тегишли ўзгартиришлар киритиб борди.

Қисқа муддатли ликвидлик нархига таъсир даражасини кучайтириш мақсадида Марказий банк облигациялари бўйича даромадлиликнинг максимал чегараси фоиз коридорининг юқори чегарасига қадар оширилди.

Депозит аукционларини банкларнинг талаби асосида чекланмаган миқдорда ва Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида ўтказиш

имкониятини яратиш мақсадида депозит аукционларининг “**тўлик қопланадиган ўзгармас фоиз ставкали**” (“fixed-rate full-allotment”) механизми асосида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Мажбурий захиралашнинг ҳисоб-китоб қилиш даврини муқобиллаштириш, тижорат банкларига ликвидликни бошқаришда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ушбу аукционлар ҳисобот йилининг июль ойидан бошлаб ҳафтада 1 мартаба ўтказиладиган 1 ҳафталик аукционларга ўзгартирилди.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки** (кейинги ўринларда – ЕТТБ) экспертлари билан биргаликда пул бозорининг бенчмарк фоиз ставкасини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилди ҳамда ушбу методология асосида UZONIA (Uzbek Overnight Index Average) бенчмарк фоиз ставкаси, UZONIA индекси ва муддатли UZONIA ставкаларини кунлик ҳисоблаш ва эълон қилиш йўлга қўйилди.

Ушбу механизмларни такомиллаштирилиб борилиши банк тизими умумий ликвидлигида юзага келган қўшимча ликвидликни самарали жалб этиш ва монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини минималлаштириш имконини берди.

Марказий банк инфляция даражасига **номонетар омиллар** таъсирини камайтириш мақсадида истеъмол бозоридаги нархларни ҳафталик ўрганиш асосида, нархлар ўзгаришига таъсир этаётган омиллар ва уларни олдини олиш бўйича Ҳукумат билан биргаликдаги амалиётларни давом эттирди.

Пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар инфляция даражасини юқори суръатларда ўсишини жиловлаш имконини бериб, 2022 йил якунлари бўйича инфляция даражасини **12,3** фоиз атрофида шаклланишига эришилди.

Шунингдек, Марказий банк 2022 йилда “нейтраллик тамойили” доирасида ички валюта бозорига **4,1** млрд **АҚШ доллари** (кейинги ўринларда – доллар) миқдорида интервенцияларни амалга оширди.

Ички валюта бозорида ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланган талаб ва таклиф мутаносиблиги ҳисобига сўмнинг долларга нисбатан алмашув курсида нисбатан барқарорлик кузатилди ва 12 ойлик девальвация кўрсаткичи **3,9** фоиз доирасида шаклланди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётни молиялаштиришда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори қўшилган қийматли янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига жами **203** трлн сўм ёки 2021 йилга нисбатан 22 фоизга кўп кредитлар ажратилди.

Кредитларнинг 43,7 фоизи **саноатга**, 22 фоизи **савдо ва умумий овқатланишга**, 11,6 фоизи **қишлоқ хўжалигини** ривожлантиришга, 5,7 фоизи **қурилишга** ҳамда 5,2 фоизи **транспорт ва коммуникация** соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди.

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсиш суръатларини номинал ЯИМ ҳажми ўсишига мувофиқлаштириш бўйича чоралар кўрилган бўлиб, 2022 йилда иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи **403,1** трлн сўмга етиб, унинг ўсиши **21,4** фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 2022 йилда молиявий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг қайтариш муддатларини узайтириш амалиёти давом эттирилди. Хусусан, йил давомида мижозларнинг жами **36** трлн сўмлик кредитлари бўйича тўлов муддатлари узайтирилди.

Шу билан бирга, ташқи хатарларнинг банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатиш чоралари доирасида ташкил этилган **ишчи гуруҳ** томонидан экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи корхоналарнинг муаммолари доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Молиявий қийинчиликка дуч келган ташқи савдо соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг **4** трлн сўмлик кредитларининг қайтариш муддатлари узайтирилди.

2022 йилда юзага келган ташқи иқтисодий вазиятнинг банклар барқарорлигига салбий молиявий таъсирларини юмшатиш мақсадида мижозларда кредит қарздорликларини қайтаришда муаммолар юзага келганда 2022 йил якунига қадар ўз вақтида сўндирилмаган кредитлар бўйича **пеня ва жарималар ҳисобламаслик** ҳамда **эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантирмаслик** бўйича энгилликлар берилди.

Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлига бўлган салбий таъсирларини юмшатиш доирасида тижорат банклари ва Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда муаммоли кредитларни сўндириш бўйича **ойма-ой режа-график** ишлаб чиқилди.

Давлат улушига эга бўлган банкларда **муаммоли кредит қарздорликларини ундириш** бўйича тегишли ишчи гуруҳи ташкил этилиб,



муаммоли кредитлари мавжуд мижозлар билан индивидуал ишлар тизимли равишда амалга оширилди.

Ушбу ишларни амалга оширилиши 2022 йилнинг IV чорагида муаммоли кредитларни жами **6,2** трлн сўмга қисқартириш имконини берди.

Банклар томонидан 2022 йилда активлар бўйича **11** трлн сўм миқдорида қўшимча захиралар яратилди ҳамда **муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш** даражаси **1,3 баробарга** ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **102** фоизга етди.

Кўрилган чоралар натижасида, 2023 йил 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар улуши **1,6** фоиз бандга ёки **3,6** фоизгача (14 трлн сўм) камайишига эришилди.

Умуман олганда, 2022 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори **83** трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар **468** трлн сўмга етиб, **капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,8** фоизни ташкил этди ва минимал талабдан (*13 фоиз*) юқори даражада сақланиб қолинди.

2022 йилда банк қонунчилигида белгиланган талабларни бажармаганлиги учун “HI-TECH BANK” ва “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкларининг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинди ва банк омонатчиларининг маблағларини тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

“Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки омонатчилари маблағларини 251 млрд сўми Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Бундан ташқари, глобал иқтисодиётда кузатилган ўзгаришлар натижасида юзага келган **иқтисодий санкциялар** ва **экспортга тақиқлар** билан боғлиқ хатарларни минималлаштириш, **комплаенс назорат тизимини такомиллаштириш** борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тижорат банкларида санкциявий хатарларни бошқариш бўйича **бўлинмалар** ва Марказий банкда улар фаолиятини назорат қилувчи **махсус таркибий бўлинма** ташкил этилди.

Тижорат банклари, ўз навбатида, АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан иқтисодий санкциялар қўлланилган субъектлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишни чеклаш, **экспорт (реэкспорт) қилиниши чекланган товарлар рўйхатини шакллантириш**, шунингдек, санкциявий чекловларни айланиб ўтишга қарши курашиш юзасидан тегишли чоралар кўрмоқда.

Банк операцияларини амалга оширишда операция иштирокчиларини халқаро иқтисодий санкциялар остидаги шахслар рўйхати билан солиштириш жараёнлари СВИФТ тизимида “**санкция скрининг модули**”ни ўрнатиш орқали автоматлаштирилди.

2022 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси доирасида давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилишга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, асосий банкларда корпоратив бошқариш тизими жорий этилиб, Банк кенгашлари профессионал маҳаллий ва халқаро экспертлар ҳисобига шакллантирилиб, ҳар бир банкнинг бозордаги ўрни ва мавқеини белгиловчи трансформация стратегиялари ишлаб чиқилди ва бу жараёнларда банк хизматларини рақамлаштириш, шаффоф ва содда ҳолда мижозларга етказишга алоҳида урғу берилди.

Ҳисобот йилида банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро молия институтларидан қўшимча ресурслар жалб қилиш мақсадида банклар томонидан “**яшил молиялаштириш**” йўналишини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Саноатқурилишбанк томонидан ушбу йўналишга мўлжалланган халқаро кредит линиялари жалб қилинди ҳамда банк мижозлари тақдим этган лойиҳаларнинг “яшил молиялаштириш” мезонларига мувофиқлигини текшириш тартиби ишлаб чиқилиб, унинг натижалари бўйича 3 кун муддатда хулоса бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Тижорат банклари бўлинмаларини оптималлаштириш ҳамда ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш орқали мижозларга исталган банк бўлинмалари орқали сифатли банк хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида **6 та банк** ягона банк коди (МФО) технологияси асосида фаолият юритишни бошлади.

2022 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида асосий эътибор, банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ишларига қаратилди.

Хусусан, **ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари** – 20,3 минг донага, **тўлов терминаллари** – 434 минг донага ҳамда муомалага чиқарилган **банк карталари** – 34,2 млн донага етказилди.

Аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берувчи

**кобейджинг** банк карталари сони 2021 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошиб, 1 737 минг донага етди.

Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone тизими (*тўлов терминали каби тўлов қабул қилиш имконини беради*) хизматларидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари сони **6 баробарга** ошиб, **2,3** мингдан ортиқни ташкил этмоқда.

Банк миждозларининг банкка ташриф буюрмаган ҳолда нақд пул маблағларини инкассация қилиш ҳамда банк ҳисобварағини (картасини) тўлдириш имкониятини берувчи автоматлаштирилган депозит машиналари сони 475 тага етказилди.

Тезкор тўлов тизими орқали тадбиркорлик субъектлари куннинг исталган вақтида (дам олиш кунлари ҳам) товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш имкониятининг яратилганлиги натижасида, хўжалик субъектларининг жами тўлов топшириқномаларининг **90** фоиздан ортиғи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб амалга оширилди.

Ҳисобот йилида **нобанк кредит ташкилотлари** (кейинги ўринларда – НКТ) фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш мақсадида Жаҳон банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳамда молиявий оммабопликни ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Мазкур ҳисоботда юқорида қайд этилган ва банк тизимида 2022 йил давомида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда Марказий банкка амалдаги қонунчиликка мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

## I. 2022 йилда ички ва ташқи макроиқтисодий шароитлар

### 1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши


#### 1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар

2022 йилда иқтисодиётга ажратилган кредитлар, фискал рағбатлантиришлар ҳамда хусусий инвестициялар ҳажмининг ортиши иқтисодий ўсишни ялпи талаб томондан молиявий қўллаб-қувватловчи асосий омиллар бўлди.

Хусусан, 2022 йилда иқтисодиётга жами **203** трлн сўм ёки 2021 йилга нисбатан **22** фоизга кўп кредитлар ажратилиб, кредит қўйилмалар қолдиғи **403** трлн сўмга етди.

1.1.1.1-чизма

Ажратилган кредитларнинг тармоқлар кесимида улуши, *фоизда*



Кредитларнинг 43,7 фоизи **саноатга**, 22 фоизи **савдо ва умумий овқатланишга**, 11,6 фоизи **қишлоқ хўжалигини** ривожлантиришга, 5,7 фоизи **қурилишга** ҳамда 5,2 фоизи **транспорт ва коммуникация** соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди.

Аҳолига ажратилган кредитлар 2021 йилга нисбатан **1,6 баробарга** ўсиб, **65,3** трлн сўмни ташкил қилди. Аҳолига ажратилган кредит маблағларининг 25,6 фоизини **микроқарз**, 22 фоизини **ипотека кредити**, 33 фоизини **истеъмол кредити**, 14 фоизини **микрокредитлар** ташкил этади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари орқали ташқи шокларни юмшатишга қаратилган тезкор жавоб чоралари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини **истеъмол ва инвестицион қарорларини** ижобий томонга шаклланишига хизмат қилди.

Шунингдек, 2022 йилда кузатилган глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар, бир томондан, иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашни, иккинчи томондан, инфляцияга қўшимча босимни юзага келишини олдини олишга қаратилган **ўзаро мувофиқлашган** пул-кредит ва фискал сиёсат юритишни тақозо этди.

Хусусан, ҳисобот йилида давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатлари<sup>1</sup> 2021 йилга нисбатан **27,2** фоизга ўсиб, **275,9** трлн сўмни ташкил этди.

Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатларининг 43,1 фоизи ижтимоий соҳа, 12,9 фоизи ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастурлари ҳамда 10 фоизи иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, давлат бюджети ҳисобидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига, хусусан, нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини молиялаштиришга жами **19,5** трлн сўм ёки 2021 йилга нисбатан **1,5 баробарга** кўп маблағлар йўналтирилди.

Давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши 2021 йилдаги 29,5 фоиздан **30,9** фоизга ошиб, **умумий фискал дефицитнинг** ЯИМга нисбати 2021 йилдаги 5,8 фоиздан **4** фоизгача қисқарди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашни муқобил инструментларини жорий этиш ҳамда хусусий инвестицияларни иқтисодиётдаги ролини ошириш орқали босқичма-босқич давлатнинг иқтисодиётни молиялаштириш юкласини пасайтириб боришга қаратилган инвестиция сиёсати юритилди.

Хусусан, иқтисодиётга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами **269,9** трлн сўмлик **инвестициялар** йўналтирилди.

2022 йилда жами инвестициялар ҳажмида таркибий ўзгаришлар кузатилган бўлиб, **марказлашмаган инвестициялар** улуши 2021 йилдаги 80,8 фоиздан **84,6** фоизгача ошди.

Марказлашмаган инвестицияларнинг ўсиши асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг 2021 йилга нисбатан **10,6** фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг **10,7** фоизга ўсганлиги билан изоҳланади.

**Марказлашган инвестициялар** ҳажми 41,4 трлн сўм доирасида шаклланиб, 2021 йилга нисбатан реал ҳисобда **19,6** фоизга қисқарди.

<sup>1</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг дастлабки маълумотлари.

1.1.1.1-жадвал

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари  
бўйича ўзгариши, млрд сўмда**

Молиялаштириш манбалари	2021 йил	2022 йил	Ўзгариши, фоизда	
			2021 йил	2022 йил
<b>Жами инвестициялар</b>	<b>239 553</b>	<b>269 858</b>	<b>14,0</b>	<b>12,7</b>
<b>Марказлашган инвестициялар</b>	<b>46 100</b>	<b>41 436</b>	<b>9,8</b>	<b>-10,1</b>
Бюджет маблағлари	22 172	20 910	54,9	-5,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	3 006	2 471	19,5	-17,8
Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	18 129	15 182	-21,9	-16,3
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>193 452</b>	<b>228 421</b>	<b>15,0</b>	<b>18,1</b>
Корхоналарнинг ўз маблағлари	68 360	84 516	2,3	23,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	83 243	97 038	25,1	16,6
<i>шу жумладан,</i>				
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	<i>29 911</i>	<i>37 006</i>	<i>0,8</i>	<i>23,7</i>
Аҳоли маблағлари	22 705	25 738	20,3	13,4
Тижорат банклари кредитлари	19 145	21 129	20,2	10,4

Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Мазкур қисқариш халқаро молия бозорида ресурслар нархларининг қимматлашганлиги, ташқи қарз жалб қилиш шартларининг Ўзбекистон талабларига нисбатан қатъийлашганлиги ҳамда **бюджет маблағлари** ва **Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар** ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг чегараланганлиги билан боғлиқ.

Ҳисобот йилида давлат сектори ва иқтисодиёт тармоқларида ўртача реал иш ҳақи миқдори 8,6 фоизга, ижтимоий трансфертлар 1,3 баробарга ҳамда халқаро пул ўтказмалари ҳажми 2,1 баробарга ўсиши натижасида **аҳолининг реал даромадлари 9,7** фоизга ошди.


2022 йил якуни бўйича **аҳоли умумий даромадлари 634,8** трлн сўмни ташкил этиб, унинг таркибидаги меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (*улуши – 61,6 фоиз*) 2021 йилга нисбатан **16,7** фоизга, трансфертлар **1,4 баробарга**, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар **15,7** фоизга ҳамда мол-мулкдан олинган даромадлар **34,8** фоизга ошди.

Трансфертлар шаклидаги даромадлар таркибидаги халқаро пул ўтказмалари ҳажми ўсиши 2021 йилдаги 37,3 фоиздан **43,6** фоизгача ҳамда

ижтимоий трансфертлар ҳажми ўсиши эса 2021 йилдаги 17 фоиздан **34** фоизгача тезлашди.

1.1.1.2-чизма

### 2022 йилда аҳоли даромадларининг шаклланиш манбалари, фоизда



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Шунингдек, ижтимоий трансфертлар таркибидаги пенсиялар ҳажми 2021 йилдаги 15,7 фоиздан **22,4** фоизгача, нафақалар 1,5 баробардан **1,7 баробарга** ҳамда стипендиялар 13,3 фоиздан **31,5** фоизгача ўсди.

Иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий трансфертларнинг ўсиши ҳамда трансчегаравий пул ўтказмалари кириб келишининг сезиларли даражада ошиши аҳолининг **истеъмол талабини қўллаб-қувватлашга** хизмат қилди.

Натижада, 2022 йилда уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари 2021 йилга нисбатан **11,4** фоизга ўсди.

### 1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори


2022 йилда ишлаб чиқариш фаоллиги ташқи иқтисодий нобарқарорликлар, транспорт-логистика тизимидаги ва айрим хомашё маҳсулотлари импортидаги узилишлар шароитида шаклланди ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари пандемиядан олдинги умумий тренди доирасида бўлди.

Хусусан, ЯИМ ҳажми **888,3** трлн сўм доирасида шаклланиб, иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш ва ялпи талабнинг барқарорлашуви натижасида 2021 йилдаги 7,4 фоиздан **5,7** фоизгача секинлашди ва унинг тренди барқарор фазага ўтди.

Мазкур секинлашиш пандемиядан кейинги тикланиш даври 2021 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида юқори ўсиш кўрсаткичлари қайд этганлиги билан изоҳланади.



## 1.1.2.1-чизма

Иқтисодий тармоқларнинг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси, *фоизда*

Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

2022 йилда ЯИМнинг 5,7 фоизлик ўсишига **хизматлар соҳасининг** ҳиссаси – 3,1 фоиз бандни, **саноат** – 1,3 фоиз бандни, **қишлоқ хўжалиги** – 0,9 фоиз бандни ва **қурилиш** – 0,4 фоиз бандни ташкил этди.

2022 йилда **саноат соҳаси 5,2** фоизга ва **хизматлар соҳаси 8,5** фоизга ўсиб, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвер тармоқлари бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, **қурилиш ишлари** ҳажми 5,2 фоизга ва **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 фоизга ўсди.

**Саноат соҳасининг** нисбатан юқори суръатларда ўсиши олдинги йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасини ортиб бориши, кичик саноат зоналарини ташкил этилиши ҳамда геосиёсий нобарқарорлик шароитида маҳаллий саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши билан изоҳланади.


2022 йилда саноат таркибида ишлаб чиқарадиган саноат тармоғининг улуши 83,2 фоизни, тоғ-кон ва очик конларда ишлаш тармоғининг улуши 9,5 фоизни ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ҳамда ҳавони кондициялаш тармоғини улуши эса 6,8 фоизни ташкил этди.

**Ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи 5,3** фоизга ўсиб, унинг таркибидаги **озиқ-овқат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш 2021 йилдаги 4,2 фоиздан **6,2** фоизгача тезлашди ҳамда **электр ускуналар (5,4 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари (9,8 фоиз), металлургия (3,9 фоиз)** маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам юқори ўсиш кузатилди.



1.1.2.2-чизма

### Ишлаб чиқарадиган саноатининг соҳалари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, фоизда



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

**Кимё (-2,6 фоизга), фармацевтика (-9,9 фоизга)** ҳамда **бошқа нометалл минерал (-3,5 фоизга)** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларида эса пасайиш кузатилди. Ушбу пасайиш, асосан, геосиёсий нобарқарорлик натижасида айрим хомашё маҳсулотлари нархларининг ошиши, транспорт-логистика тизимидаги ҳамда табиий газ ва электр энергия таъминотидаги узилишлар билан изоҳланади.

**Хизматлар соҳаси** таркибидаги **молиявий хизматлар** ҳажмининг ўсиши 2021 йилдаги 28 фоиздан **29,3** фоизга тезлашган бўлса, транспорт хизматларида (12,4 фоиз), савдо хизматларида (9 фоиз) ҳамда ахборот ва алоқа хизматлари (25,5 фоиз) соҳаларида ҳам юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди.

Молиявий хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишида молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, хусусан, молиявий хизматлар кўрсатишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Ахборот ва алоқа хизматлари ҳажмининг ўсиши меҳнат бозорида юқори малакали АКТ мутахассислари салмоғининг ҳамда рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари ва ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

**Қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари етиштириш таркибидаги **деҳқончилик** 4,3 фоиздан 3,8 фоизгача, **чорвачилик** 3,4 фоизгача секинлашган. 3,5 фоиздан

**Деҳқончилик** маҳсулотлари таркибида донли экинлар 2021 йилдаги -1,2 фоиздан **4,7** фоизгача, мева ва резаворлар етиштириш 1,4 фоиздан **4,6** фоизгача ўсган бўлса, полиз экинларини етиштириш 6,9 фоиздан **5,9** фоизгача секинлашганлиги кузатилди.

**Чорвачилик** маҳсулотлари таркибида эса гўшт (*3,4 фоиз*), тухум (*4,4 фоиз*) ҳамда сут (*3,2 фоиз*) етиштириш ҳажмлари ўсиши барқарор сақланиб қолган.

Қишлоқ хўжалигида юқори ўсиш суръатларининг бардавомлиги мазкур соҳада нархларнинг бозор механизмлари орқали шаклланишига шароит яратилаётганлиги, давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштириш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинаётганлиги ҳамда ердан фойдаланишда хусусий секторнинг улуши ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

2022 йил якунлари бўйича жами бажарилган **қурилиш ишлари** ҳажми **130,7** трлн сўмни ташкил этиб, унинг ўсиши **6,6** фоизга тенг бўлди.

Қурилиш ишларига иқтисодий фаолият турлари бўйича қаралганда, **бино ва иншоотлар** қуриш ишлари ҳажми ўсиши 0,8 фоиздан **4,4** фоизгача ҳамда **ихтисослашган қурилиш** ишлари ҳажми ўсиши -14,9 фоиздан **38,2** фоизгача тезлашган бўлса, **фуқаролик объектларини** қуриш бўйича қурилиш ишлари 48,2 фоиздан **2,7** фоизгача секинлашди.


Бино ва иншоотлар ҳамда ихтисослашган қурилиш ишлари ҳажми ўсишининг тезлашганлиги даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредитларини субсидиялаш механизмини жорий этилиши ва инфратузилма объектларини қуриш ишларида давлат-хусусий шерикчилик улушини ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, қурилиш ишларини бажарувчи субъектлар бўйича қаралганда, **йирик корхоналар** томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 2021 йилдаги 7,3 фоиздан **10** фоизгача, **кичик ва микрофирмалар** қурилиш ишлари 4,7 фоиздан **6,3** фоизгача тезлашди.

Қурилиш соҳасида 19 фоиз объектлар қурилиши норасмий сектор томонидан амалга оширилган бўлиб, ушбу секторнинг ўсиши 2021 йилдаги 11,8 фоиздан 2,9 фоизгача секинлашди.

1.1.2.3-чизма

**Қурилиш ишлари ҳажмининг бажарувчи субъектлар бўйича ўсиш кўрсаткичлари, фоизда**



1.1.2.4-чизма

**Қурилиш ишлари ҳажмининг бажарувчи субъектлар бўйича улуши, фоизда**




Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Ялпи талабнинг ошиши ҳамда ишлаб чиқариш фаоллигини жадаллашуви **истеъмол маҳсулотларини** ишлаб чиқариш ҳажмининг орگانлигида ҳам намоён бўлди.


1.1.2.5-чизма

**Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари, фоизда**



1.1.2.6-чизма

**Чакана ва улгуржи савдо ҳажми ўзгариши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда**



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

2022 йилда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошишининг 2021 йилдаги 13,9 фоиздан **19,4** фоизгача жадаллашиши кузатилди. Бунда, **ОЗИҚ-ОВҚАТ** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **17,5** фоизга, **НООЗИҚ-ОВҚАТ** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **20,4** фоизгача етди.

Иқтисодий фаолликнинг ошиши **чакана ва улгуржи савдо** ҳажмининг ўсишида ҳам акс этди. Хусусан, **чакана савдо** ҳажми **12,3** фоизга ўсган бўлса, **улгуржи савдо** ҳажми ўсиши эса 2021 йилдаги 17,5 фоиздан **26,8** фоизгача жадаллашди.

**Меҳнат бозоридаги** ҳолат анъанавий ишчи кучига бўлган талабдан фарқли равишда юқори малакали ишчиларга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги билан характерланади.


Хусусан, 2022 йилда **ишсизлик даражаси 8,9** фоизни (2021 йилнинг мос даврида 9,6 фоиз) ташкил этиб, иқтисодиётдаги **банд аҳоли сони 13,7** млн нафарга етди. Бунда, **аҳолининг иқтисодий фаоллик** даражаси 2021 йилдаги 74,1 фоиздан **73,9** фоизгача пасайгани кузатилди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги банд аҳоли сонининг жами банд аҳоли сонидagi улуши **қишлоқ хўжалигида** – 25 фоизни, **саноатда** – 13,3 фоизни, **савдо хизматларида** – 11,2 фоизни, **қурилишда** – 9,7 фоизни, **таълим соҳасида** – 9,1 фоизни, **соғлиқни сақлашда** – 4,8 фоизни ташкил этди.

2022 йилда **иш ҳақи** миқдорининг инфляция даражасига мутаносиб равишда тўғрираниб борилиши ҳамда юқори малакали ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида иқтисодиёт тармоқларидаги иш ҳақи меҳнат бозоридаги ўртача иш ҳақига нисбатан турлича шаклланди.

1.1.2.7-чизма

### Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигининг реал ўсиши динамикаси, фоизда



Манба: Статистика агентлиги, Марказий банк ҳисоб-китоблари

Хусусан, меҳнат бозорида ўртача ойлик иш ҳақи **3,9** млн сўмни ташкил этиб, молия ва суғурта хизматлари (*10,8 млн*), ахборот ва алоқа хизматлари (*7,6 млн*), ташиш ва сақлаш хизматлари (*5,1 млн*), саноат (*4,9 млн*) ҳамда қурилиш (*4,7 млн*) соҳаларида иш ҳақи даражаси юқори шаклланган бўлса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (*2,6 млн*), таълим (*2,7 млн*), яшаш ва

овқатланиш хизматлари (3,1 млн) соҳаларида эса ўртача иш ҳақидан паст кўрсаткич қайд этилди.

Шунингдек, 2022 йил якуни бўйича **иш ҳақининг реал ўсиши 8,6** фоизни ташкил этган бўлса, **меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса 4,1** фоизга тенг бўлди. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақининг реал ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишига нисбатан қарийб **2 баробар** юқори даражада шаклланди.

Иқтисодиёт тармоқларида иш ҳақи миқдорининг ошиши, бир томондан, истеъмол талабини қўллаб-қувватлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, меҳнат унумдорлиги иш ҳақи миқдори ошишига мутаносиб равишда ўзгармаслиги иқтисодиётда инфляцион босимни юзага келтириши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

## 1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2022 йилда глобал иқтисодиётнинг пермаинқироз<sup>2</sup> даврига, яъни Covid-19 пандемияси сабабли бошланган иқтисодий инқироздан тўлиқ тикланмасдан янги геосиёсий зиддиятлар сабабли бошланган инқироз даврига ўтиши кузатилди.

Бунда, инфляцион босимнинг ортиб бориши ва бунга жавобан мамлакатларда пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши, трансчегаравий ва савдога чекловларнинг жорий этилиши, жаҳон хомашё бозорларида нархларнинг сезиларли тебранишлари, ишлаб чиқариш занжирларининг географияси ўзгариши ҳамда логистика соҳасига қўшимча босимнинг юзага келиши каби омиллар глобал иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатди.

**Халқаро валюта жамғармасининг** (кейинги ўринларда – ХВЖ) дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, глобал иқтисодий ўсиш 2022 йилда **3,4** фоизни (2021 йилда 6,2 фоиз) ташкил этди.

Бунда, ривожланган мамлакатларда **иқтисодий ўсиш** 2021 йилдаги 5,4 фоиздан **2,7** фоизгача ҳамда ривожланаётган иқтисодиётларда 6,7 фоиздан **4** фоизгача секинлашди. ХВЖнинг ҳисоботида **глобал инфляция** даражаси 2021 йилдаги 4,7 фоиздан **8,7** фоизгача, ривожланган иқтисодиётларда 3,1 дан **7,3** фоизгача, ривожланаётган иқтисодиётларда 5,9 дан **9,8** фоизгача ошганлигини қайд этди.

<sup>2</sup> Пермаинқироз – инглиз permanent (“давомий”) ва crisis (“инқироз”) сўзларидан иборат бўлиб, узоқ муддатдаги нобарқарорликни англатади.

2022 йилдаги глобал инфляциянинг юқори суръатларда шаклланишида:

– пандемиядан аввалги даврда глобализация жараёнлари ва рақобат муҳити таъсирида товарлар нархининг пасайгани натижасида ишлаб чиқариш қувватларига инвестицияларнинг камайганлиги;

– Covid-19 пандемияси даврида амалга оширилган фискал рағбатлантиришлар таъсирининг ҳамда аҳолининг истеъмол талабининг йиғилиб қолганлиги натижасида юзага келган талабга мос равишда ишлаб чиқариш қувватларининг етарли даражада шаклланмаганлиги;


– логистика занжирларида узилишлар ҳамда етказиб бериш тарифларининг кескин ошиши, хомашё ҳамда бутловчи қисмлар тақчиллигининг юзага келганлиги асосий омиллар бўлди.

Шунингдек, 2022 йилда геосиёсий қарама-қаршилиқларнинг кескинлашгани сабабли мамлакатлар томонидан глобал савдони чекловчи чоралар сони тарихий максимумни қайд этди.

Хусусан, пандемия даврида **савдо чекловига** қаратилган чоралар сони 1,2 мингтани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 2 мингтага етди.

1.2.1-чизма

### Глобал савдо шароитларига таъсир қилувчи чоралар




Манба: Global Trade Alert

Савдони чеклашга қаратилган чоралар, иқтисодий санкциялар натижасида транспорт коридорларининг ёпилиши ва мамлакатлар томонидан ушбу чекловларни четлаб ўтиш чораларини кўрилиши ҳамда асосий хомашё етказиб берувчи айрим давлатларда экспортга жорий этилган вақтинчалик чекловлар логистика соҳасига қўшимча босимни юзага келтирди.

1.2.2-чизма


**40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи, ҳафталик динамика, долларда**



Манба: *Drewry.co.uk*

1.2.3-чизма

**Глобал таъминот занжирига босим индекси**




Манба: *Нью-Йорк Федерал захира банки*

Шу билан бирга, глобал савдо ҳажмларининг камайиши транспорт-логистика хизматларига бўлган талабнинг пасайишига ҳамда ушбу хизматлар бозоридаги нархларнинг пандемиядан олдинги даврдаги тренди доирасида шаклланишига олиб келди.

Хусусан, 40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи 2021 йил якунида 9,3 минг долларни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунида мазкур хизмат нархи **2,1** минг долларгача (**4,4 баробарга**) пасайди.

1.2.4-чизма

**Жаҳон Марказий банклари томонидан пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши тенденцияси**



Манба: *ХВЖ маълумотлари*




Шунингдек, Глобал таъминот занжирига босим индекси ҳисобот йилида 2021 йилдаги 4,3 дан **1,2** гача (*йил якуни бўйича*) пасайиши кузатилди.

Инфляцион босимнинг кучайиб бориши жаҳон Марказий банклари томонидан пул-кредит сиёсатини синхрон тарзда қатъийлаштириш жараёнларини кучайтирди. 2022 йил давомида Марказий банкларнинг **89,7** фоизи базавий (асосий) ставкаларини ошириш фазасига ўтди.

Шу билан бирга, глобал иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида иқтисодий фаолликни акс эттирувчи PMI индекси 2021 йилдаги жадал суръатларда яхшиланиб боришдан сўнг, 2022 йилда нобарқарорликлар таъсирида пасаяувчи тенденцияга эга бўлиб, йил якуни бўйича салбий даражада (*50 дан паст*)<sup>3</sup> шаклланди.

1.2.5-чизма

### Глобал PMI индекси динамикаси



Манба: IHS Markit, Global Purchasing managers' index report

Хусусан, 2022 йил декабрь ойида PMI йиғма индекси **48,2**, хизмат кўрсатиш соҳасида – **48,1** ҳамда ишлаб чиқаришда – **46,6** га тенг бўлиб, мазкур кўрсаткичлар 2021 йилнинг декабрь ойида мос равишда 54,3, 54,7 ва 54,3 ни ташкил қилган.

### 1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар

2022 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатлари иқтисодий ҳолати ташқи шоклар, жумладан, хомашё нархларидаги тебранишлар, глобал инфляцион босимлар, савдо чекловлари ва ялпи талабнинг ўзгариши шароитида шаклланди.

<sup>3</sup> PMI индексининг қиймати 50 дан юқори бўлганида ишбилармонлик фаоллигининг яхшиланиб боришини, 50 дан паст даражада шаклланганда эса иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувини акс эттиради.



Хусусан, **Россияда** ЯИМнинг ўсиши 2021 йилдаги 4,7 фоиздан **-2,1** фоизгача қисқарган бўлса, **Хитойда** 8,4 фоиздан **3** фоизгача, **Қозоғистонда** 4,1 фоиздан **3,2** фоизгача ҳамда **Туркияда** 11,4 фоиздан **5,6** фоизгача секинлашди.


1-ҳавола

### Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари

2022 йилда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2021 йилдаги 16,6 млрд доллардан 19,3 млрд долларга ёки **15,9** фоизга, импорт ҳажми мос равишда 25,5 млрд доллардан 30,7 млрд долларга ёки **20,4** фоизга ошди.

Бунда, асосий савдо айланмаси Россия (*18,6 фоиз*), Хитой (*17,8 фоиз*), Қозоғистон (*9,2 фоиз*) ва Туркия давлатларига (*6,4 фоиз*) тўғри келиб, уларнинг умумий савдо айланмасидаги улуши 52,1 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари билан 2022 йилдаги савдо айланмаси, млн долларда



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

**Хитойда** иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви, қатъий карантин чекловлари билан боғлиқ бўлиб, **чакана савдо ҳажмлари** 0,2 фоизга ва **кўчмас мулк савдоси ҳажмлари** 10 фоизга қисқарган бўлса, **саноат ишлаб чиқариш** ҳажмлари 2021 йилдаги 9,6 фоиздан 3,4 фоизгача секинлашиши кузатилди.

Геосийсий зиддиятлар таъсирида **Россияга** нисбатан жорий этилган санкциялар **иқтисодий фаолликни кескин пасайтириб**, 2022 йилда иқтисодий ўсишни 2,1 фоизга қисқаришига олиб келди.

**Туркияда** кузатилган юқори инфляция ва валюта курсининг тебранувчанлиги шароитида аҳолининг харид қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида **иш ҳақи** миқдорининг йил давомида қарийб 3 баробарга оширилиши ҳамда **туризм соҳасининг** қайта тикланиши иқтисодий фаолликни мўътадиллаштирди.

**Қозоғистонда** иқтисодий ўсиш реал секторнинг юқори кўшилган қиймат соҳаларидаги фаолликнинг, шу жумладан **машинасозлик** – 9,4 фоиз,


**автомобилсозлик** – 19,1 фоиз, **электр асбоб-ускуналар** ишлаб чиқариш соҳасида – 22,2 фоизга ошиши ҳисобига шаклланди. Бундан ташқари, **қишлоқ хўжалигида** ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, **қурилишда** эса 9,4 фоизга ошди.

Ташқи шоклар таъсирида **Россияда** инфляция даражаси 2021 йилдаги 8,4 фоиздан **11,9** фоизгача, **Хитойда** 1,5 фоиздан **1,8** фоизгача, **Қозоғистонда** 8,4 фоиздан **20,3** фоизгача тезлашди.

Бундан ташқари, **Туркияда** давом эттирилган “арзон пуллар” сиёсати инфляцияни 2021 йилдаги 36,1 фоиздан **64,3** фоизгача ошишига асосий омил бўлди.

1.2.1.1-чизма

### Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси, фоизда



Манба: ХВЖ маълумотлари

Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари ташқи шокларни юмшатиш ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида пул-кредит шароитларини қатъийлаштириб борди.

Хусусан, Россия банки 2022 йил якунига қадар асосий ставкани босқичма-босқич 6 марта қайта кўриб чиқиб, йиллик **7,5** фоиз даражасида белгилади.


Инфляциянинг юқори даражада шаклланишига жавобан Қозоғистон Миллий банки пул-кредит сиёсатини йил давомида қатъийлаштириб борди ва 2022 йил якунида асосий ставкани йил бошидаги 9,75 фоиздан **16,75** фоизгача оширди.

Туркия марказий банки инфляциянинг кескинлашганига, шунингдек, инфляция бўйича таргет 5 фоиз этиб белгиланганига қарамасдан пул-кредит сиёсатини юмшатиб, хусусан, 2022 йил давомида асосий ставка 4 марта

пасайтириш томонга кўриб чиқилиб, йиллик 14 фоиздан 9 фоизгача туширилди.

1.2.1.2-чизма

**Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги йиллик инфляция даражаси ва фоиз ставкаси, фоизда**



Манба: Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари

Хитойда инфляция даражасининг нисбатан паст шаклланганлиги ҳисобига ялпи талабни рағбатлантириш мақсадида асосий ставка йил давомида 3,80 фоиздан **3,65** фоизгача ёки 0,15 фоиз бандга туширилди.

Ҳисобот йилида асосий савдо ҳамкор давлатларда миллий валюта курсларининг кескин тебранишлари кузатилди. Хусусан, Турк лирасининг долларга нисбатан қиймати 2021 йилдаги 76,9 фоиздан **53** фоизга, Қозоқ тенгеси 2,6 фоиздан **7,2** фоизга қадрсизланди.


2021 йилда Хитой юани 2,3 фоизга мустаҳкамланган бўлса, 2022 йилда мазкур валюта **9,2** фоизга қадрсизланди. Россия Марказий банки томонидан

чет эл валютаси билан операцияларга қўйилган чекловлар ҳисобига Россия рубли ҳисобот йилида **5,2** фоизга мустаҳкамланди.

Ўз навбатида, асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюталари заифлашиши ҳамда Ўзбекистондаги инфляциянинг ҳамкорлардаги инфляция даражасидан юқорироқ шаклланиши фонида сўмнинг реал самарали алмашув курсида 2022 йилда мустаҳкамланиш кузатилди.

1.2.1.3-чизма

### Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг динамикаси декомпозицияси, *фоизда*



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

### 1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар

2022 йилда жаҳон хомашё бозори конъюнктураси, бир томондан, савдо чекловлари ва спекулятив кутилмалар салбий таъсири доирасида, бошқа томондан, жаҳон савдоси ва глобал иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши шароитида шаклланди.

Хусусан, энергия манбалари нархи индекси 2021 йилдаги 78,2 фоизлик ўсишдан сўнг, 2022 йилда (*асосан нефть нархлари ўсиши ҳисобига*) **57,3** фоизга ошди.


Европа мамлакатлари томонидан Россия табиий газининг импортига қўйилган чекловлар натижасида табиий газнинг ўртача нархи 2021 йилга нисбатан қарийб **2,5 баробарга** ошган бўлсада, IV чорақдан бошлаб барқарорлаша бошлади.

Шунингдек, айрим мамлакатларнинг Россия нефтига қарши жорий этилган чеклов чоралари ҳамда спекулятив кутилмалари таъсирида 2022 йилда бир баррель **нефть нархи** ўртача **97,1** доллар доирасида

шаклланиб, 2021 йилга нисбатан **40,6** фоизга ўсиши кузатилди. Кўмир нархида ҳам юқори ўсиш қайд этилган бўлиб, 2021 йилдаги бир метрик тонна кўмир учун ўртача 129 доллардан 2022 йилда **330,5** долларгача етди (2,6 баробарга ошди).


1.2.2.1-чизма

### Жаҳон бозорида энергия манбалари ва газ нархлари индекси, фоизда



1.2.2.2-чизма

### Нефть ва кўмир ўртача нархлари динамикаси



Манба: Жаҳон банки маълумотлари

Асосий металллар нархи индексида 2022 йилнинг биринчи чорагида кескин ўсиш кузатилган бўлса, йил сўнгига қадар металл бозорида асосий истеъмолчи ҳисобланган Хитойнинг металлларга бўлган талабининг камайиб бориши ҳисобига пасайиш кузатилди ва 2022 йилда мазкур товарлар нархи ўртача **4** фоизга ошди.


Мазкур товарлар гуруҳига кирадиган никель нархидагина юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Бунда, 1 метрик тонна никелнинг ўртача йиллик нархи 2021 йилдаги 18,5 минг доллардан 2022 йилда **25,8** минг долларга ошди (**39,9** фоизга ўсди).

2020 йилнинг март ойига қадар жаҳон олтин бозорида АҚШ Федерал захира тизими асосий ставкани юмшатиб бориши ҳамда доллар курсининг қадрсизланиши каби ижобий кутилмалар ҳисобига мазкур товар нархи ошиб борди.

Бироқ, жаҳон Марказий банклари, ўз навбатида, АҚШ Федерал захира тизими томонидан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши ҳамда доллар индексининг ўсиши ҳисобига 2022 йилнинг март ойдан бошлаб олтин нархининг пасайиши кузатилди.


1.2.2.3-чизма

Жаҳон бозорида қимматбаҳо ва асосий металллар нархлари индекси, 2010 йил базавий йил, фоизда



1.2.2.4-чизма

Олтин ва кумуш нархлари динамикаси, доллар/троя унцияси




Манба: Жаҳон банки маълумотлари

Натижада, 2021 йилга нисбатан **олтиннинг** ўртача йиллик нархи (1 троя унцияси 1 799,6 доллар) деярли ўзгаришсиз қолиб, ҳисобот йилида унинг нархи **1 800,6** долларни, 1 троя унция кумушнинг ўртача йиллик нархи эса, **13,4** фоизга пасайиб, **21,8** долларни ташкил этди.

2021 йилдан бошлаб **минерал ўғитлар нархлари** ўсувчан тенденцияга эга бўлиб, 2022 йилнинг апрель ойида ўзининг тарихий максимумига етди. Хусусан, мазкур товарлар нархи 2021 йилдаги 80,5 фоизлик ўсишидан сўнг, 2022 йилда **62,6** фоизга ошди.

1.2.2.5-чизма

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва минерал ўғитлар нархлари индекси, 2010 йил базавий йил, фоизда



Манба: Жаҳон банки маълумотлари

Минерал ўғитлар нархининг ошишига табиий газ нархининг ўсиши, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда ўғитларга субсидиялар ажратиш ҳамда ривожланган мамлакатларда ўғитлар экспорти тарифларининг оширилиши асосий омиллар бўлди.

Ўз навбатида, **озиқ-овқат** маҳсулотлари нархи индекси 2021 йилга нисбатан **17,9** фоизга, ўсимлик ёғи маҳсулотлари индекси **14,2** фоизга, бошоқли маҳсулотлар нархлар индекси **21,4** фоизга ошиши кузатилди. Буғдойни асосий етказиб берувчи мамлакатларда юзага келган узилишлар натижасида мазкур товар нархи ҳисобот йилида **36** фоизга ошди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, пахта толасининг глобал хомашё бозоридаги ўртача йиллик нархи 2021 йилга нисбатан **28,3** фоизга ошиб, 1 кг пахта толаси нархи **2,9** долларга етди.


### 1.2.3. Глобал иқтисодиётдаги кутилмалар

Геосийсий зиддиятларнинг давом этаётганлиги, савдо билан боғлиқ чекловларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳамда капитал оқими мобилизацияси концентрациялашувининг кучайиб бораётганлиги шароитида ўрта муддатли истиқболда глобал иқтисодий ўсишнинг секинлашиши кутилмоқда.

ХВЖнинг 2023 йил апрель ойида эълон қилинган “Глобал иқтисодиёт истиқболлари” ҳисоботида 2023 йилда жаҳон иқтисодиётининг **2,8** фоизга, 2024 йилда эса **3** фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

1.2.3.1-чизма

2008-2022 йилларда глобал рецессия эҳтимоли индекси<sup>4</sup> динамикаси



Манба: MacroMicro

<sup>4</sup> Индекс бир нечта иқтисодий кўрсаткичларни, жумладан истеъмол даражаси, бандлик, ишлаб чиқариш, молия ва хомашё базасини ўз ичига олиб, мазкур кўрсаткич 50 дан ошган тақдирда, глобал иқтисодиёт катта эҳтимоли билан рецессия даврига ўтишини кўрсатади.



Бундан ташқари, **глобал рецессия эҳтимоли индекси** бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2023 йилда глобал иқтисодиётнинг **рецессия даврига** ўтиш билан боғлиқ салбий кутилмаларнинг юзага чиқиш эҳтимолининг пасайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу индекс 2022 йилда ўсувчан тенденцияга эга бўлиб, 48,7 ни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг март ойига келиб 46,7 гача пасайиши кузатилди.

Шунингдек, глобал инфляция даражаси 2023 йилда 7 фоизгача, 2024 йилда **4,9** фоизгача секинлашиши прогноз қилинмоқда.

Глобал ялпи талабнинг қисқариши ҳисобига халқаро савдо ҳажмлари 2022 йилдаги 5,1 фоизлик ўсишдан сўнг 2023 йилда **2,4** фоизгача секинлашиши кутилмоқда.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки ўрганишларига кўра, хомашё товарлари (нефть, газ, мис) нархлари ва доллар алмашув курсининг бир йўналишда ҳаракатланиши, яъни хомашё нархлари қимматлашган даврда доллар бошқа валюталарга нисбатан мустаҳкамланиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хомашё импорт қилувчи мамлакатларда миллий валютада ҳисобланган импорт нархининг икки факторли ўзгариши натижасида инфляцион босимни ошишига олиб келади.

Пандемия давридан бошлаб уй хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ҳақи даражасининг барқарор ўсиши натижасида йиғилиб қолган талабнинг ишлаб чиқариш таклифи билан етарли даражада қопланмаслиги инфляцион жараёнларнинг давомийлигига таъсири сақланиб қолмоқда.

Бу эса, марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатининг янада қатъийлаштирилишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, давом этаётган геосиёсий кескинликлар глобаллашув жараёнларининг секинлашувига, минтақавий блокларнинг шаклланишига ҳамда глобал ишлаб чиқариш занжирлари географиясининг ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу жараён турли каналлар, хусусан, савдо, капитал ҳаракати ва миграция оқимлари орқали намоён бўлмоқда.

2020-2022 йилларда амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида 2015-2019 йиллардагига нисбатан географик концентрациялашувининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, ХВЖ ҳисоб-китобларига кўра, Хитой томонидан йўналтирилган инвестициялар ҳажми АҚШга (-22,1 фоиз), ривожланган Европа мамлакатларига (-17,8 фоиз), ривожланаётган Европа мамлакатларига (-31,3 фоиз) ҳамда Осиё давлатларига (-44,3 фоиз) сезиларли қисқарган.



1.2.3.1-жадвал

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимлари  
географиясининг ўзгариши, фоизда**

Инвестициялар чиқиб кетаётган хуудлар	Бошқа давлатлар	26,4	7,1	5,3	11,4	-3,7	-24,7	18,6
	Хитой	-22,1	-6,9	-17,8	-31,1	-44,3		-31,9
	Осиё давлатлари (Хитойдан ташқари)	-3,2	-8,7	-11,7	-2,4	-23,7	-49,2	-4,4
	Ривожланаётган Европа давлатлари	27,6	2,9	9,9	18,1	-22,3	13,9	-11,5
	Ривожланган Европа давлатлари	7,5	-11,7	9,3	-0,9	-9,8	-19,7	8,6
	Америка давлатлари (АҚШдан ташқари)	18,6	27,3	14,9	34	5,9	-13,3	27,6
	АҚШ		9,2	0,6	19,4	2,3	-40,6	21,6
	АҚШ	Америка давлатлари (АҚШдан ташқари)	Ривожланган Европа давлатлари	Ривожланаётган Европа давлатлари	Осиё давлатлари (Хитойдан ташқари)	Хитой	Бошқа мамлакатлар	
Инвестициялар кириб келаётган хуудлар								

Манба: ХВЖ маълумотлари

Шунингдек, ривожланган Европа мамлакатлари Осиё давлатларига (-9,8 фоиз), Хитойга (-19,7 фоиз) ҳамда ривожланаётган Европа мамлакатларига (-0,9 фоиз) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини қисқартириб, уларни АҚШга (7,5 фоиз) ва Европа Иттифоқи мамлакатларига (9,3 фоиз) йўналтирмоқда.

Бу эса, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида хорижий инвестицияларни жалб этишда рақобатнинг кучайишига олиб келиб, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шарти сифатида анъанавий инвестицион ва бизнес муҳитини яхшилаш билан бирга, замонавий янги бизнес йўналишларини (ахборот технологиялари, молиявий ва логистик хизматлар, экотуризм) такомиллаштиришни тақозо этади.

2023 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётларида бир томондан глобал инфляция босим, бошқа томондан ички талабнинг камайиши ҳамда хомашё нархларининг тебранишлари таъсирида иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши прогноз қилинмоқда.

**Россияда** ялпи талаб таркибининг ўзгариши, шу жумладан 2023 йилда истеъмол талабининг тикланиши якуний истеъмол харажатларининг 0,5–2,5 фоиз атрофида шаклланиши, шунингдек, давлат инвестицияларининг ортиб бориши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиб, ЯИМнинг ўсиш

суръатлари -1–1 фоиз оралиғида шаклланиши Россия банки томонидан прогноз қилинмоқда.


2-ҳавола

### Френдшоринг<sup>1</sup> ва унинг глобал иқтисодиётга таъсири

Сўнгги йилларда глобал қўшилган қиймат занжирларида бир қатор омиллар, яъни кибер таҳдидлар, савдо урушлари, пандемия, иқлим билан боғлиқ муаммолар ҳамда геосиёсий зиддиятлар ҳисобига узилишлар юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, глобал таъминот занжирларининг барқарорлиги ва уларни қайта кўриб чиқиш каби масалаларни юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан, мамлакатлар ўхшаш сиёсий қарашларга эга, шунингдек, можаро хавфи минимал бўлган бошқа мамлакатлар билан биргаликда “френдшоринг” тамойили асосида товарларни ишлаб чиқиш занжирларини ривожлантириш ва савдо қилиш масалаларини кўриб чиқмоқда.

ЕТТБ ҳисоб-китобларига кўра, френдшоринг амалиёти мамлакатлар иқтисодиётининг кенгайишига хизмат қилмайди, балки **глобал ЯИМнинг 4,6** фоизини ёки тахминан **4,6** трлн долларга тенг йўқотишларга олиб келиши мумкин.



Манба: ХВЖ маълумотлари

<sup>1</sup> Френдшоринг – англиз *friend* (“дўст”) ва *shoring* (“қўллаб-қувватлаш”) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, сиёсий жиҳатдан хавфсиз ҳисобланган мамлакатлар билан таъминот ҳамда ишлаб чиқариш занжирларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликнинг мустаҳкамлантирилиши.

**Хитойда** 2023 йилда карантин чекловлари тўлиқ бекор қилиниши ҳамда фискал ва монетар шарт-шароитларининг юмшатилиши истеъмол талабига ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакат иқтисодиётининг пандемиядан аввалги тенденциялар доирасида шаклланиши кутилаётган бўлиб, ХВЖ томонидан Хитой иқтисодиёти 2023 йилда 5,2 фоизга, 2024 йилда эса 4,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

**Туркияда** юз берган табиий офатлар қисқа муддатларда иқтисодий фаолликнинг секинлашишига олиб келса, ўрта муддатда қайта тиклаш жараёнларига инвестицияларнинг йўналтирилиши мамлакат иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. ХВЖнинг янгиланган

прогнозларига кўра, Туркияда ЯИМ ўсиши 2023-2024 йилларда мос равишда **2,7** ва **3,6** фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

**Қозоғистонда** 2023 йилда қурилиш соҳаси 7,5 фоизга, минтақада муқобил логистика занжирларининг пайдо бўлиши ҳисобига транспорт ва сақлаш хизматларининг 5,7 фоизга, миграция оқимининг ортиши натижасида чакана ва улгуржи савдо ҳажмларининг 4 фоизга ҳамда 2023 йил якуни бўйича иктисодиёт 4,3 фоизга ўсиши кутилмоқда.


### 1.3. Инфляция жараёнлар ва кутилмалар

2022 йилда мамлакатимизда шаклланган инфляция даражасига ташқи оширувчи шоклар – жаҳонда товар ва хомашё нархларининг кескин тебраниши, логистика ва етказиб беришдаги узилишлар (ялпи таклифни қисқариши эвазига), ички омиллардан, ойлик даромадларнинг ошиши, бозорлардаги рақобат шароитлари ва таъминотдаги узилишлар ҳамда пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиши (истеъмол талаби томонидан) оширувчи таъсир кўрсатди.

Йил давомида **истеъмол нархлари индекси** (кейинги ўринларда – ИНИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 2021 йилга нисбатан ўсувчи тенденцияга эга бўлди ва йил якуни бўйича **12,3** фоизни ташкил этди. Бунда, ЯИМ дефлятори 2022 йил якуни бўйича **13,8** фоизгача (*2021 йилда 13,5 фоиз*), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси эса **16,9** фоизгача (*2021 йилда 12,9 фоиз*) ўсди.

1.3.1-чизма

#### Инфляция кўрсаткичлари динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг умумий инфляциядан юқори даражада шаклланганлиги, асосан, жаҳондаги энергия ва хомашё нархларининг сезиларли даражада қимматлашгани ҳамда етказиб беришдаги узилишлар таъсирида товар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ўтган даврларга нисбатан ошгани билан изоҳланади.

Март ойидан бошлаб минтақада геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши, шунингдек, Хитойдаги даврий локдаун ҳолатлари туфайли истеъмол товарлари ҳамда хомашёларни етказиб беришда узилишлар кузатилди.


Жаҳон бозорида Россия нефти ва газига қўйилган чекловлар ёқилғи маҳсулотлари таклифи ҳажмининг қисқаришига олиб келди. Бу эса, жаҳон бозоридаги ёқилғи нархларининг сезиларли даражада қимматлашишига, натижада, маҳаллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва ташиш харажатлари ўсиб боришига сабаб бўлди.

2022 йилнинг I ярим йиллигида инфляция кўрсаткичининг ўсувчи тенденцияси асосан, ташқи вазиятнинг нобарқарорлиги фонида импорт нархларининг оширувчи таъсирлари ва таклифнинг етарли даражада таъминланмаганлиги билан изоҳланади.

2022 йилнинг II ярим йиллиги кўпроқ талаб омилларининг оширувчи таъсирлари, хусусан, истеъмол талабининг фаоллашиши шароитида таклиф омилларининг етарли даражада таъминланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бунда, аҳолининг реал даромадлари ижобий ўсиши сақланиб қолингани истеъмол талабини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

1.3.2-чизма

### Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда




Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши умумий инфляция даражасидан юқори шаклланиб, йил якуни бўйича **15,6** фоизни ташкил этди ва умумий инфляцияга оширувчи таъсир ҳиссаси **6,6** фоиз банд доирасида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида умумий инфляциянинг юқори бўлишига асосан дон, ёрма ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар (*бугдой уни, нон, гуруч ва бошқалар*) ҳамда пиёз, сабзи, шакар ва тухум нархининг сезиларли ошиши сабаб бўлган бўлса, мевалар (*олма, лимон, узум ва нок*) нархи ўсишининг секинлашганлиги пасайтирувчи омиллардан бўлди.

1.3.3-чизма

**ИНИнинг асосий таркибий қисмлари динамикаси,  
ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда**



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2022 йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошишида дон маҳсулотлари, пиёз ҳамда шакар нархларининг 2021 йилга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши кузатилди. Хусусан, йиллик ҳисобда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиши **15,6** фоизни ташкил этган бўлса, мева-сабзавотларни инобатга олмасдан ҳисобланган озиқ-овқат нархлари ўртача **18,5** фоизга (2,9 фоиз бандга юқорироқ) қимматлашган.

2022 йилда минтақа давлатларида қурғоқчилик ҳолатларининг кўпайиши шароитида гуруч ва пиёз маҳсулотлари таклифининг камайиши кузатилган бўлиб, бу эса ушбу маҳсулотлар нархининг қимматлашишига олиб келди.

Шунингдек, савдо ҳамкор давлатларда шакар, дон ва ўсимлик ёғи маҳсулотлари экспортига киритилган божлар ва чекловлар йил давомида ушбу товарлар нархларига оширувчи босимни сақлаб қолди.

2022 йил бошида жаҳон бозорларида қандолат маҳсулотларига талабнинг кўпайиши, нефть нархининг кўтарилиб бориши ҳамда ўсимлик ёғлари нархларида кескин тебранишлар (қимматлашиш), шунингдек, хомашёларни етказиб беришдаги узилишлар шакар нархига салбий (оширувчи) таъсир кўрсатди.

Озуқа-ем (*арпа, бугдой, кепак ва бошқалар*) захираларининг камайиши ва таклифининг қисқариши ҳамда ушбу товарлар нархларининг кескин қимматлашиши ички бозорда гўшт ва сут маҳсулотлари нархларига оширувчи босимни кучайтирди.

2022 йилда ноозик-овқат маҳсулотлари нархлари ўсувчи траекторияда шаклланган бўлиб, 2021 йилнинг мос даврига (*7,8 фоиз*) нисбатан 3 фоиз бандга тезлашди ва йиллик **10,7** фоизни ташкил этди.

Ноозик-овқат товарларидан кийим ва пойафзал – 9,4 фоизга, дори воситалари – 19,1 фоизга, маиший ювиш ва тозалаш воситалари – 20,6 фоизга, шахсий фойдаланиш учун буюмлар – 15,1 фоизга ва маиший ускуналар нархи – 9,9 фоизга ўсди.

Шу ва бошқа товарлар, шунингдек, хомашёларнинг аксарияти Россия худудлари орқали етказилганлиги ва март ойидаги ушбу тизимнинг узилиши сабабли етказиб бериш занжирлари ва импорт географиясининг бошқа йўналишларга мослашуви ушбу гуруҳ товарларини қимматлашига олиб келди.

Ҳисобот йилида ИНИ саватининг хизматлар гуруҳи инфляцияси **8,3** фоизни (*2021 йилда 7,8 фоиз*) ташкил этиб, 2022 йилнинг дастлабки чорагида нархлар динамикаси деярли ўзгаришсиз бўлди.

Бироқ, 2022 йилнинг II чорагидан бошлаб ёқилғи нархларидаги ўзгаришлар ҳамда ноябрь-декабрь ойларида ёқилғи (*метан*) қуйиш шохобчалари иш вақтининг қисқариши транспорт хизматлари ва логистика нархларининг сезиларли ошишига сабаб бўлди.

Йил давомида маиший хизматлар нархи ўсиши юқори бўлган бўлса, IV чорақда алоқа хизматлари нархида пасайиш кузатилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар нархи 16,7 фоизга ошди.


**Инфляцион кутилмалар.** Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари 2022 йил давомида турлича динамикани кайд этди. 2022 йилнинг I чораги давомида инфляция даражасининг пасайиб бориши, аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмаларида нархлар барқарорлигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, 2022 йилнинг II чорагидан бошлаб ташқи оширувчи

шокларнинг биров кечикиш билан ички нархларга таъсир кўрсата бошлагани инфляцион кутилмаларда ҳам ўз аксини топди.

Хусусан, июнь ойида аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари 17-18 фоизгача ошиб, умумий инфляция даражасидан фарқи 5-6 фоиз бандни ташкил этди.

1.3.4-чизма

**Инфляцион кутилмалар динамикаси,  
йиллик ўзгариши, фоизда**



Асосий истеъмол товарлари нархларининг юқорироқ ўсиши, май ойида электроэнергия ва табиий газ нархларининг оширилиши бўйича кутилмаларнинг юзага келиши, шунингдек, иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши инфляцион кутилмаларнинг нисбатан юқори сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Ҳисобот йилининг IV чораги давомида кутилмаларнинг тезлашиши асосан ёқилғи ва энергия ресурслари нархларининг ошгани ҳамда валюта курсидаги тебранишлар, шунингдек, импорт хомашёлар ва бутловчи қисмларнинг қимматлашгани билан боғлиқ.

Ушбу даврда респондентларнинг жавоб тақсимоти аввалги чоракка нисбатан биров кенгайганлиги кузатилиб, бу келгусида инфляцион жараёнларнинг вужудга келиши бўйича аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг кутилмаларида ноаниқликларнинг ортиб бораётганидан дарак беради.

Умуман олганда, 2022 йил якунлари бўйича аҳолининг инфляцион кутилмалари **15,5** фоизни (2021 йилда 15,7 фоиз) ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **0,2** фоиз бандга пасайган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ҳам 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **0,2** фоизга пасайиб, **14,7** фоизни ташкил этди.



## 1.3.1-жадвал

**Инфляциян кутилмаларга таъсир кўрсатган омиллар,  
респондентлар улуши фоизда**

Омиллар	Аҳоли											
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
Валюта алмашув курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42	44	51	49
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27	30	38	40
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31	34	35	36
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28	27	28	35
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42	49	37	27
Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18	22	22	20
Супермаркет ва бозорларда нархлар фарқи юқорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11	11	11	11
Тадбиркорлар												
Валюта алмашув курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39	44	48	49
Ёқилғи ва транспорт қимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35	39	50	35
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23	22	24	30
Хориждан хомашё етказиб беришдаги узилишлар	16	16	22	22	21	22	23	21	19	16	20	19
Иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14	13	15	18
Импорт хомашёси қимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21	21	32	15
Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11	11	14	13

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

2022 йилнинг декабрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан келгуси даврларда инфляция даражасидаги ўзгаришлар миллий валюта курсининг қадрсизланиши, ёқилғи ва транспорт харажатларининг ошиши, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши, хориждан импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмларнинг қимматлашиши ҳамда нархларнинг сунъий оширилиши билан боғлиқ бўлиши қайд этилган.



## 1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси кўрсаткичлари

2022 йилда тўлов баланси кўрсаткичлари иқтисодиётни фискал рағбатлантириш ҳажмининг ва ҳудудий давлат дастурлари кўламининг ортиб бориши ҳамда транспорт-логистика билан боғлиқ мураккаб жараёнларни сақланиб қолиши, глобал инфляцион жараёнларни тезлашиши ҳамда савдо ҳамкор давлатларда кузатилган геосиёсий зиддиятлар шароитида шаклланди.

Хусусан, товар ва хизматлар импорти ҳамда инвестиция даромадларининг репатриацияси ҳажмларининг сезиларли даражада ўсиши товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ортиши ҳамда мамлакатга халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайиши ҳисобига қопланиб, жорий операциялар ҳисобига ижобий таъсир кўрсатди ва манфий сальдони ўтган йилларга нисбатан қисқаришида асосий омил бўлди.

Шунингдек, қатор давлатлар томонидан пул-кредит шароитларининг қатъийлаштирилиши натижасида капиталнинг ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган иқтисодиётларга кўчиши ҳамда ташқи қарз маблағларини жалб қилиш харажатларининг ошиши резидентларнинг хорижий валютадаги мажбуриятларининг аввалги йиллар даражасида сақланиб қолишини таъминлади.

**Товар ва хизматлар экспорти.** 2022 йилда жаҳон бозорида асосий хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши ҳамда транспорт харажатларининг кўпайиши ва сафарлар билан боғлиқ хизматлардан фойдаланишнинг жадаллашуви ҳисобига экспорт<sup>5</sup> ҳажми 2021 йилга нисбатан **33** фоизга ошиб, **21,9** млрд долларга етди. Бунда, олтинни ҳисобга олмагандаги экспорт **44** фоизга ўсиб, **17,8** млрд долларни ташкил қилди.

Хусусан, товарлар экспорти (олтинсиз) 2021 йилга нисбатан **30** фоизга ошиб, **13** млрд долларга (2021 йилда 10 млрд доллар) етди.

2022 йилда Ўзбекистонга вақтинча кўчиб келган хорижликлар оқими ва сафарлар кўламининг ортиши ҳисобига транспорт ва туризм хизматлари соҳасида ўсиш кузатилди. Хусусан, хизматлар экспорти 2021 йилга нисбатан қарийб 2,1 баробарга ўсиб, 4,8 млрд долларга етди ва унинг ҳажми пандемиядан олдинги трендлар доирасида шаклланди.


**Товар ва хизматлар импорти.** Истеъмол талабининг юқори даражада сақланиб қолиши, ички ишлаб чиқариш фаоллигининг ошиши ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида ҳисобот йилида товар ва

<sup>5</sup> “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма” (ТБҚ-6, ХВЖ, 2009 й.) асосида.

хизматлар импорти 2021 йилга нисбатан 27 фоизга ошиб, **35,6** млрд доллар доирасида шаклланди.

1.4.1-чизма

### Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, млн долларда



Бунда, товарлар импорти **24** фоизга ўсиб, **28,3** млрд долларни, хизматлар импорти эса **45** фоизга ошиб, **7,3** млрд долларни ташкил қилди.

Импортнинг экспортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши улар ўртасидаги тафовутни ошириб, савдо баланси манфий сальдоси 2021 йилдаги **11,4** млрд доллардан **13,7** млрд долларгача етди.

Савдо баланси манфий сальдоси 2021 йилга нисбатан юқори суръатларда ўсган бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси билан қисман қопланди.

Натижада, 2022 йилда тўлов баланси **жорий операциялар** ҳисобининг манфий сальдоси 2021 йилга нисбатан яхшиланиб, **628,3** млн доллар (2021 йилда 4,9 млрд доллар) ёки ЯИМга нисбатан **0,8** фоиз атрофида шаклланди.


**Бирламчи ва иккиламчи даромадлар.** Бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг асосий манбаи бўлган трансчегаравий пул ўтказмаларининг юқори суръатларда ўсиши жорий операциялар ҳисобини мувозанатлаштирувчи омил бўлди.

Давлатлараро ишчи кучи миграциясининг фаоллашиши ҳамда асосий савдо ҳамкор мамлакатларда қисқа муддатли меҳнат муҳожирларига талабнинг ортиши ҳисобига Ўзбекистон резидентларининг норезидентлардан олган бирламчи даромадлари 2021 йилга нисбатан 65 фоизга ўсиб, 4,2 млрд долларни, норезидентларнинг Ўзбекистондаги бирламчи даромадлари эса 51 фоизга ўсиб, 3,3 млрд долларни ташкил этди.

Натижада, бирламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 896,7 млн долларни ташкил қилди.

1.4.2-чизма

**Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда**



Бирламчи даромадлар бўйича тушумларнинг асосий манбаи хорижга қисқа муддатга ишлаш мақсадида кетган Ўзбекистон фуқароларининг иш ҳақи кўринишдаги даромадлари ҳисобланиб (*қарийб 92 фоизи*), 2021 йилга нисбатан 55 фоизга ўсди. “Бирламчи даромадлар” компоненти бўйича харажатларнинг ошиши асосан, норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ва ташқи қарзлар бўйича тўланган даромад ва фоизлар ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисобот йилида иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 2021 йилдаги 6,2 млрд доллардан 12,2 млрд долларга ошиши кузатилди. Бунда, норезидентлардан даромадларнинг келиб тушиши 2021 йилга нисбатан 1,9 баробарга кўпайиб, 13 млрд долларга, улар бўйича тўловлар эса 31 фоизга ўсиб, 854,3 млн долларга тенг бўлди.

Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси Ўзбекистонга жўнатилган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига таъминланган бўлиб, ўтказмаларнинг 2021 йилга нисбатан 2,1 баробарга ўсиши хориждаги Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари даромадларининг ортиши, геосиёсий вазият натижасида пул ўтказмаларини асосий жўнатувчи мамлакатларга нисбатан чекловлар жорий қилиниши, шу билан бирга маблағларнинг норасмий сектордан расмий секторга ўтиши ҳамда кичик (мавсумий) экспортёрлар томонидан экспорт тушумларини пул ўтказмалари тизимлари орқали жўнатилиши билан изоҳланади.

**Молиявий ҳисоб ва халқаро инвестицион позициядаги асосий ўзгаришлар.** “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича

қўлланма”га (ТБК-6) мувофиқ ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ҳажми **11** фоизга ошиб, **2,5** млрд долларни ташкил қилди.

Ҳисобот йилида умумий ташқи қарз ҳажми 11 фоизга ўсиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 43,6 млрд долларга етди.


Ҳукумат томонидан ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда 2022 йилда янги қарз маблағларини жалб қилиш қимматлашганлиги ва аввалги қарзлар бўйича тўловлар ҳажмининг ортиши сабабли умумий ташқи қарз<sup>6</sup> бўйича мажбуриятларнинг ўсиши 2021 йилдаги 5,2 млрд доллардан 4,2 млрд долларгача камайди.

Бунда, давлат ва хусусий (корпоратив) сектор ташқи қарзи бўйича мажбуриятларининг ўсиши мос равишда 2,1 млрд долларни ташкил қилди.

Умумий ташқи қарз таркибида давлат қарзи бўйича мажбуриятлар қолдиғи 9 фоизга камайиб, 25,8 млрд долларни, банк секторида 8 фоизга қисқариб, 6,7 млрд долларни, ёқилғи-энергетика секторида 0,1 фоизга камайиб, 4,8 млрд долларни ҳамда бошқа секторларда 1,8 баробарга ошиб, 6,2 млрд долларни ташкил қилди.

1.4.3-чизма

#### Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркиби, *фоизда*




Бунда, умумий ташқи қарз таркибида давлат қарзининг улуши 60,3 фоиздан 59,3 фоизгача ва банк сектори улуши эса 18,5 фоиздан 15,4 фоизгача қисқарган бўлса, бошқа секторлар улуши 8,9 фоиздан 14,1 фоизгача ошди ҳамда ёқилғи-энергетика секторининг улуши 11-12 фоиз оралиғида сақланиб қолди.

<sup>6</sup> Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда хусусий қарз, шу жумладан, қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.

Бошқа секторлар таркибида қарз мажбуриятларининг юқори суръатда ошиши асосан тоғ-кон, металлургия, текстиль, автосаноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналар томонидан жалб қилинган ташқи қарзларнинг ўсиши ҳисобига шаклланди.

1.4.4-чизма

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позицияси,**  
млрд долларда



Халқаро инвестицион позициянинг ижобий сальдоси 2021 йилга нисбатан 2 млрд долларга кўпайиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 18,9 млрд долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 82,2 млрд доллар, ташқи мажбуриятлари ҳажми эса 63,3 млрд долларга тенг бўлди.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бўйича маълумотларни халқаро молия институтлари томонидан умумқабул қилинган шаклларда ва халқаро инвесторлар томонидан фойдаланиладиган манбаларда эълон қилинишини таъминлаш мақсадида ташқи мажбуриятлар кўрсаткичлари Жаҳон банкининг чораклик ташқи қарз статистикасини шакллантириш тамойилларига асосан тузилиб, Жаҳон банкининг маълумотларни тарқатиш тизимларида жойлаштириб келинмоқда.

## II. 2022 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИ

### 2.1. Банк тизимининг молиявий баҳқарорлиги


2022 йилда Марказий банк томонидан банк тизими молиявий баҳқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш ҳамда ташқи иқтисодий хатарларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва банклар бардошлилигини таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш мақсадида турли сценарийларда **стресс-тестлар** ўтказилиб, келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига бўлган салбий таъсирларни минималлаштириш бўйича пруденциал чоралар кўриб борилди.

Натижада, 2022 йилда банкларнинг капиталлашув даражаси **12** фоизга ошиб, йил якунлари бўйича қарийб **80** трлн сўмга, устав капитали миқдори **9** фоизга ўсиб, **60** трлн сўмга етди.

2.1.1-чизма

Банк тизими капиталлашув даражаси, трлн сўмда




Шунингдек, 2022 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори **83** трлн сўмга ва таваккалчиликка тортилган активлар **468** трлн сўмга етиб, **капитал етарлиги кўрсаткичи 17,8** фоизни (*минимал талаб 13 фоиз*) ташкил этди ҳамда 2021 йилдаги кўрсаткичга нисбатан **0,3** фоиз бандга ошди.

Капитал етарлиги кўрсаткичининг юқори сақланиб қолиниши Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандартларига мувофиқ банкларда **активларнинг таваккалчилик даражасини** белгилаш бўйича талаблар қайта кўриб чиқилганлиги билан изоҳланади.

2.1.2-чизма

**Капитал монандлиги динамикаси**




Шунингдек, мижозлар олдидаги мажбуриятларни белгиланган муддатларда қайтариш имконини берувчи ишончли ликвидлик захирасини яратиш бўйича кўрилган чоралар натижасида 2022 йилда **юқори ликвидли активлар** ҳажми **104** трлн сўмга етиб, 2021 йилга нисбатан қарийб **1,4 баробарга** ошди.

Бунда, юқори ликвидли активлар таркибида миллий валютадаги активлар қарийб **12** трлн сўмга, хорижий валютадаги активлар эса **15** трлн сўмга ошиб, уларнинг ҳажми мос равишда **51** ва **53** трлн сўмни ташкил этди.

2.1.3-чизма

**Юқори ликвидли активларнинг (ЮЛА) таркиби ва жами активлардаги улуши динамикаси**






Юқори ликвидли активлар ҳажмининг кўпайиши активлар таркибида бошқа банклардаги маблағларнинг **1,4 баробарга**, давлат қимматли қоғозларининг **1,6 баробарга**, банк кассаларидаги нақд пулларнинг **1,8 баробарга** ошиши ҳисобига шаклланди.

Натижада, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 2022 йил бошига нисбатан **1,7** фоиз бандга ошиб, йил якунлари бўйича **19,4** фоизга (*минимал талаб 10 фоиз*) етди.

2.1.4-чизма


### Ликвидликни қоплаш меъёри (LCR)



Банк тизими бўйича ликвидлиликни қоплаш меъёри йил давомида **190** фоиздан **212** фоизгача (*минимал талаб 100 фоиз*) ошиши банк тизимида кутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни **2 баробар** ортиғи билан бажара олиш имкониятини яратди.

2.1.5-чизма

### Соф барқарор молиялаштириш меъёри (NSFR) динамикаси




Узоқ муддатли молиялаштириш ҳажмига мос равишда барқарор манбаларни шакллантириш чораларининг ҳам кўриб борилиши банк тизимида **соф барқарор молиялаштириш меъёрининг** 2021 йилдаги **115** фоиздан **116** фоизгача ошишига хизмат қилди. Ушбу кўрсаткич миллий валютада **117** фоизни, хорижий валютада **113** фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида тижорат банкларининг жами даромадлари **95** трлн сўмни ташкил этиб, унинг **65** фоизи **фоизли даромадлар** ва **35** фоизи **фоизсиз даромадлар** ҳиссасига тўғри келди. Натижада, банк тизими **соф фойдаси 10** трлн сўмга етиб, 2021 йилга нисбатан **2,6 баробарга** (6,1 трлн сўмга) ошди.

**Операцион самарадорлик кўрсаткичи** 2022 йилда **33** фоизга тенг бўлиб, халқаро амалиётда белгиланган максимал мақбул даражага (*50 фоиз*) нисбатан ижобий шаклланди.

2.1.6-чизма

Операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR) динамикаси




Операцион самарадорлик кўрсаткичининг яхшиланиши банк тизимига замонавий технологияларнинг кенг жорий этилаётганлиги ва бизнес жараёнларининг автоматлаштирилаётганлиги хусусан, микроқарзлар олиш, омонатларни бошқариш, валюта айирбошлаш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш мобил иловалар орқали амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ.

2022 йил якунлари бўйича банк тизими активлар рентабеллиги йил бошига нисбатан қарийб **2 баробарга** ошиб, **2,5** фоизни ва капитал рентабеллиги **13,3** фоизни ташкил этди.

2.1.7-чизма

## Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси




Бунда, капитал рентабеллиги ўзгаришида соф фоизли маржа (3,4 фоиз), фоизсиз даромадларнинг активларга нисбати (6 фоиз), левераж коэффиценти (0,6 фоиз), фойдага нисбатан солиқ юкининг камайиши (0,8 фоиз) каби омиллар **ижобий** таъсир этган бўлса, захираларнинг ўсиши (-2,5 фоиз) ҳамда фоизсиз харажатларнинг мажбуриятларга нисбати (-1,1 фоиз) **салбий** таъсир кўрсатди.

### 2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятлари ҳамда улардаги таркибий ўзгаришлар

2022 йилда тижорат банкларининг жами активлари 25 фоизга ўсиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 557 трлн сўмга етди ва активларнинг 70 фоизини кредит қўйилмалари ташкил этди.

2.1.1.1-чизма

#### 2022 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар, ойлар кесимида



Банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2022 йилда 203 трлн сўм ёки 2021 йилга

нисбатан 22 фоизга кўп кредитлар ажратилиб, жами банк кредитлари қолдиғи **390** трлн сўмдан ошди.

Ушбу кредитларнинг **68** фоизи (*138 трлн сўм*) корпоратив мижозларга ва **32** фоизи (*65 трлн сўм*) аҳолига йўналтирилди.

Аввал ажратилган кредитларнинг банк айланмасига қайтувчанлик даражасининг юқори (*67 фоиз*) даражада сақланиб қолаётганлиги иқтисодиётни молиялаштиришни асосий манбаси бўлиб хизмат қилмоқда.


2.1.1.2-чизма

**Ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси**



2.1.1.3-чизма


**Кредит портфели ўзгариши**



Тижорат банклари бизнес моделларини такомиллаштирилиб борилиши, банклар томонидан замонавий банк хизматлари таклифларини ортиши ҳамда кредит ажратиш жараёнларининг соддалаштирилиши натижасида **бозор тамойиллари асосида кредитлаш амалиётлари** кўлами кенгайиб бормоқда.

2.1.1.4-чизма

**Банкларнинг кредит портфелида имтиёзли кредитлар улуши**




Хусусан, 2022 йилда имтиёзли кредитлар<sup>7</sup> қолдиғи 139 трлн сўмга етган бўлсада, жами ажратилган кредитлардаги улуши 2021 йилдаги 39 фоиздан 36 фоизгача пасайиши кузатилди.

**Кредит портфели таркибида долларлашув даражаси** ҳисобот йилида 2 фоиз бандга пасайиб, 47 фоизни ташкил қилди. Мазкур ҳолат халқаро молия бозорида ресурсларнинг нархи ҳамда хорижий валютада ажратилган кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг ошганлиги (2021 йилдаги 63 фоиздан 69 фоизгача) билан изоҳланади.

2.1.1.5-чизма

### Банк тизими кредит портфелининг долларлашув даражаси динамикаси



**Тижорат банкларининг жами мажбуриятлари** 2023 йил 1 январь ҳолатига 477 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўпайди. Мазкур ҳолат 2022 йилда банкларнинг ресурс базасини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг кредитларга бўлган талабини қондириш бўйича кўрилган чоралар билан изоҳланади.

Мажбуриятлар ўсишининг 59 фоизи депозитлар, 23 фоизи банклараро кредит ва депозитлар, 12 фоизи жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда 6 фоизи бошқа мажбуриятлар ҳисобига шаклланди.

2023 йил 1 январь ҳолатига жами мажбуриятлар таркибида депозитлар – 45 фоизни, жалб қилинган кредит линиялари – 39 фоизни, бошқа банклардан олинган маблағлар – 9 фоизни, қимматли қоғозлар, субординар қарзлар ва бошқа мажбуриятлар – 7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида аҳоли омонатлари қолдиғи 1,7 баробарга ошиб, 63,1 трлн сўмга етди, жумладан, миллий валютада жалб этилган омонатлар

<sup>7</sup> Имтиёзли кредитлар сифатида фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси ва ундан паст бўлган миллий валютадаги кредитлар ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Ҳукумат кафолати остида ажратилган хорижий валютадаги кредитлар ҳисобга олинган.

қолдиғи **39,5** трлн сўмга, жами аҳоли омонатларидаги улуши эса **62,5** фоизга тенг бўлди.

2.1.1.1-жадвал


**Тижорат банклари депозитларининг муддат ва валюта турлари бўйича тақсимланиши, млрд сўмда**

	Жами	Депозитлар қайтариш муддати бўйича							
		Талаб қилиб олингунча		6 ойгача		6 ойдан 1 йилгача		1 йилдан юқори	
		ҳажми	улуши, фоизда	ҳажми	улуши, фоизда	ҳажми	улуши, фоизда	ҳажми	улуши, фоизда
<b>01.01.2022 й.</b>	<b>156 190</b>	<b>66 129</b>	<b>42</b>	<b>24 070</b>	<b>15</b>	<b>20 826</b>	<b>13</b>	<b>45 164</b>	<b>30</b>
миллий валютада	95 578	37 404	39	16 730	18	15 531	16	25 914	27
хорижий валютада	60 612	28 726	47	7 341	15	5 295	9	19 250	32
<b>01.01.2023 й.</b>	<b>216 738</b>	<b>92 553</b>	<b>43</b>	<b>30 050</b>	<b>14</b>	<b>26 855</b>	<b>12</b>	<b>67 280</b>	<b>31</b>
миллий валютада	131 795	45 054	34	17 025	13	22 161	17	47 555	36
хорижий валютада	84 943	47 499	56	13 025	15	4 693	6	19 725	23

Шунингдек, депозитлар таркибида муддати **1 йилгача** бўлган депозитлар улуши 28 фоиздан **26** фоизгача пасайган бўлса, **1 йилдан юқори** депозитлар улуши 30 фоиздан **31** фоизгача ҳамда **талаб қилиб олингунча** депозитлар улуши 42 фоиздан **43** фоизгача кўпайди.

2.1.1.6-чизма

**Банклар томонидан жалб қилинган хорижий кредитлар**



2022 йилда тижорат банклари томонидан жалб этилган хорижий кредитлар ҳажми **2,1** млрд долларни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан

39 фоизга камайди. Бунда, бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитлар ҳажми **643** млн долларни ташкил этди.

Ҳисобот йилида **2,4** млрд долларлик хорижий кредитлар сўндирилган бўлиб, *(2021 йилга нисбатан 12 фоизга кўп)* шундан, **1,4** млрд доллар *(59 фоизи)* узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилда ташқи ресурслар нархининг қимматлашиши шароитида тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларни шакллантиришда ички ресурсларни жалб этиш бўйича чоралар кучайтириб борилди.


Хусусан, тижорат банклари томонидан жалб этилган **ташқи кредит ресурслари** ҳажми 2021 йилга нисбатан **4,4** фоизга *(6,7 млрд доллар)* камайган бўлса, **ички ресурслар – депозитлар** қолдиғи **39** фоизга *(61 трлн сўмга)* ўсиб, жами мажбуриятлардаги улуши 2021 йилдаги 42 фоиздан **45** фоизга етди.

### 2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар ҳолати

**Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш.** 2022 йилда иқтисодий молиялаштиришда хусусий инвестициялар улушини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори қўшилган қийматли янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилди.

2.1.2.1-чизма

**Тадбиркорлик фаолиятига ажратилган кредитлар,  
тармоқлар кесимида**



\* Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳам инобатга олинган.

Хусусан, тижорат банклари томонидан 2022 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун **545** мингдан ортиқ лойиҳаларга жами **122** трлн сўм миқдорида ёки 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп кредит




маблағлари йўналтирилди (*Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари*<sup>8</sup> билан биргаликда).

Ҳисобот йилида кичик тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун **504** мингдан ортиқ лойиҳаларга жами **69,8** трлн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2.1.2.2-чизма

#### Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, трлн сўмда



2022 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб **13,1** мингдан ортиқ лойиҳасини молиялаштириш учун **2,1** млрд доллар миқдорида, жумладан, **тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз)** жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **1,8** млрд доллар (*жами хорижий кредит линияларининг 86 фоизи*) миқдорида кредитлар йўналтирилди.


Мазкур кредит маблағларининг қарийб **1,5** млрд доллари (*70 фоиз*) саноат соҳасидаги, **111** млн доллари (*5 фоиз*) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, **244** млн доллари (*12 фоиз*) савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ҳамда **262** млн доллари (*13 фоиз*) хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларга ажратилди.

Глобал иқтисодий тебранишлар ва жаҳон бозорида асосий хомашё маҳсулотлари нархларининг кескин ўсиши шароитида ички бозорни **озиқ-овқат маҳсулотлари** билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга жами **6,3** трлн сўм кредитлар ажратилди.

<sup>8</sup> *Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳам инобатга олинган. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларда давлат корхоналарига ажратилган ҳамда пахта-ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар инобатга олинмаган.*

2.1.2.3-чизма

### Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар, соҳалар кесимида




Кредитларнинг 2,7 трлн сўми иссиқхона, 1,2 трлн сўми чорвачилик, 702 млрд сўми музлатгичли омборхона, 678 млрд сўми паррандачилик, 393 млрд сўми боғдорчилик, 69 млрд сўми балиқчилик, 403 млрд сўми сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ва 156 млрд сўми гўшт ва сутни қайта ишлаш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

2022 йилда республикадаги экспорт билан шуғулланувчи корхоналарга қарийб 6,5 мингга яқин кредит шартномаси бўйича жами 59,3 трлн сўмлик, шундан айланма маблағларни тўлдириш учун револьвер асосида 21,4 трлн сўмлик кредитлар ажратилди.

2.1.2.4-чизма

### Экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йилда ажратилган кредитлар ҳажмида корхоналар улуши



Ушбу кредитларнинг **19,3** трлн сўми (*33 фоизи*) турли уюшмалар ва агентликлар (*Ўзтўқимачиликсаноат, Ўзкимёсаноат, Ўзэлтехсаноат, Ўзсаноатқурилиш материаллари, Ўзчармсаноат, Ўзёғмойсаноат, Ўзагротехсаноатхолдинг, Ўзбекипаксаноат уюшмалари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги*) таркибига кирувчи ҳамда уларга аъзо бўлган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилган бўлса, қолган **40** трлн сўми (*67 фоизи*) уюшмаларга аъзо бўлмаган хусусий корхоналарга йўналтирилди.

**Савдо ва хизматлар соҳасига ажратилган кредитлар.** 2022 йил давомида тижорат банклари томонидан савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг қарийб **68** мингдан ортиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун **50,1** трлн сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Ушбу маблағларнинг **23,8** трлн сўми хизматлар соҳасидаги лойиҳаларга, **14,9** трлн сўми савдо фаолиятига ва **11,3** трлн сўми хизматлар соҳасидаги тадбиркорларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган.

Туризм фаолиятини қўллаб-қуватлаш учун тижорат банклари томонидан **4 108** та тадбиркорлик субъектларига **4,2** трлн сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар берилди.


Ушбу ажратилган кредитларнинг **2,5** трлн сўми – меҳмонхоналар фаолиятини ривожлантириш, **315,2** млрд сўми – спорт ва соғломлаштириш туризми, **314,9** млрд сўми – ресторанлар фаолияти, **167,5** млрд сўми – туристик агентлик ва оромгоҳлар ҳамда **89,5** млрд сўми – йўловчи ташиш хизматларига йўналтирилган.

2022 йилда ҳам тижорат банклари томонидан **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари** (кейинги ўринларда – Дастурлар) доирасида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли тадбирлар давом эттирилди.

Дастурлар доирасида сўнгги 5 йилда жами **34,1** трлн сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилиб, **1,4** млн дан зиёд аҳолининг даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди. Натижада, республика бўйича ўрта ҳисобда **ҳар минг хонадоннинг 196** таси ушбу дастурлар доирасида қўшимча даромад олиш имкониятларига эга бўлди.

2.1.2.5-чизма

## Туризм фаолияти учун ажратилган маблағлар, тармоқлар кесимида



Бу борада, асосий эътибор, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сонли “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан 2022 йил 1 мартдан бошлаб Дастурлар доирасида кредитлаш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган **Ягона электрон платформа** орқали ажратиб келинмоқда.

Бунда, кредит учун ариза бериш, қарз олувчини скоринг таҳлил қилиш, ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсия бериш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш, маҳсулотни буюртма қилиш, кредит мониторинги ҳамда аризачини идентификациялаш жараёнлари **тўлиқ рақамлашган** ҳолда электрон тарзда амалга оширилмоқда.

Қарорга мувофиқ, маҳсулот ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатишда марказлашган таъминот тизимидан воз кечилиб, уларни харид қилишда **эркин танлов ва рақобат муҳитини ўз ичига олган “маркетплейс” электрон савдо майдони ([smart-market.uz](http://smart-market.uz))** ишга туширилди.

Электрон савдо майдони ҳимояланган алоқа каналлари орқали Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Персоналлаштириш агентлиги, “Электрон ҳукумат” ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниб, кредит ажратишнинг барча жараёнларида **инсон омили иштироки минималлаштирилди**.

2022 йил 1 мартдан бошлаб электрон савдо майдонига жами 20 мингга яқин йирик ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдо ташкилотлари ва маҳсулот етказиб берувчилар томонидан 600 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар, 220 мингдан ортиқ таклифлар сотувга жойлаштирди.


2022 йил давомида савдо майдони орқали ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсия берилган 349 мингдан ортиқ аҳоли ва тадбиркорларга 8,6 трлн сўмлик маҳсулот ҳамда хизматлар етказиб берилди ва 369,5 млрд сўм қўшилган қиймат ҳамда 160,2 млрд айланмадан олинадиган (жами – 529,7 млрд сўм) бюджетга солиқ ҳисобланди.

Дастурлар доирасида 2022 йилда ажратилган кредитларнинг 4,6 трлн сўми қишлоқ хўжалиги (шундан, чорвачилик 2 трлн, иссиқхона ташкил этиши учун 965 млрд, мева-сабзавот ва боғдорчилик учун 726 млрд), 3,6 трлн сўми хизмат кўрсатиш, 1,4 трлн сўми ҳунармандчилик йўналиши учун ҳамда 344 млрд сўми ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларга йўналтирилди.

“Маркетплейс” электрон савдо майдони орқали 382 мингта шартнома, 436 мингта ҳисобварақ-фактура ҳамда 397 мингта далолатнома каби ҳужжатлар электрон шаклда расмийлаштирилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам вақтини, ҳам бошқа сарф-харажатларини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

2.1.2.6-чизма

**2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратилишининг ўзгариши, ойлар кесимида, млрд сўм**



Ҳоким ёрдамчилари томонидан берилган тавсиялар асосида 424 мингдан ортиқ лойиҳаларига 2022 йилда Дастурлар доирасида тижорат банклари томонидан жами 9,9 трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ушбу имтиёзли кредитлар ҳисобидан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **149** мингтадан ортиқ лойиҳаларга **3,6** трлн сўм ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини имтиёзли молиялаштириш мақсадида **225** мингта лойиҳаларга **4,3** трлн сўм йўналтирилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **799** млрд сўми (*8 фоизи*) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, **9,1** трлн сўми (*92 фоизи*) ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу кредитларнинг **41,3** фоизи Агробанк, **38,9** фоизи Халқ банки ва **19,6** фоизи Микрокредитбанк томонидан ажратилган.

**Давлат уй-жой дастурларини молиялаштириш.** 2022 йил якунлари бўйича аҳолига ажратилган ипотека кредитлари **14,4** трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** ошди ҳамда унинг қолдиғи **46,4** трлн сўмга (*2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп*) етди. Мазкур кредитларнинг аҳолига ажратилган жами кредитлар қолдиғидаги улуши **46** фоизни ташкил этди.

2022 йилда ажратилган ипотека кредитларида **Молия вазирлиги маблағлари** ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши 2021 йилдаги **92,1** фоиздан **73,7** фоизгача пасайган бўлса, **тижорат банклари маблағларининг** улуши **9** фоиздан **26,3** фоизгача ошди. Бунда, “**Янги тартиб**”<sup>9</sup> доирасида ажратилган кредитлар улуши 2021 йилдаги **49,5** фоиздан **59,2** фоизгача ўсди.

Мазкур даврда ажратилган жами ипотека кредитларининг **10,8** трлн сўми ёки **75** фоизи (*ипотека шартномалари сонига нисбатан*) **бирламчи бозордаги** уйлар, **3,6** трлн сўми ёки **25** фоизи **иккиламчи бозордаги** уйлар сотиб олишга йўналтирилган.

Шунингдек, 2022 йилда нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалар сони **250,3** мингтани ташкил этиб, шундан **70,9** мингтаси ёки жами олди-сотди шартномаларнинг **28** фоизи ипотека кредитлари ҳисобидан молиялаштирилган шартномалар ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилда “**Янги тартиб**” доирасида **37 418** нафар фуқароларга жами **8,5** трлн сўм (*2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 баробарга ёки 3,7 трлн сўмга кўп*) миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилди. Ажратилган ипотека кредитларининг **50** фоизи **1** ва **2** хонали квартира, **37** фоизи **3** ва **ундан кўп**

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармони билан жорий этилган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратишининг янги тартиби.



хонали квартираларни, шунингдек, 13 фоизи **якка тартибдаги уй-жойларни** сотиб олиш учун берилган.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун 2022 йилда **2,1** трлн сўм миқдоридаги кредитлар ажратилиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига уларнинг кредит мажбуриятлари қолдиғи **2,8** трлн сўмни ташкил этди.

**Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар.** Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган тегишли баёнларга асосан 2023 йил 1 январь ҳолатига **96,3** трлн сўм банк кредитлари ҳисобига **23 844** та лойиҳа молиялаштирилди ҳамда **22 417** та лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида **727** мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

2022 йилда ажратилган кредитларнинг **38,9** трлн сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари, **44,5** трлн сўми хорижий кредит линиялари, **11,5** трлн сўми Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва **1,2** трлн сўми бошқа манбалар ҳисобидан ажратилган.

### **2.1.3. Глобал нобарқарорлик шароитида банклар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чоралари**

Марказий банк томонидан 2022 йилда юзага келган ташқи иқтисодий вазиятнинг банклар барқарорлигига салбий молиявий таъсирларини юмшатиш ҳамда банкларда мавжуд кредит рискинни кескин кучайтиришини олдини олиш бўйича пруденциал назорат чоралари кўриб борилди.

Хусусан, тижорат банкларининг чет эл банклари олдидаги молиявий мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этилиши билан боғлиқ хатарларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири ҳамда экспортёр корхоналарнинг хорижий валютадаги пул тушумларининг кескин қисқариши ҳисобига юзага келиши мумкин бўлган кредит хатарлари бўйича стресс-тестлар ўтказилди.

2022 йил 1 март ҳолатига молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асосида ўтказилган стресс-тест натижалари:

– ликвидли маблағлар захираси (*минимум 10 фоиз*) **15,3** фоиздан **14,4** фоизгача ҳамда қисқа муддатли ликвидлилик (*минимум 100 фоиз*) ҳолати **170** фоиздан **156** фоизгача пасайишини;

– маҳаллий экспортёрларнинг банклар олдидаги жами қарздорликларининг “асосий” сценарий бўйича – **1,5** трлн сўм ва “хатарли” сценарийда – **4** трлн сўмлик қисми муаммоли кредитларга айланиши мумкинлигини кўрсатди.



Вужудга келган хатарларнинг Ўзбекистон банк тизими барқарорлигига бўлган салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида, тижорат банкларига:

– чет эл банклари томонидан жойлаштирилган молиявий активлар муддатидан олдин чақириб олинган тақдирда ҳам мазкур маблағлар ҳисобидан маҳаллий тадбиркорларга ажратилган кредитларни **шартномада белгиланган муддатдан олдин қайтариб олмаслик**;

– мижозларнинг кўшни давлатлардаги ҳамкорлари билан боғлиқ **тўловларининг узлуксизлигини** таъминлаш мақсадида мижозлар тўловларини амалга оширишда инвестицион рейтингга эга бўлган банкларнинг Россиядаги шўъба банклари ва санкциялардан ҳоли банклардан фойдаланиш;

– мижозларда кредит қарздорликларини қайтаришда муаммолар юзага келганда 2022 йил якунига қадар ўз вақтида сўндирилмаган кредитлар бўйича **пеня ва жарималар ҳисобламаслик** ҳамда **эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантирмаслик** бўйича енгилликлар берилди.

2022 йилда молиявий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг қайтариш муддатларини узайтириш амалиёти давом эттирилди. Хусусан, йил давомида мижозларнинг жами **36** трлн сўмлик кредитлари бўйича тўлов муддатлари узайтирилди.

Шу билан бирга, ташқи хатарларнинг банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатиш чоралари доирасида ташкил этилган **ишчи гуруҳ** томонидан экспорт-импорт корхоналарининг муаммолари доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Ташқи хатарларнинг салбий таъсири натижасида молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг **4** трлн сўмлик кредитларининг қайтариш муддатлари узайтирилди.

Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлига бўлган салбий таъсирларини юмшатиш доирасида муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Марказий банк томонидан 2022 йил давомида тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан,

– тижорат банклари ва Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда муаммоли кредитларни сўндириш бўйича **ойма-ой режа-график** ишлаб чиқилди;

– давлат улушига эга бўлган банкларда **муаммоли кредит қарздорликларини ундириш** бўйича тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилиб,

муаммоли кредитлари мавжуд мижозлар билан индивидуал ишлар тизимли равишда амалга оширилди.

Ушбу ишларни амалга оширилиши 2022 йилнинг IV чорагида муаммоли кредитларни жами **6,2** трлн сўмга қисқартириш имконини берди.

Шу билан бирга, 2022 йил давомида банклар томонидан **12,6** трлн сўмлик муаммоли кредитлар ундирилган бўлсада, қўшимча равишда **9,6** трлн сўмлик муаммоли кредитлар вужудга келди.

Банклар томонидан 2022 йилда активлар бўйича **11** трлн сўм миқдорида қўшимча захиралар яратилди ҳамда **муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш** даражаси **1,3 баробарга** ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **102** фоизга етди.

Кўрилган чоралар натижасида, муаммоли кредитлар улушини 2022 йилда **1,6** фоиз бандга ёки 2023 йил 1 январь ҳолатига **3,6** фоизгача (*14 трлн сўм*) камайишига эришилди.

2.1.3.1-чизма



2023 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **84,1** фоизи “стандарт”, **12,3** фоизи “субстандарт” ҳамда **3,6** фоизи “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланади.


**Муаммоли кредитларнинг сегментлар бўйича тақсимотида** уларнинг **72** фоизи (*10 трлн сўм*) тадбиркорлик субъектлари, **28** фоизи (*4 трлн сўм*) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг муаммоли кредитлари таркибида **2,4** трлн сўми (*61 фоизи*) тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар, **838** млрд сўми (*22 фоизи*) ипотека кредитлари, **285** млрд сўм (*7 фоизи*) микроқарзлар,

164 млрд сўми (4 фоизи) автокредитлар ҳамда 215 млрд сўми (6 фоизи) бошқа истеъмол кредитлари ҳиссасига тўғри келди.

2.1.3.2-чизма

### Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари



Банклар томонидан муддати узайтирилган кредитлар қолдиғи 2023 йил 1 январь ҳолатига 74,5 трлн сўмни ташкил этиб, 64,1 трлн сўми (86 фоизи) юридик шахслар ва 10,4 трлн сўми (14 фоизи) жисмоний шахсларга тегишлидир.

Ушбу кредитлар қолдиғининг 7 фоизи ёки 5,2 трлн сўми муаммоли кредитларга айланган бўлса, 15 фоизи ёки 11,3 трлн сўми 30 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган потенциал муаммоли (субстандарт) кредитлар сифатида таснифланади.

### 2.1.4. Аҳолининг қарз юки

Банк тизимида хизмат кўрсатишнинг бозор механизмларини жорий этилаётганлиги, банк хизматларининг оммабоплигини ошаётганлиги ва аҳоли учун молиявий очиклик даражасининг ортиб бораётганлиги аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг ошишида намоён бўлмоқда.

Мазкур мажбуриятларнинг ортиб боришини банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини камайтириш мақсадида Марказий банк аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини ва қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичини баҳолаб бориш амалиётини жорий қилди.


Хусусан, 2022 йил давомида аҳолининг жами ажратилган кредитлар бўйича ҳисобланган қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2021 йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз қолиб 10,6 фоизни ташкил этди.

Бунда, ҳисобот йилида кредит олувчиларнинг йиллик даромадлари ўсишининг (63,7 фоиз) ажратилган кредитлар ҳажми кўпайишига нисбатан (60,6 фоиз) юқори шаклланиши ҳисобига мазкур қарз юки кўрсаткичида ўзгариш кузатилмади.

Аҳолининг қарз юки кўрсаткичлари кредит турлари бўйича таҳлил қилинганда, **истеъмол кредити** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2019 йилдан давом этиб келаётган ўсиш тенденциясида сақланиб қолиниб, 2022 йилда **16,1** фоиз бандга ошди ҳамда **71,6** фоизни ташкил этди.


2.1.4.1-чизма

**Жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати, фоизда**



2.1.4.2-чизма

**Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека, микроқарз ва истеъмол кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати, фоизда**



2022 йилда **истеъмол кредитлари** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг ўсиши мазкур кўрсаткични пасайтирувчи омиллар, яъни кредит тури бўйича ўртача йиллик фоиз ставкасининг камайиши (1 фоиз банд), ўртача кредит сўндириш муддатининг (3,4 йилдан 3,8 йилга) ҳамда ойлик иш ҳақининг (21,1 фоиз банд) ошиши кузатилган бўлсада, кредит олувчилар сонининг сезиларсиз ортиши (4,5 фоиз) шароитида бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит суммаси миқдорининг кескин кўпайиши (2 баробар) билан боғлиқ.

Шунингдек, **ипотека кредитлари** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи ҳисобот йилида 2021 йилдаги **64,7** фоиздан **61** фоизга камайди.

2022 йилда ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг пасайиши ажратилган ипотека кредитлар ҳажми (46,6 фоиз) ошган бўлсада, кредит олувчиларнинг йиллик даромадлари (71,5 фоиз) ҳамда кредит олувчилар сони (22,3 фоиз) ўсиши ҳисобига шаклангани билан изоҳланади.

**Микроқарзлар бўйича** қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи динамикасида ўсиш кузатилиб, 2022 йилда ушбу кўрсаткич **1,3** фоиз бандга ошди ва **14,5** фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида микроқарзлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг ошиши микроқарз олувчиларнинг йиллик даромадлари кўпайишига (*33,9 фоиз*) нисбатан ажратилган микроқарзлар ҳажмининг ўсишининг (*59,5 фоиз*) юқорилиги ҳисобига шаклланди.

Қайд этиш лозимки, аҳолининг қарз юкини ҳисоблашда банклар томонидан ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган бўлиб, банк тизимидан ташқарида бўлган чакана хизматлар ва кўчмас мулк бозорларида харид қилинган турли товар ва хизматлар (истеъмол товарлари ва кўчмас мулк объектлари) бўйича муддатли тўловларнинг мавжудлиги амалдаги қарзга хизмат кўрсатиш нисбати ҳисобланган жорий кўрсаткичдан юқори бўлиши мумкинлигини англатади.

Ўзбекистонда аҳолининг қарз юки ва молиявий баҳқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови (LTV) ва микроқарз бўйича тўловнинг даромадга нисбати чекловлари (PTI) жорий қилинган.

Жумладан, қарз берувчи томонидан микроқарзлар ажратилаётганда жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

## **2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари**

2022 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси доирасида давлат улуши мавжуд банкларни трансформация қилишга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, давлат иштирокидаги банкларда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида банк кенгашлари таркибига қўшимча равишда 11 нафар банк-молия соҳасида зарур тажрибага эга бўлган мустақил аъзолар жалб қилинди.

2022 йил якунида банклар кенгашларидаги мустақил аъзолар сони жами 36 нафарни, шу жумладан, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Агробанкда 5 нафардан, Микрокредитбанк, Турон банк, Ипотека-банк ва Халқ банкида 4 нафардан, Асакабанк ва Миллий банкда 2 нафардан ҳамда Алоқа банкда 1 нафарни ташкил этди.

Банклардаги корпоратив бошқарув хизмати ва корпоратив маслаҳатчи фаолияти янги талаблар асосида қайта кўриб чиқилиб, уларнинг кузатув кенгаши ишини самарали ташкил этишдаги амалий иштироки янада оширилди.

Банк бошқаруви аъзолари ва ходимларининг фаолияти натижаларини **самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI)** асосида баҳолаш ва уларни рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, халқаро молия институтларининг консултантлари ёрдамида банкларнинг ташкилий тузилмаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, мавжуд таркибий бўлинмалар фаолияти такомиллаштирилди ҳамда янги бўлинмалар ташкил этилди.

Жумладан, Қишлоқ қурилиш банк томонидан чакана йўналишини ривожлантириш мақсадида 3 та – Савдо каналларини ривожлантириш, Банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, Маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш департаментлари ташкил этилди.

Алоқабанкда Европанинг Tieto (Латвия) компаниясининг дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда банкнинг процессинг маркази ишга туширилиб, Visa халқаро тўлов тизими билан ҳамкорликда банк карталари эмиссияси йўналишида мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Миллий банкда фронт офис тузилмаси таркибида хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини ошириш мақсадида мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи универсал менежер ва универсал кассирлар хизмати жорий қилинди.

Турон банкда ички назорат (комплаенс) тизимининг аҳамиятини ошириш мақсадида банк кенгаши ҳузурида Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилди ҳамда банкда “Комплаенс-назорат” тизими жорий қилиниб, бир қатор ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қайд этиш лозимки, ҳисобот йилида банкларнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, халқаро молия институтларидан қўшимча ресурслар жалб қилиш мақсадида банклар томонидан **“яшил молиялаштириш”** йўналишини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Саноатқурилишбанк томонидан Жаҳон банкининг 188 млн долларлик ва ЕТТБнинг 25 млн долларлик кредит линиялари жалб қилинди ҳамда банк мижозлари тақдим этган лойиҳаларнинг “яшил молиялаштириш” мезонларига мувофиқлигини текшириш тартиби ишлаб чиқилиб, унинг натижалари бўйича 1 кун муддатда хулоса бериш амалиёти йўлга қўйилди.

2022 йил давомида 127,7 млн доллар миқдорида “яшил” кредитлар молиялаштирилиб, Саноатқурилишбанкдаги бундай кредитларнинг кредит портфелидаги улуши 6 фоизга етди. Ҳозирги кунда мижозларга 6 турдаги “яшил” маҳсулотлар таклиф қилинмоқда.



Шу билан бирга, трансформация жараёнлари доирасида ҳисобот йилида банклардаги бизнес жараёнларини оптимизация қилиш, миждозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва ҳужжатлар алмашинуви жараёнларини автоматлаштириш, шунингдек, банк истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда миждозларга индивидуал ёндашиш бўйича амалий чора-тадбирлар давом эттирилди.

Жумладан, банкларда муаммоли кредитлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш учун Call-марказлар негизида муддати ўтган кредит қарздорликларини бошланғич босқичда ундириш билан шуғулланувчи **“Soft Collection”** хизмати ишга туширилди.

Ипотека-банкда истеъмолчилар талаблари, фикр ва мулоҳазаларини мунтазам равишда сўровнома орқали ўрганиб бориш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифати даражасини ва банк маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш юзасидан махсус алгоритм ишлаб чиқилди ҳамда мазкур тизим орқали миждозларга онлайн тарзда СМС хабарнома ва сўровномалар юбориш, миждозларга эркин равишда хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, Турон банкда юридик шахсларга ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига кредитларни **“Colvir Analitik Platforma (KFO)”** дастури орқали ажратиш тизими йўлга қўйилган бўлса, Қишлоқ қурилиш банкда замонавий ахборот технологиялари асосида **“Quant”** янги мобил платформа ишлаб чиқилиб, унинг ёрдамида банк реквизитлари бўйича тўловларни амалга ошириш, банк картасини ишлатмаган ҳолда банкоматлардан нақд пул ечиш ва шунга ўхшаш бир қатор қўшимча имкониятлар яратилди.

Трансформация жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзсаноатқурилишбанка Халқаро молия корпорацияси томонидан банк устав капиталига конвертация қилинадиган **75** млн долларлик ва ЕТТБ томонидан эса **50** млн долларлик кредит ажратилди.

Халқ банки, Асакабанк ва Ўзсаноатқурилишбанкда трансформация жараёнларини янги босқичга олиб чиқиш ва жадаллаштиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Микрокредитбанк ҳамда Германия жамғарма кассалари фонди ўртасида **банк трансформацияси бўйича ҳамкорлик меморандуми** имзоланиб, ҳамкорлик доирасида банкнинг трансформация лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш бўйича банк раҳбарияти ва ходимлари учун тренинглар ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, 2022 йил давомида банк тизимида хорижий



инвесторларни жалб этиш бўйича ишлар жадаллаштирилиб, давлат иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш бўйича бир қатор муҳим шартномалар имзоланди.

Жумладан, ҳисобот йилининг сентябрь ойида Молия вазирлиги томонидан Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида давлат банклари иштирокида Ўзбекистон банк секторидаги хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича намоёиш кўргазмаси (*non-deal roadshow*) ташкил этилди.

Шу билан бирга, 2022 йилнинг 3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида 1 500 дан ортиқ халқаро молия институтлари, чет эл Марказий банклари, йирик инвестицион банклар, консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида бўлиб ўтган II Ўзбекистон Иқтисодий форуми доирасида банк-молия соҳаси бўйича умумий қиймати 1,3 млрд долларга тенг бўлган жами 29 та ҳужжат имзоланди.

Хусусан, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси, Савдони молиялаштириш халқаро Ислом корпорацияси, “Accion International” (АҚШ), “КДБ Банк” АЖ, “Landesbank Hessen Thuringen Girozentrale” (Helaba bank, Германия), Газпромбанк каби молия институтлари маблағларини жалб қилиш бўйича Миллий банкда умумий қиймати 300 млн доллар, Саноатқурилишбанкда 163 млн доллар, Алоқа банкда 55 млн доллар, Агробанкда 50 млн доллар, Қишлоқ қурилиш банкда 30 млн доллар, Турон банкда 35 млн доллар, Микрокредитбанкда 30 млн доллар бўлган битим ва келишувларга эришилди.

Шунингдек, 2021 йилда имзоланган *Ипотека-банкни потенциал харид қилиш тўғрисидаги келишув меморандумига* асосан 2022 йилнинг 12 декабрь куни Венгриянинг ОТП банки бошқарув раиси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўртасида Ипотека-банкни хусусийлаштириш бўйича олди-сотди шартномаси имзоланди.

Мазкур шартномага асосан Ипотека-банкдаги Молия вазирлигига тегишли бўлган акциялар пакети ОТП банк томонидан икки босқичда, дастлаб акцияларнинг 75 фоизи ва 3 йилдан сўнг қолган 25 фоизи сотиб олинади.

Бундан ташқари, 2022 йилнинг 29 декабрь куни Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Support Level” МЧЖ хорижий корхонаси ўртасида Ўзагроэксспортбанк устав капиталидаги 100 фоиз давлат акциялари пакетини сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномаси имзоланди.

Ушбу шартномага мувофиқ, инвестор Ўзагроэксспортбанк устав капиталидаги давлат улуши бўйича тўловни тўлиқ тўлаб бериш орқали сотиб

олиш, шунингдек, банк устав капиталани 29 млрд сўмдан кам бўлмаган қийматга ошириш ҳамда банк инфратузилмаси, технология ва маҳсулотларини ривожлантиришга камида 50 млн доллар миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти белгиланди.

## 2.3. Банк тизими инфратузилмаси

### 2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони **32** тани, шундан, капиталида давлат улуши мавжуд банклар – **11** тани, хусусий банклар – **16** тани ҳамда хорижий капитал иштирокидаги банклар – **5** тани ташкил этди.

Ҳисобот йилида банк қонунчилигида белгиланган талабларни бажармаганлиги натижасида **2** та тижорат банкининг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинган бўлса, **1** та банкка банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари филиаллари – **832** тани, мини-банклар – **82** тани, банк хизматлари кўрсатиш офислари – **1 461** тани ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – **2 974** тани ташкил этди.

Шунингдек, 2022 йилда **15** та микромолия ташкилоти, **8** та ломбард ва **15** та тўлов ташкилотига ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилган бўлса, **3** та тўлов ташкилотлари бир йил давомида ўз фаолиятини амалга оширмагани учун қонунчиликка мувофиқ берилган лицензиялар чақириб олинди.

Натижада, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият юритаётган **НКТ** сони – 167 тани (*микромолия ташкилотлари – 85 та, ломбардлар – 81 та ва ипотекани қайта молиялаштириши ташкилоти – 1 та*), **тўлов операторлари** – 3 тани, **тўлов ташкилотлари** – 47 тани ҳамда кредит бюрolari – 2 тани ташкил этди.

### 2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти

**Кредит ахбороти алмашинуви тизими** ўз ичига Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрини ҳамда “**Кредит-ахборот таҳлилий маркази**” (кейинги ўринларда – КАТМ) ва “**CRIF Кредит-ахборот хизматлари**” кредит бюрolarини қамраб олади.

2022 йилда **кредит ахбороти алмашинуви тизимини** ривожлантириш,


катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш, маълумотларни реал вақт режимида тақдим этиш имкониятини яратиш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестрида** ишончли кредит ахборотни йиғиш ва уни қайта ишлашнинг самарали механизмини йўлга қўйиш мақсадида кредит ташкилотларидан қарз олувчилар ва уларнинг кредит операциялари, мажбуриятлари, таъминот турлари, кредитлаш манбалари тўғрисидаги маълумотлар базаси юритиб борилмоқда.

2022 йилда Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (*тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга*) йил бошига нисбатан **25,7** фоизга ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб **13** млн тани ташкил этди.


2.3.2.1-чизма

Амалдаги кредит битимлари сони,  
минг дона



2.3.2.2-чизма

Амалдаги қарздорлар сони,  
мингта



Шунингдек, маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони **6,3** млн тага етиб, **21** фоизга кўпайди. Мазкур кўпайиш кредитдан **фойдаланувчи жисмоний шахслар** сонининг **23** фоизга ўсиши ҳисобига шаклланди.

Кредитдан фойдаланувчилар сонининг ошиши чакана кредитлаш кўламларининг сезиларли ошиши, хусусан, давлат дастурлари доирасидаги имтиёзлардан, онлайн кредитлардан ҳамда ёшларнинг имтиёзли таълим кредитларидан фойдаланиш кўламининг ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

2022 йил якуни бўйича кредитдан фойдаланувчилар сонининг **89** фоизини жисмоний шахслар, **7** фоизини юридик шахслар ҳамда **4** фоизини яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этди.

2023 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги кредит битимлари сони 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 20 фоизга ошиб, 4,1 млн тага, қарздорлар сони эса 18 фоизга ўсиб, 3,3 млн тага етди.

Бунда, кредит битимларининг 72 фоизи давлат банклари ҳамда 28 фоизи хусусий ва хорижий банклар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мавжуд қарздорлар сонининг 95,3 фоизини жисмоний шахслар, 3,2 фоизини юридик шахслар ҳамда 1,5 фоизини яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.

Реестр электрон базасидаги маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини ҳамда кредитларга оид ахборотларнинг (тури, мақсади, молиялаштириш манбаси, фоиз ставкаси, таъминоти, тўлов графиги ва бошқалар) ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида реестр базаси маълумотлари мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот алмашинувининг тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида Кредит ахборотининг давлат реестрининг янги дастурий мажмуаси реал режимда ишга туширилди. Ҳозирда, янги дастурий мажмуанинг имкониятларини кенгайтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, янги дастурий мажмуа негизида маълумотларни чуқур таҳлил қилиш имконини берувчи замонавий таҳлил қилиш комплексини (Business Intelligence) ишга тушириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

2.3.2.1-жадвал

#### Кредит ахбороти субъектларига оид маълумотлар сони, мингта

Кредит ахбороти субъекти номи	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Жисмоний шахс	9 880	11 226	12 657	13 974
Юридик шахс	727	746	774	937
<b>Жами</b>	<b>10 607</b>	<b>11 972</b>	<b>13 431</b>	<b>14 911</b>

2022 йилда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан КАТМ кредит бюросининг веб-сайтидаги ([portal.infokredit.uz](http://portal.infokredit.uz)) ва ягона интерактив давлат хизматлари порталлари орқали олинган кредит тарихига оид маълумотларнинг сони 2021 йилдаги 145,8 мингтадан 259 мингтагача етди.

2022 йил давомида КАТМ кредит бюроси базасидаги кредит ахбороти субъектларига (жисмоний ва юридик шахслар) оид маълумотлар сони 11 фоизга ўсиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **14,9** млн тага етди, шундан 93,7 фоизи (қарийб 14 млн таси) жисмоний шахслар ва 6,3 фоизи (937 мингтаси) юридик шахслар ҳисобига тўғри келди.

КАТМ кредит бюроси билан кредит ахбороти алмашинуви бўйича шартномалар тузган **кредит ахбороти фойдаланувчилари** сони 2022 йил мобайнида 120 тага кўпайиб, **479** тани ташкил этди.

2.3.2.2-жадвал

### Кредит ахбороти фойдаланувчилари сони

Ташкилотлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
<i>Тижорат банклари</i>	30	32	33	31
<i>Микромолия ташкилотлар</i>	55	59	68	83
<i>Ломбард ташкилотлар</i>	60	62	70	80
<i>Лизинг ташкилотлар</i>	3	5	8	20
<i>Сугурта ташкилотлар</i>		1	1	4
<i>Ретейлер ташкилотлар</i>	13	70	175	256
<i>Бошқалар</i>				5
<b>Жами</b>	<b>161</b>	<b>229</b>	<b>355</b>	<b>479</b>

Бугунги кунда, КАТМ кредит бюроси томонидан банк ва нобанк ташкилотларга жами 40 дан ортиқ турдаги кредит ҳисоботлари тақдим этиб келинмоқда.

2022 йилда тезкор маълумотлар алмашувини кенгайтириш мақсадида КАТМ кредит бюроси ҳамда [e-auksion.uz](http://e-auksion.uz) ва [oila-kredit.uz](http://oila-kredit.uz) платформаларининг маълумотлар базаси интеграция қилинди.

КАТМ кредит бюросидан банк ва нобанк ташкилотлар томонидан жами 37,1 млн та, шундан, тижорат банклари – 23,6 млн та, НКТлар – 10,5 млн та, [e-auksion.uz](http://e-auksion.uz) ва [oila-kredit.uz](http://oila-kredit.uz) платформалари орқали – 2,8 млн та ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан 259,1 мингта кредит ҳисоботлари олинган.

2022 йилда **гаров реестри** маълумотлар базасини узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек, маълумотлар кўламини ҳамда идоралараро тезкор маълумот алмашиш имкониятларини кенгайтириш борасида ҳам тегишли чоралар кўриб борилди.

Хусусан, барча тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари учун автотранспорт воситасининг кузов (VIN) рақами орқали ҳамда бирламчи бозордан сотиб олинаётган кўчмас мулкка кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилган ипотека шартномасига асосан “Нотариус” ва Кадастр агентлигининг ахборот тизимларига онлайн тақиқ қўйиш имконияти яратилди.

Бунинг натижасида, расмийлаштирилган ипотека шартномаларини қарздор томонидан кадастр органларида қоғоз шаклида рўйхатдан ўтказилмасдан, кредит ташкилотлари томонидан онлайн рўйхатдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Гаров реестри тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда фойдаланувчиларга яратилган қулайликлар натижасида гаров реестри хизматларидан фойдаланиш кўлами ошиб бормоқда. 2022 йил давомида гаров реестридан фойдаланувчилар сони 304 тага кўпайиб, йил якунида 897 тага етди.

2022 йилда гаров реестрига фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида киритилган янги ёзувлар сони 430 мингтадан ошди. Бунда, янги ёзувларда тижорат банкларининг улуши 78,8 фоизни, микромолия ташкилотларининг улуши 21,1 фоизни ва юридик шахслар ҳамда давлат органларининг улуши 0,1 фоизни ташкил этди. Ҳисобот йилида 146 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан бирламчи бозордан сотиб олинган мол-мулк бўйича тузилган гаров шартномасига асосан гаров реестри орқали “Нотариус” ахборот тизимига 140 мингтага яқин гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйилган.

2022 йилда тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан гаров реестри орқали “Нотариус” ахборот тизимидан 69 мингдан ортиқ мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олинган.

2023 йил 1 январь ҳолатига гаров реестри маълумотлар базасида жами фаол ёзувлар сони 1,2 млн тани ташкил этди ва 2022 йил мобайнида мавжуд ёзувларга 110 мингдан ортиқ ўзгартиришлар киритилди.

### 2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими

Банк тизимига бўлган ишончни ошириш орқали аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банкларга жалб қилишда аҳолининг банклардаги омонатларини ҳимоялаш муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу мақсадда тижорат банклари томонидан **Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди**га (кейинги ўринларда – Фонд) йўналтирилган календарь бадаллар миқдори 2021 йилга нисбатан 2,4 баробар ошиб, **421,5** млрд сўмни ташкил этди.

Фонд ўз фаолиятини бошлагандан буён жами келиб тушган календарь бадаллар ҳажми 2023 йил 1 январь ҳолатига **1 360,2** млрд сўмга етди.



2022 йил давомида банклардан келиб тушган календарь бадаллар, олинган даромад, ҳисобрақамидаги маблағлар, олинган даромадлар ва муддати тугаши муносабати билан Фондга қайтарилган жами 1,3 трлн сўмлик маблағлар даромад келтирувчи активларга, шу жумладан, 1 трлн сўми Молия вазирлигининг қимматли қоғозларига жойлаштирилди.

Натижада, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Фонднинг жами қўйилмалари йил бошига нисбатан 26 фоизга ошиб, **2,1** трлн (*“Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки омонатчиларига тўлаб берилган 251 млрд сўмни чегуриб ташланган ҳолда*) сўмга етди ҳамда мазкур қўйилмалар ҳисобидан олинган даромадлар 267,5 млрд сўмни ташкил этди.

2022 йилда “HI-TECH BANK” ва “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкларининг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинганлиги муносабати билан, Фонд маблағлари ҳисобидан “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки омонатчилари маблағларини қоплаб бериш мақсадида 251 млрд сўм маблағ Қишлоқ қурилиш банкка (Агент банк) ўтказиб берилди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки омонатчиларининг маблағлари тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

#### **2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг натижалари**

Аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талаби ортиб бориши шароитида банк хизматларига муқобил ҳисобланган НКТ хизматлари ҳажмининг ҳам сезиларли ошиши кузатилди.

2022 йилда НКТ фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиш борасида халқаро тамойиллар ва ёндашувларни ўзида акс эттирган “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим омил бўлиб хизмат қилди.


2023 йил 1 январь ҳолатига НКТ сони жами 167 тани ташкил этиб, ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳрида – 75 та, Фарғона вилоятида – 22 та, Бухоро вилояти – 16 та, Тошкент вилояти – 13 та, Андижон вилоятида – 10 та ҳамда бошқа ҳудудларда – 31 та НКТ фаолият юритмоқда.

2022 йилда НКТ активлари қарийб **1,6 баробарга** ошиб, **4,3** трлн сўмга етди. Активларнинг ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **58** фоизга ошиши билан изоҳланади.




2.4.1-чизма

**НКТ активлари миқдори динамикаси,**  
*млрд сўм*



2.4.2-чизма

**НКТ кредит қолдиғи динамикаси,**  
*млрд сўм*



Хусусан, **микромолия ташкилотлари** активлари **57** фоизга, **ломбардлар** активлари **25** фоизга ўсди ва уларнинг ҳажми мос равишда **2** трлн сўмни ва **260** млрд сўмни ташкил этди.

Активлар ҳажмининг ўсиши асосан, кредитларнинг микромолия ташкилотларида **646** млрд сўмга ва ломбардларда **40** млрд сўмга ўсиши ҳисобига шаклланди.

**Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг** жами активлари **61** фоизга (*785 млрд сўмга*) ўсган ҳолда, **2,1** трлн сўмни ташкил этди (*бунда кредитлар ҳажми 755 млрд сўмга ортган*).


2022 йил давомида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган **микромолиявий хизматлар ҳажми** 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **50** фоизга ошиб, қарийб **4,7** трлн сўм доирасида бўлди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига жами микромолиявий хизматлар қолдиғи (*2 трлн сўм*) **51** фоизга, хусусан, **микромолия ташкилотлари** кредит кўйилмалари қолдиғи (*1,8 трлн сўм*) **56** фоизга ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (*215 млрд сўм*) **23** фоизга ўсди.

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслари қолдиғи **66** фоизга ортиб, **1,9** трлн сўмга етди.

2.4.3-чизма


**НКТ кредит қўйилмалари қолдиғи ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши**



2022 йилда НКТнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 2021 йилга нисбатан **58** фоизга кўпайиб, **3,9** трлн сўмни ёки барча кредит ташкилотлари умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **1** фоизни ташкил этди.

2.4.4-чизма

**НКТ томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд сўм**




НКТ томонидан жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар қолдиғи 2021 йилга нисбатан 48 фоизга ортиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **2** трлн сўмга, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар қолдиғи 5 баробарга кўпайиб, **60** млрд сўмга ҳамда лизинг хизматлари ҳажми эса 3 баробарга ошиб, **2** млрд сўмга етди.

2022 йил якунлари бўйича НКТ кредит қўйилмаларининг **93,8** фоизи “стандарт”, **3,6** фоизи “субстандарт”, **0,6** фоизи “шубҳали” ва **2** фоизи “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган бўлиб, кредит қўйилмаларининг сифат ўзгариши бўйича доимий мониторинг ўрнатилган.

2.4.5-чизма

## НКТ кредит қўйилмаларининг таснифланиши



НКТда муаммоли кредитлар (NPL 30+) улуши 2022 йил бошига нисбатан 2 фоиз бандга камайиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига 6 фоизни ёки 126 млрд сўмни ташкил этди.


2.4.6-чизма

## Микромолия ташкилотлари муаммоли кредитлари ҳажми ва улуши



2.4.7-чизма

## Ломбардлар муаммоли кредитлари ҳажми ва улуши



Хусусан, муаммоли кредитлар микромолия ташкилотларида 2 фоиз бандга ёки 5 млрд сўмга камайган бўлсада (қолдиги 49 млрд сўм), ломбардларда эса 2 фоиз бандга ёки 17 млрд сўмга ошди (қолдиги 77 млрд сўм).

НКТнинг жами мажбуриятлари 2022 йилда 64 фоизга ошиб, 2,9 трлн сўмни ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотлари мажбуриятлари 61 фоизга ошиб 942 млрд сўмни, ломбардларда 46 фоизга кўпайиб 30 млрд

сўмни ташкил этган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотид**а 65 фоизга ортган ҳолда 2 трлн сўмга етган.


Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг 65 фоизга (1,1 трлн сўмга) ошиши асосий омил бўлган. Бунда, микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг мажбуриятлари таркибида банклардан жалб қилинган маблағлари 1,4 баробарга ортиб 440 млрд сўмни ташкил этди.

Шунингдек, халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар микромолия ташкилотларида **2,5 баробарга** ўсиб, 86 млрд сўмга ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотиди **1,4 баробарга** кўпайиб, 1,6 трлн сўмга етди.

**Микромолия ташкилотларининг** жами капитали 54 фоизга ва **ломбардларнинг** жами капитали эса 22 фоизга ошиб, мос равишда 1 трлн сўмга ва 230 млрд сўмга етган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотид**а жами капитал 20 фоизга кўпайиб, 137 млрд сўмни ташкил этган.


2.4.8-чизма

**НКТ жами мажбуриятлари динамикаси, млрд сўмт**



2.4.9-чизма

**НКТ жами капитали динамикаси, млрд сўм**



НКТ жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг **206** млрд сўмга ва тақсимланмаган фойдасининг **47** млрд сўмга ошиши ҳисобига содир бўлди.


НКТнинг жами даромадлари таркибида фоизли даромадларнинг улуши **89** фоизни ташкил этди ҳамда унинг жами даромадлари **1,4** трлн сўм доирасида шаклланди.

НКТнинг жами харажатлари **324** млрд сўмга (*60 фоизга*) кўпайиб, **863** млрд сўмни ташкил этган. Жами харажатларнинг **41** фоизи ёки **357** млрд сўми фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (*256 млрд сўм*) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича фоиз тўловларидан иборат.

**Микромолия ташкилотларининг** соф фойдаси 2021 йилга нисбатан **58** фоизга ортиб, уларнинг активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси мос равишда **20** ва **38** фоизни ташкил қилди.


2.4.10-чизма

### НКТ активлари рентабеллиги (ROA), фоизда



2.4.11-чизма

### НКТ капитали рентабеллиги (ROE), фоизда



**Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг** соф фойдаси 2021 йилга нисбатан қарийб **2 баробарга** ортган ҳолда, активлар рентабеллиги деярли ўзгаришсиз **1** фоиз, капиталнинг рентабеллик даражаси эса **6** фоиз бандга ошиб, **18** фоиз доирасида шаклланган. Активлар даромадлилик даражасининг 2021 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолиши ташкилот активларининг юқори суръатларда (**1,6 баробарга**) ўсиши билан изоҳланади.

## 2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

### 2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2022 йилда банклар назорати бўйича халқаро стандартлар ва Базель кўмитасининг тавсиялари асосида кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси ва инструментларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, иқтисодий ва банк тизими барқарорлигига сезиларли таъсир

кўрсатиш эҳтимоли мавжуд бўлган банклар устидан кучайтирилган назоратни амалга ошириш мақсадида Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банкларни назорат қилиш тўғрисида”ги йўриқномаси, Молиявий барқарорлик кенгашининг “Тизимли аҳамиятга молик институтлар назоратига доир сиёсий чора-тадбирлар ҳақида”ги стандартлари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида **тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашнинг вақтинчалик тартиби** ишлаб чиқилди ва йил давомида синовдан ўтказилди.

Тизимли аҳамиятга молик банклар устидан кучайтирилган пруденциал назоратни амалга ошириш орқали тизимли таваккалчиликларнинг ва инқирозларнинг олдини олиш мақсадида мазкур банкларни 4 та мезон бўйича гуруҳлаштирилган 9 та кўрсаткич асосида аниқлаш белгиланди.

Мазкур тартибга мувофиқ, 2022 йилда 6 та банк, жумладан, Ўзмилийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Асакабанк, Агробанк, Ипотека-банк ва Халқ банки тизимли аҳамиятга молик банк деб топилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг назорат услубиётини такомиллаштириб бориш, **микро** даражадаги назорат қилишдан **макро** даражадаги тартибга солишга босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи тегишли чоралар давом эттирилди.

Хусусан, банк кафолатини олиш билан боғлиқ жараёнларда ортиқча бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш ва банклар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширишларини таъминлаш мақсадида банк кафолатини олиш учун принципалга талаблар банкнинг ички сиёсати ва риск-аппетитига мувофиқ мустақил тарзда ўрнатиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, муаммоли кредитлар билан ишлаш ва уларни ундириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, гаров мулкни аукцион орқали сотишда тўлиқ бозор тамойилларига ўтиш ҳамда гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Аҳолида қарз юкини ортиб кетмаслиги ва молиявий тизим барқарорлигини таъминлашга қаратилган макропруденциал чораларини такомиллаштириш мақсадида қарз олувчининг тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ҳисобга олинган даромадлар манбалари рўйхати кенгайтирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг таваккалчиликка асосланган банк назорати тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, Жаҳон банкининг “Таваккалчиликка асосланган банк назорати қўлланмаси” асосида **4** та банкнинг (*Асакабанк, Саноатқурилишбанк, Капиталбанк ва Инак йўли банки*) **бизнес-моделлари** ва **кредит рискларини** баҳолаш бўйича намунавий тақдимот маълумотлари тайёрланди.

Марказий банк томонидан банкларда **капитал, ликвидлиликни қоплаш, соф барқарор молиялаштириш** меъёрлари ҳаққоний ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда **активлар сифати тўғри таснифланиши** бўйича тематик текширишлар ўтказишнинг **ҳар бир қадами** ва **кетма-кетлигини белгиловчи назорат маҳсулотлари** ишлаб чиқилди.

Ушбу ёндашувлар асосида 2022 йилда **тижорат банкларида 19** та ва **микромолия ташкилотларида 9** та тематик инспекциялар ўтказилди.

Тематик инспекциялар банкларда **капитал** ва **ликвидлилик** меъёрларининг ҳаққоний ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш орқали, уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ бўлган **хатарларга бардошлилигини мустаҳкамлашга**, шунингдек, **муаммоли кредитлар билан ишлаш** ва **мониторинг қилиш тизимини** такомиллаштиришга қаратилди.

Текширишларда ушбу банклар томонидан юридик шахсларга **миллий валютада** ажратилган энг йирик **15 328** та жами **32** трлн сўмлик ҳамда **хорижий валютада** ажратилган энг йирик **535** та жами **1,7** трлн сўм эквивалентидаги кредитлар, шунингдек, **жисмоний шахсларга** ажратилган энг йирик **13 185** та жами **2,8** трлн сўмлик **ипотека** ҳамда энг йирик **9 896** та жами **574** млрд сўмлик **чакана** кредитлар ўрганилди.

Умуман олганда, текширишлар давомида 38 944 та мижознинг жами 37 трлн сўмлик кредитлари ёки ушбу банклар жами кредит портфелининг 58 фоизи қамраб олинди.

Инспекция натижаларига кўра, Марказий банкка тақдим этилган ҳисоботларда **капитал** ва **ликвидлилик** меъёрлари тўғрисидаги маълумотларни ҳаққоний акс эттирмаган банкларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини самарали ташкил этиш, потенциал муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва ушбу йўналишдаги мавжуд заифликларни бартараф этиш бўйича **амалий ёрдам** кўрсатиш мақсадида **10** та йирик давлат банкида ўрганиш ўтказилди.



Ўрганишлар натижалари бўйича ушбу банкларга:

- кредит ажратиш ва уни мониторинг қилиш, муаммоли кредитлар билан ишлашда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;
- мониторинг жараёнларини таваккалчиликка асосланган ёндашув асосида кредитларни тоифаларга ажратган ҳолда ташкил этиш;
- потенциал муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва чоралар кўриш тизимини ташкил этиш;
- муаммоли кредитлар билан ишлашнинг “**Soft collection**”, “**Hard collection**” ва “**Legal collection**” усулларини жорий қилиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан Марказий банк ходимларини текширишларга жалб қилиш бўйича жами **2 993** та сўров келиб тушган бўлиб, ушбу сўровларнинг **1 133** таси (*38 фоиз*) бўйича ижроси белгиланган тартибда ташкил этилди.

Қолган **1 860** та (*62 фоиз*) сўров, хусусан, **54** та сўров корхона ва ташкилотларнинг **молия-хўжалик фаолиятини** текшириш масаласида бўлганлиги учун, **119** та сўров текшириш ўтказиладиган масала **банк фаолиятига тааллуқли эмаслиги** учун ва **1 687** та сўров текширишга мутахассис ажратиш учун **етарли асослар мавжуд бўлмаганлиги** учун рад этилди.

Марказий банк томонидан 2022 йилда қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузган банкларга нисбатан айрим операцияларини тўхтатиш, **жарима санкциялари** ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланилди.

Жумладан, банк қонунчилиги талабларини бузганлиги учун **26** та банкдан **56** та ҳолат учун жами **3,8** млрд сўм миқдорида **жарима ундирилди**. Хусусан:

- белгиланган пруденциал меъёрларга риоя этилиши юзасидан аниқланган **12** та ҳолат бўйича жами **860** млн сўм миқдорида;
- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича кредитлар ажратилишида белгиланган талабларга амал қилиниши юзасидан аниқланган **3** та камчилик бўйича **785** млн сўм миқдорида;
- валюта операциялари бўйича аниқланган **22** та ҳолат бўйича **705** млн сўм миқдорида;
- жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларига

риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширув натижалари юзасидан аниқланган **7** та ҳолат бўйича жами **700** млн сўм миқдорида;

– ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш бўйича тижорат банклари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича аниқланган **11** та ҳолат бўйича **700** млн сўм миқдорида;

– истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича **1** та ҳолатда **20** млн сўм миқдорида;

Шунингдек, муаммоли кредитлар салмоғи ошганлиги ҳамда ликвидлилик бўйича белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилинмаганлиги сабабли, **2** та **тижорат банкига** нисбатан юқори ликвидли активларни қисқаришига олиб келадиган барча актив операцияларни амалга оширилишини **тақиқлаш чоралари қўлланилди**.

Ликвидлилик ҳолати етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли **2** та банкда депозитларни жалб қилиш ва мавжуд депозитларни қайтариш муддатини узайтириш амалиётини амалга оширилиши юзасидан **чекловлар ўрнатилди**.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан қўлланилган жарима санкциялари ҳамда айрим операциялари бўйича ўрнатилган таъқиқларга қарамасдан пруденциал меъёрларга амал қилмаслик ҳолатлари сурункали ва кўпол равишда кузатилганлиги, банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларига реал хавф солувчи тартиббузарликларга йўл қўйилганлигини, шунингдек, банк қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига амал қилинмаганлигини инобатга олиб, “НІ-ТЕСН ВАНК” ва “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкларидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинди.

### **2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш**

Ҳисобот йилида НКТ фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, Жаҳон банки кўмагида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2022 йил 20 апрелда қабул қилинди. Мазкур Қонун билан:

– НКТ томонидан амалга ошириладиган (кўрсатиладиган) молиявий операциялар (хизматлар) турлари;

– НКТнинг муассисларига, иштирокчиларига (акциядорлари) талаблар;

– микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишнинг ягона тартиби ҳамда ломбардлар томонидан фаолиятни бошлаганлик тўғрисида хабарнома юборилишининг тартиби;

– мутаносиб равишда (соддалаштирилган тартибда ёки пруденциал) тартибга солиш;

– НКТ хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидалари белгиланди.

Мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб, НКТ фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Жумладан, молиявий хизматларни кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни рағбатлантириш ва янги турдаги молиявий хизматларни синаш учун қулай муҳит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги **махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш** тартиби ишлаб чиқилди.

Шунингдек, қарз оловчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори ҳамда қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги талаблар такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тарқоқ ҳолда тартибга солаётган 3 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни унификация қилиш орқали “Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги ягона ҳужжат ишлаб чиқилди.

### **2.5.3. Молиявий мониторинг, иқтисодий санкциялар ва экспортга таъқиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқариш**

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов ташкилотларининг ички назорат қоидаларига ҳамда **жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ шубҳали операциялар** (кейинги ўринларда – Соҳага оид) тўғрисида ахборотни тегишли давлат органларига тақдим этиш тартибига риоя этиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар давом эттирилди.

Бунда асосий эътибор банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар фаолиятида Соҳага оид рискларни аниқлаш ҳамда минималлаштириш механизмларини жорий

этиш, Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро меъёрларга мувофиқлаштирилишини таъминлашга қаратилди.

Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда банк, НКТ тизимида ҳамда тўлов ташкилотларида Соҳага оид рисклар баҳоланиб, уларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қайд этиш лозимки, Марказий банк томонидан Соҳага оид назорат банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотларни риск профилидан келиб чиққан ҳолда рискка асосланган ёндашув асосида амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳисобот йилида 18 та тижорат банкида ва 1 та тўлов ташкилотда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан масофадан ва жойига чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижалари бўйича тегишли хато ва камчиликларга йўл қўйган 7 та тижорат банкига нисбатан жами 700 млн сўм ва 1 та тўлов ташкилотига нисбатан 50 млн сўм миқдорида жарима чоралари, шунингдек, 7 та тижорат банкига нисбатан келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантириш билан боғлиқ чоралар қўлланилди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг халқаро экспертлари томонидан ўзаро баҳолашнинг мамлакатимизнинг Соҳага оид тизим самарадорлигини ҳамда миллий қонунчиликни халқаро стандартлар – ФАТФ тавсияларига мувофиқлигини баҳолаш ишлари якунига етказилди.

Баҳолаш натижалари бўйича “Ўзбекистон Республикасининг ўзаро баҳолаш” ҳисоботи Евросиё гуруҳининг 36 ялпи мажлисида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳисоботга мувофиқ:

Ўзбекистоннинг Соҳага оид тизим самарадорлиги умумий 11 та кўрсаткичдан 6 таси бўйича ўртачадан юқори, қолган 5 та кўрсаткич бўйича ўрта даражада;

миллий қонунчиликни ФАТФ тавсияларига мувофиқлик даражаси бўйича жами 40 та тавсиядан 8 таси бўйича “мувофиқ”, 23 таси бўйича “сезиларли даражада мувофиқ” ва қолган 9 та тавсия бўйича “қисман мувофиқ” деб баҳоланди.

Қайд этиш лозимки, ушбу ҳисоботда Марказий банк назорати остидаги секторлар бўйича Соҳага оид тизим самарадорлиги кўрсаткичлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларининг ФАТФ тавсияларига мувофиқлиги ижобий эканлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, глобал иқтисодиётда кузатилган ўзгаришлар натижасида юзага келган **иқтисодий санкциялар** ва **экспортга тақиқлар** билан боғлиқ хатарларни минималлаштириш, **комплаенс-назорат тизимини такомиллаштириш** юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан:

– тижорат банкларида санкциявий хатарларни бошқариш бўйича **бўлинмалар** ва Марказий банкда улар фаолиятини назорат қилувчи **махсус таркибий бўлинма ташкил** этилди;

– банкларнинг санкциявий комплаенс фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг **ҳуқуқий асосларини яратиш** мақсадида қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан **қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди**;

– Марказий банк ва тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат **Ситуацион-таҳлилий кенгаш ташкил** этилиб, унда санкциялар билан боғлиқ хатарларни бошқаришда юзага келаётган муаммолар **ҳар ҳафта муҳокама қилиниб**, уларнинг **ечимлари юзасидан тажриба алмашилмоқда**;

– тижорат банкларига АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан иқтисодий санкциялар қўлланилган субъектлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишни чеклаш, **экспорт (реэкспорт) қилиниши чекланган товарлар рўйхатини шакллантириш**, шунингдек, санкциявий чекловларни айланиб ўтишга қарши курашиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда;

– банк операцияларини амалга оширишда операция иштирокчиларини халқаро иқтисодий санкциялар остидаги шахслар рўйхати билан солиштириш жараёнлари СВИФТ тизимида **санкция скрининг модули ўрнатилиши орқали автоматлаштирилди**;

– тижорат банклари томонидан санкциялар рўйхатига киритилган шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш, уларнинг операцияларини амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишда масъул раҳбар ва ходимлар вазифалари, мажбуриятлари белгиланган **регламент ишлаб чиқилди**;

– тижорат банклари мижозларининг ташқи савдо шартномалари санкция ва тақиқлар талабларига мувофиқлиги юзасидан **хатловдан ўтказилиб**, янги шартномаларга хизмат кўрсатишда иқтисодий санкциялар ва

экспортга тақиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқаришга доир талабларга риоя этиш **амалиёти жорий қилинди;**

– халқаро молия институтлари (**KPMG, Ernst and Young, Deloitte CRIF**) билан ҳамкорликда самарали санкциявий комплаенс тизимини ташкил этиш юзасидан **семинар-тренинглари ўтказилди;**

– норезидент мижозларга халқаро тўлов карталарини **трансчегаравий эмиссияси тўхтатилди.**

## III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

### 3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш

#### 3.1.1. 2022 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили

2022 йилда Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсатининг қатъийлик даражаси ташқи иқтисодий ноаниқликлар таъсирида турлича шаклланди.

Хусусан, юзага келган ташқи хатарларнинг макроиқтисодий барқарорликка таъсирини камайтириш мақсадида март ойида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик **17** фоизгача кўтарилди ва “**қатъий**” пул-кредит шароитлари шаклланиши таъминланди.

Мазкур пул-кредит шароитлари март ойида ташқи валюта оқимларининг вақтинчалик қисқариши (*пул ўтказмалари ва экспорт тушумлари кўринишида*) ва аҳолининг девальвацион кутилмаларининг кескин ортиши фонида миллий валюта алмашув курсида юзага келган кескин тебранувчанликни бартараф қилиш ҳамда миллий валютадаги активлар жозибадорлигини ошириш орқали иқтисодиётда жамғарма ва истеъмол мувозанатини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Ҳисобот йилининг II чорагидаги макроиқтисодий ҳолат ташқи хатарлар таъсирининг кутилганидан кўра камроқ бўлганлиги ҳамда пул ўтказмалари ва экспорт тушумлари ҳажмининг кескин ўсиши шароитларида шаклланди.

Айрим эҳтимолий инфляцион омилларнинг юзага келмаганлиги ҳисобига июнь-июль ойларида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик **15** фоизгача пасайтирилди. Бунда, реал ҳисобда **2-3** фоизлик **ижобий фарқ** сақланиб қолаётганлиги иқтисодиётда “**нисбатан қатъий**” пул-кредит шароитларини таъминлашга хизмат қилди.


Асосий ставканинг ўзгартирилиши бўйича қарорлар, ўз навбатида, амалдаги операцион механизм инструментлари орқали банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ҳам мос равишда ўзгаришига олиб келди.

Хусусан, март ойида асосий ставканинг оширилиши ва умумий ликвидликнинг вақтинчалик қисқариши ҳисобига апрель ойида пул бозоридаги ўртача фоиз ставкалари **18,2** фоизгача кўтарилган бўлса, кейинги ойларда банк тизими ликвидлиги ҳажмининг ортиб бориши ва асосий ставканинг **2 мартаба** пасайтирилиши фонида фоиз ставкалари декабрь ойида **14,1** фоизгача пасайди.




3.1.1.1-чизма.

### Марказий банк асосий ставкаси динамикаси, фоизда



3.1.1.2-чизма.

### Банкларо пул бозори фоиз ставкалари, фоизда




Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгариши депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам ўзгаришида намоён бўлиб, иқтисодиёт субъектларининг қарорларида ўз аксини топмоқда.

Жумладан, аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари 2022 йил июнь ойида **21** фоизгача қўтарилган бўлса, декабрь ойида **20,2** фоизгача пасайди.


3.1.1.3-чизма.

### Аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари, фоизда



3.1.1.4-чизма.

### Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалари, фоизда



Иқтисодиётда биров тезлашган инфляцион жараёнлар ҳисобига, ушбу депозитлар бўйича **реал фоиз ставкалари** 2022 йил бошидаги **9,5** фоиздан декабрь ойида **7,1** фоизгача тушуши кузатилди.

Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари аҳолининг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмаларига (15-16 фоиз) нисбатан ҳисобланганда ҳам унинг ижобий фарқи 4-5 фоиз атрофида сақланиб қолди.

Ушбу ижобий фарқ аҳолининг миллий валютадаги депозитлари ҳажмининг сезиларли даражада ўсиб боришида намоён бўлиб, аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари 2021 йилга нисбатан **1,6 баробарга** ошди.

Марказий банк асосий ставкасининг оширилиши таъсирида 2022 йилнинг I ярмида миллий валютадаги кредитлар фоиз ставкаларида бироз ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, II ярим йилликда эса пасайиш қайд этилди. Натижада, декабрь ойида миллий валютадаги жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича фоиз ставкалари **22,4** фоизга ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича фоиз ставкалари **22,2** фоизга тенг бўлди.

### 3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар

2022 йилда Марказий банк пул-кредит сиёсати механизмларини инфляцион таргетлаш режими стандартларига мослаштирди ва банк тизими умумий ликвидлигининг ортиб бориши шароитида пул-кредит операцияларига тегишли ўзгартиришлар киритиб борди.

Хусусан, Марказий банк облигациялари бўйича даромадлиликнинг максимал чегараси 2022 йилнинг март ойидан бошлаб фоиз коридорининг юқори чегарасига қадар оширилди.

Ушбу чоралар, Марказий банкнинг асосан қисқа муддатли ликвидлик нархига таъсир этса, узоқроқ муддатли фоиз ставкалари эса тўлиқ бозор иштирокчиларининг макроиктисодий кутилмалари асосида ҳамда Марказий банкнинг узоқ муддатли фоиз ставкалари бўйича “нархни қабул қилувчи” (“price taker”) сифатида шаклланади.

Шунингдек, март ойидан бошлаб ликвидликни жалб этиш мақсадида фойдаланиладиган депозит аукционларининг “тўлиқ қопланадиган ўзгармас фоиз ставкали” операциялар тарзида ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу эса, депозит аукционларини банкларнинг талаби асосида чекланмаган миқдорда ва Марказий банкнинг асосий ставкасида ўтказиш имкониятини яратмоқда.

Шу билан бирга, ликвидликни бошқаришнинг асосий инструменти бўлган депозит аукционларининг асосий ставка бўйича қарорларни банк тизимига ва кейинчалик иқтисодиётдаги фоиз ставкаларга ўтказиш бўйича таъсирчанлигини ошиб боришига хизмат қилади.

Мажбурий захиралашнинг ҳисоб-китоб даврини муқобиллаштириш орқали тижорат банкларига ликвидликни бошқаришда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ушбу аукционлар 2022 йил июль ойидан бошлаб ҳафтада 1 маротаба, пайшанба кунлари ўтказиладиган 1 ҳафталик аукционларга ўзгартирилди.

Марказий банк облигациялари бўйича ойлик ўртача лимит ҳам йил бошидаги 15 трлн сўмдан 25 трлн сўмгача оширилди ҳамда банк тизими умумий ликвидлигининг жорий ўсувчи динамикаси шароитида ликвидликни узокроқ муддатли инструментлар билан самарали жалб этиш ва шу орқали инфляцияга монетар омиллар таъсирини минималлаштириш чоралари кўриб борилди.


Умуман олганда, 2022 йилда умумий ликвидлик даражасини тартибга солишда қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланилди ва ушбу операциялар ҳажмлари банк тизими ликвидлигининг ҳолати ва белгиланган нормативларнинг тижорат банклари томонидан бажарилиш даражасига боғлиқлиги кучайтирилди.

Шаклланган қўшимча ликвидликни узокроқ муддатга жалб этиш мақсадида 2022 йилда жами 86,9 трлн сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилди. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига муомаладаги Марказий банк облигациялари қолдиғи 14,7 трлн сўмга етди.

Марказий банкнинг ликвидликни бошқариш инструментларига бўлган талаби эса банк тизимида умумий ликвидлик динамикаси билан боғлиқ ҳолда шаклланиб борди.

3.1.5-чизма

**Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит операциялари қолдиғи динамикаси, ой давомида ўртача кунлик қолдиқ, млрд сўмда**



2022 йилнинг I чорагида ҳукумат харажатларининг мавсумий қисқариши ва март ойида юзага келган ташқи хатарлар шароитида ликвидликни жалб этиш операцияларига талаб бироз қисқариб, ликвидликни тақдим этиш бўйича овернайт РЕПО ва СВОП операцияларига талаб юзага келди.

Апрель ойидан бошлаб умумий ликвидлик ҳажмининг мувозанатлашиши ва ликвидликни оширувчи омиллар таъсирининг ортиб бориши билан овернайт РЕПО ва СВОП операцияларига талаб минимал даражада шаклланган ҳолда, депозит операцияларига бўлган талаб ошиб борди.


Иқтисодиётда таркибий ислоҳотларнинг фаол давом эттирилиши ва инвестицион муҳитнинг яхшиланиб бориши ҳисобига мамлакатимизга хорижий валюта оқимининг ортиши ҳамда умумий фискал тақчилликнинг сақланиб қолиши фонида келгуси йилларда ҳам банк тизимида кўшимча ликвидлик ҳажмининг ортиб бориши прогноз қилинмоқда.

### 3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

2022 йилда банклараро пул бозорида жами **147,8** трлн сўмлик ёки 2021 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** кўпроқ операциялар амалга оширилди. Пул бозори амалиётлари ҳажми умумий ликвидлик ҳолатига боғлиқ бўлиб, сентябрь ойида 7 трлн сўмгача қисқарган бўлса, декабрда **18,8** трлн сўмгача ошган.

3.1.3.1-чизма

Пул бозоридаги операциялар ҳажми ва фоиз ставкалари



Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ҳисобот даврида тўлиқ фоиз коридори доирасида шаклланди ва асосий ставка

ўзгартирилишига мос равишда ўзгариб борди. Бунда, фоиз ставкалари бўйича тебранувчанлик даражаси паст бўлиб, ҳисобот йилининг сўнгги 4 ойида **14-14,2** фоиз оралиғида барқарор шаклланди.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставкадан пастроқ шаклланиши банк тизимида ликвидлик ҳажмининг кўплиги билан изоҳланади.

Инфляциянинг келгуси давр учун прогнози асосида ҳисобланган **пул бозоридаги реал фоиз ставкалари** 2022 йилнинг II ярмида пасайиб борди ва **2-3** фоиз атрофида шаклланди.


Мазкур ҳолат июнь-июль ойларида асосий ставканинг йиллик 17 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиши ва пул бозоридаги номинал фоиз ставкаларининг пасайиши ҳам кузатилди.

Бу эса, пул бозоридаги реал фоиз ставкалари иқтисодиётда **“нисбатан қатъий”** пул-кредит шароитлари сақланиб қолаётганлигини кўрсатди.

ЕТТБ экспертлари билан биргаликда пул бозорининг бенчмарк фоиз ставкасини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилди ҳамда ушбу методология асосида UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси, UZONIA индекси ва муддатли UZONIA ставкаларини кунлик ҳисоблаш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди.


3.1.3.2-чизма

UZONIA бенчмарк ставкаси  
динамикаси, фоизда



3.1.3.3-чизма

Муддатли UZONIA ставкалари ва  
UZONIA индекси шаклланиши,  
фоизда



Банклараро пул бозорида тижорат банклари томонидан ликвидликни бошқариш самарадорлиги ва фаоллигини ортиб бориши банклараро пул бозорида ўтказилаётган операциялар ҳажмининг ортиши ва ўртача


муддатининг қисқаришида намоён бўлмоқда. Хусусан, пул бозорида амалга оширилган ойлик ўртача амалиётлар ҳажми 2022 йилда **1,5 баробарга** ошди ва **12,3** трлн сўм доирасида шаклланди.

2022 йилда тижорат банклари томонидан ликвидликни асосан овернайт операциялар орқали бошқариш афзал кўрилиб, пул бозоридаги жами амалиётларнинг **82,4** фоизи 1 кунлик депозит операцияларига тўғри келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пул бозорида асосан овернайт операциялар амалга оширилаётганлиги сабабли банклараро депозитлар қолдиғининг ўсиш суръати пул бозори амалиётлари ҳажми ўсишидан пастроқ шаклланмоқда.


3.1.3.4-чизма

Пул бозоридаги операцияларнинг  
муддати бўйича улуши



3.1.3.5-чизма

Банклараро депозитлар ва пул-кредит  
операцияларининг ойлик ўртача  
қолдиғи динамикаси



Ўз навбатида, 2022 йилнинг декабрь ойида банк тизими ликвидлигининг мувозанатлашиши ҳисобига пул-кредит операцияларининг ойлик ўртача қолдиғи 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **2,2** фоизга ошди ва **19,2** трлн сўмга етди.

Натижада, банклараро депозитларнинг пул-кредит операцияларига нисбати ушбу даврда ортиб борди ва декабрда **39** фоизга ёки 2021 йилнинг мос давридаги кўрсаткичга (*30 фоиз*) нисбатан **9** фоиз бандга юқори бўлди.

Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операциялари ҳажмининг нисбатан кўплиги банк тизимида умумий ликвидлик ҳолатининг юқорилиги билан изоҳланса, пул бозоридаги операциялар ҳажмининг нисбатан камлиги асосий операцияларнинг “таъминотсиз” пул бозоридаги амалга оширилаётганлиги сабабли кредит хатарининг ва банклар томонидан ўзаро индивидуал чекловлар қўйиш амалиётининг мавжудлиги билан изоҳланади.




### 3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2022 йилда ички валюта бозори, ўзгарувчан ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий фаолликнинг ортиб бориши натижасида чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифнинг юқори суръатларда ўсиши шароитида шаклланди.

2022 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасидаги **умумий таклиф ҳажми** (Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олмаганда) **32,5** млрд долларни ташкил этиб, мазкур таклиф ҳажмининг **14,8** млрд доллари (45,5 фоизи) хўжалик юритувчи субъектлар, **12,9** млрд доллари (39,7 фоизи) банклар ва жисмоний шахслар ҳамда **4,8** млрд доллари (14,8 фоизи) марказлашган манбалар ҳисобига тўғри келди.

3.1.4.1-чизма

Ички валюта бозоридаги таклиф манбалари, млн долларда



Шунингдек, ушбу даврда чет эл валютасига бўлган талабнинг умумий ҳажми **36,6** млрд долларга етиб, 2021 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошди. Ушбу талабнинг **75,7** фоизи юридик шахслар ва қолган **24,3** фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Бунда, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат таъминланди ҳамда Марказий банкнинг “нейтраллик тамойили” доирасида ички валюта бозорида **4,1** млрд доллар ҳажмда интервенциялар амалга оширилди.

**Юридик шахсларнинг валюта операциялари.** 2022 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошиб, **27,7** млрд долларни ташкил этди.


Ички валюта бозоридаги чет эл валютасининг **56,6** фоизи ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, хомашё ва хизматлар импорти, **18,8** фоизи хорижий кредитларни сўндириш, **20,8** фоизи халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **2,1** фоизи хорижий инвесторлар



даромадларининг репатриацияси ва 1,7 фоизи бошқа мақсадлар учун харид қилинган.

3.1.4.2-чизма

**Чет эл валютасини сотиб олиш мақсадлари таркиби, фоизда**



2022 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт бўйича тўловлар ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошиб, **34,5** млрд долларга етди ва ушбу тўловларнинг **57,7** фоизи ички валюта бозорида сотиб олинган валюта маблағлари ҳисобидан қопланди.

3.1.4.3-чизма

**Импортни молиялаштириш манбалари, фоизда**



2022 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ойлик ўртача сони **11,5** мингтага етиб, 2021 йилга нисбатан **16** фоизга ошиши кузатилди.

Жорий йилда миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари ҳамда ташқи ва ички иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.


2022 йилда глобал иқтисодий ноаниқликларнинг юзага келиши, савдо ҳамкор давлатлар валюталарининг қадрсизланиши ҳамда аҳоли ва хўжалик

юритувчи субъектлари девальвацион кутилмаларининг ортиши фонида март ойининг дастлабки ҳафталарида хорижий валютага нисбатан талаб сезиларли даражада ошиши кузатилди.

Натижада, миллий валюта айирбошлаш курси йил бошига нисбатан қарийб 7 фоизгача қадрсизланиши қайд этилди.

3.1.4.4-чизма

Долларнинг миллий валютага нисбатан алмашув курси динамикаси, сўм/доллар



Бунда, пул-кредит сиёсатининг ўз вақтида қатъийлаштирилиши валюта бозорининг барча сегментларида хорижий валютага талабнинг сезиларли даражада пасайишига ва таклифнинг ортишига таъсир кўрсатган бўлса, мослашувчан алмашув курси ташқи шокларнинг салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилди.

Умуман олганда, 2022 йил давомида миллий валютанинг долларга нисбатан тебраниши 10 801–11 572 сўм диапазонида шаклланди ва 3,9 фоизга қадрсизланди.

### 3.1.5. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш йўналишидаги чора-тадбирлар

Марказий банкнинг иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш мақсадида пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилган қарорларининг иқтисодий жараёнларга таъсири турли каналлар орқали амалга ошади.

Инфляцион таргетлаш режими доирасида **фоиз канали** трансмиссион механизмнинг асосий каналларидан бири ҳисобланади. Марказий банк асосий пул-кредит инструменти сифатида **асосий ставкадан** фойдаланади.

Бунда, Марказий банк асосий ставкани ўзгартириш орқали иқтисодиётдаги депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига, молиявий активлар нархига ва макроиқтисодий кутилмаларга таъсир кўрсатади.

Ҳисобот йилида операцион механизмга сезиларли ўзгартиришлар киритилди ва бунинг натижасида, қабул қилинаётган қарорларнинг пул бозорига ўтиш самарадорлиги ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

2022 йилда Марказий банкнинг асосий ставкаси **3 маротаба** ўзгартирилди ва ушбу ўзгаришлар тезкор равишда пул бозоридаги фоиз ставкаларида ўз аксини топа бошлади.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўтишида ҳам ижобий тенденция кузатилаётган бўлиб, ислохотларнинг навбатдаги босқичида фоиз каналининг айнан ушбу қисмини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Хусусан, ЕТТБдан **“Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш”** йўналишида техник кўмак дастури жалб этилиб, унда асосий эътибор, фоиз каналининг таъсирчанлигини оширишга қаратилмоқда.

Пул бозорида шаклланган фоиз ставкаларидаги ўзгаришларнинг депозитлар нархига ўтиши маълум муддатни тақозо этади. Банкларнинг депозит базаси нисбатан пастроқ (*депозитларнинг жами мажбуриятлардаги улуши 40 фоиз атрофида*) ҳисобланиб, биринчи навбатда, банкдан ташқари жамғармаларни банк тизимига самарали жалб этиш ва шу орқали депозит базасини ошириш мақсад қилинган.

Инфляция даражасининг пасайиб бориши ва нисбатан барқарор алмашув курси шароитида банклар томонидан таклиф этилаётган жорий фоиз ставкалари, шу жумладан, миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари жозибадор ҳисобланиб, жамғармалар ҳажмининг кескин ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

Келгуси йилларда ҳам миллий валютадаги депозитлар бўйича реал ижобий фоиз ставкаларининг таъминланиши ҳисобига жамғармаларнинг банк тизимига қайтиш жараёнининг давом этиши ва депозитлар долларлашувининг пасайиб бориши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, пул-кредит сиёсати фоиз канали таъсирчанлик даражасининг ошганлигини кўрсатади.

Депозит базасининг ўсиб бориши билан улар бўйича фоиз ставкаларининг пул бозоридаги фоиз ставкаларига яқинлашиши ва ўхшаш динамикага эга бўлиши кузатилади. Бунинг натижасида, фоиз маржаси ўзгаришсиз сақланиб қолган ҳолда кредитлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришида ҳам депозит фоиз ставкаларига ўхшаш тенденцияга эга бўлади.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб келган кредитларга бўлган юқори талаб сўнгги 4-5 йилда юзага чиқиб, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажмининг

кескин ўсишида ўз аксини топди ва сўнгги икки йилда бироз секинлашган бўлсада, чакана кредитлар бўйича юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолига ажратилаётган кредитлар бўйича нисбатан юқори фоиз ставкаларининг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Ўрта муддатли истиқболда, аҳоли қарз юкининг ортиб бориши ва кредитга бўлган юқори талабнинг пасайиб бориши билан чакана кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши ҳамда бошқа банк хизматлари бўйича фоиз ставкаларига мос равишда ўзгариб бориши кутилмоқда.

2022 йилда пул бозори бенчмарк фоиз ставкасини такомиллаштириш ишлари яқунланиб, UZONIA фоиз ставкаларини ҳисоблаш методологияси эълон қилинди. Келгуси йилларда ушбу фоиз ставканинг банк амалиётида қўлланилиш кўламини кенгайтириш ва **“ўзгарувчан” фоиз ставкали депозит ва кредит хизматларини** жорий этиш режалаштирилган.

Бунда, асосий ставканинг ўзгартирилиши пул бозорининг бенчмарк ставкасида ўз аксини топади ҳамда депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгариб боради. Натижада, “ўзгарувчан” фоиз ставкали банк хизматлари фоиз канали самарадорлигининг ортишига сезиларли ҳисса қўшиши кутилмоқда.

**Валюта курси канали.** Капитал ҳаракати эркинлаштирилган ва молия бозорларининг ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлган давлатларда валюта курси каналининг аҳамияти ва пул-кредит трансмиссиясидаги роли юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида валюта курси каналининг трансмиссион таъсири паст бўлиб, бу бир томондан, капитал ҳаракати билан боғлиқ чекловларнинг мавжудлиги билан изоҳланса, бошқа томондан молия ва капитал бозорларининг етарли даражада ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Ушбу йўналишда 2022 йилда норезидентларга давлат облигацияларини харид қилишга руҳсат берилди ҳамда келгуси йилларда улар учун давлат қимматли қоғозларини харид қилиш инфратузилмасини яратиш муҳим вазифа сифатида қабул қилинди.

Шу билан бирга, валюта курси ўзгаришининг инфляцияга бевосита таъсир йўналиши мавжуд бўлиб, аҳолининг инфляцион кутилмаларида девальвацион кутилмалар ўрнининг юқори эканлиги ҳамда истеъмол саватида импорт товарлар салмоқли улушга эгаллиги сабабли валюта курсидаги ўзгаришлар тезкор равишда инфляцияга ўз таъсирини кўрсатади.

Хусусан, таҳлиллар натижасида валюта курси ўзгаришининг инфляцияга таъсирининг “ўтиш коэффициенти” 0,3–0,4 оралиқда баҳоланди.

Валюта курси каналининг ўрта муддатли даврдаги шаклланиши кўпроқ капитал ҳаракатини эркинлаштириш бўйича амалга ошириладиган чоралар, давлат қимматли қоғозлари бозорига норезидентларнинг кириб келиши, мамлакатга валюта оқимлари динамикаси каби омилларга боғлиқ.

**Кредит канали.** 2021 йилдан бошлаб иқтисодиётда кредит қўйилмалари ўсишининг мувозанатлашуви ва номинал ЯИМ ўсиш даражаси доирасида шаклланиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инфляцияга монетар омиллар таъсирини қисқартиришга хизмат қилади.

Кредит қўйилмалари ўсишининг мувозанатлашуви кўп жиҳатдан иқтисодиётда шаклланаётган қатъий пул-кредит шароитлари, қўлланилаётган пруденциал нормативлар, қарз юкининг ортиб бориши, кредитга тўйинганлик даражасининг ортиши, банкларнинг жорий даврда ташқи қарз жалб этиш имкониятларининг қисқариб бораётганлиги каби омиллар билан боғлиқ.

Кредит канали фоиз канали билан кучли боғлиқликда бўлиб, уларнинг самарали ишлаши учун **кредитларнинг долларлашув даражасини қисқартириш ва имтиёзли кредитлар амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш** муҳим чоралар сифатида белгиланган.

2022 йилда тижорат банклари учун валютавий фьючерслар бозорининг ташкил этилганлиги келгусида ушбу бозорнинг фаол ишлаши банклар учун валюта хатарларини самарали бошқариш билан бир қаторда, хорижий валютада жалб этилган манбалар ҳисобидан ҳам миллий валютада кредитлар ажратиш имкониятини беради. Валюта деривативлари бозорининг ривожланиши кредитлар долларлашувини қисқартиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати ва макропруденциал нормативларнинг ўзаро мувофиқликда қўлланилиши орқали ўрта муддатли истиқболда ҳам иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсишининг номинал ЯИМ ўсишига мос бўлишига эришиш мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, инфляцияга монетар омиллар таъсирини қисқартиришга хизмат қилади.

### 3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялари таҳлили

2022 йилда валюта сиёсати **“ХВЖ билан келишув моддалари”** доирасида қабул қилинган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда юритилиб, республикамизда жорий халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг эркин амалга оширилиши ҳамда мазкур операциялар учун чет эл валютасининг чекловларсиз сотиб олиниши ва сотилиши тўлиқ таъминланмоқда.

Глобал иқтисодий ноаниқликлар кучаяётган шароитларда валюта сиёсатини эҳтиёткорлик ҳамда назоратни кучайтирган тарзда олиб боришни тақозо қилмоқда. Бу борада, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг валюта операцияларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида бажарилиши устидан кучайтирилган мониторинг олиб борилди.

Жойларда ушбу йўналишда тижорат банкларига валюта операциялари ва ташқи савдо фаолиятига доир қонунчиликни амалиётга татбиқ этилишига бағишланган кенг қамровли тушунтиришлар ва ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.


### 3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили

Ҳисобот йилида глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар ва асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодиётидаги нобарқарорликни юзага келганлиги ҳамда транспорт-логистика соҳасида мураккабликларни ортиши шароитида ҳам ташқи савдо операциялар ҳажмининг ўсиши кузатилди.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг жами экспорт тушумлари 2021 йилга нисбатан қарийб **1,4 баробарга** ўсиб **16,3** млрд долларни, импорт тўловлари эса **1,3 баробарга** ошиб **34,5** млрд долларни ташкил этди.

3.2.1.1-чизма

Экспорт тушумлари ва импорт тўловлари ҳажми динамикаси, млрд долларда



Ташқи савдо операциялари бўйича валюта маблағлари ҳаракатининг манфий сальдоси 2021 йилдаги 14,3 млрд доллардан **18,2** млрд долларга етди.

Ташқи савдо операциялар ҳажмининг номинал ҳисобда юқори ўсиши 2022 йилда кузатилган глобал инфляцион жараёнларнинг кучайиши ҳамда




транспорт-логистика тузилмасида мураккабликларни ортиши натижасида экспорт – импорт товар ва хизматлар нархининг ошиши билан изоҳланади.

Шунингдек, импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражаси (“Terms of trade”) 2021 йилдаги 45 фоиздан **47** фоизгача ошиб, импортга йўналтирилган тўловларнинг қолган қисми корхоналарнинг ўз маблағларидан ташқари, ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ёки хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан қопланган.

2022 йилда жами экспорт тушумларининг **44** фоизи ёки **7,2** млрд доллари иқтисодиётнинг **тармоқ корхоналари** ҳиссасига тўғри келиб, бунда оғир саноатнинг улуши **36** фоизни, енгил саноат тармоғининг улуши **34** фоизни ва ёқилғи-энергетика соҳасининг улуши **9** фоизни ташкил этди.

3.2.1.2-чизма

### Экспорт тушумларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимооти, млн долларда



Худудий ва хусусий корхоналарнинг жами экспорт тушумидаги улуши **56** фоизга (**9,1** млрд доллар) тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **88** фоизга ёки **4,3** млрд долларга кўпайди.

Экспорт тушумлари савдо ҳамкор давлатлар кесимида қаралганда, уларнинг **64** фоизи **5** та хорижий давлатларга, хусусан, **27** фоизи (**4,4** млрд доллар) **Россия**, **14** фоизи (**2,3** млрд доллар) **Хитой**, **9** фоизи (**1,5** млрд доллар) **Қозоғистон**, **8** фоизи (**1,2** млрд доллар) **Туркия**, **6** фоизи (**1** млрд доллар) **Қирғизистон** давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисобот йилида жами экспортдан келиб тушган валюта маблағларининг **81** фоизини доллар, **14** фоизини Россия рубли, **4** фоизини евро ва қолган **1** фоизини бошқа валюталар ташкил қилди.

2022 йилдаги жами импорт тўловларининг **58** фоизи ёки **19,9** млрд




доллари ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиб, мазкур кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўпайди.

2022 йилда хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан амалга оширилган импорт тўловларининг 2021 йилга нисбатан **13** фоизга ёки **508** млн долларга камайиши кузатилиб, **3,5** млрд долларни ташкил этди.

Жами импорт тўловларининг **59** фоизи **5** та ҳамкор мамлакатларга ўтказилган бўлиб, шундан 18 фоизи (*6,3 млрд доллар*) **Россия**, 17 фоизи (*5,8 млрд доллар*) **Хитой**, 8 фоиздан мос равишда **Туркия** (*2,8 млрд доллар*), **Қозоғистон** (*2,8 млрд доллар*) ва **Корея** (*2,6 млрд доллар*) давлатларига тўғри келди.

3.2.1.3-чизма

### 2021-2022 йилларда корхоналарнинг импорт тўловлари ва манбалари динамикаси



2022 йилда ташқи савдо шартномалари доирасидаги импорт тўловларининг **80** фоизи долларда, **10** фоизи еврода, **9** фоизи Россия рублида ва қолган **1** фоизи бошқа валюталарда амалга оширилган.

Импорт шартномалари бўйича тўловлар ҳажмининг ўсиши истеъмол ва инвестицион фаолликнинг, иқтисодий фискал рағбатлантириш ҳажмининг ортиб бораётганлиги ҳамда ҳудудий ривожлантириш дастурларини кенг кўламда амалга оширилиши натижасида хориждан технологиялар, асбоб-ускуна ва хомашё маҳсулотлари импортига талабнинг ошганлиги билан изоҳланади.

### 3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари

Ҳисобот йилида аҳолига валюта операцияларини амалга оширишда кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида валюта айирбошлаш

инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар давом эттирилди ҳамда валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилди.


Хусусан, валюта айирбошлаш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда уни аҳоли пунктларидаги жойлашув зичлигини ошириш мақсадида валюта айирбошлаш шохобчаларининг умумий сони (*автоматлаштирилган шохобчалар билан бирга*) **4,2** мингтага етказилди ва 2021 йилга нисбатан **21** фоизга кўпайди.

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялар айланмаси (*чет эл валютаси хариди ва сотуви*) ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,8 баробарга** ўсиб, жами **20,8** млрд долларни ташкил этди.

2022 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами **11,9** млрд доллар миқдориди 2021 йилга нисбатан **1,7 баробарга** кўп хорижий валюта сотиб олинди.

3.2.2.1-чизма

**2021-2022 йилларда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн доллар**



Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга жами **8,9** млрд доллар миқдориди ёки 2021 йилга нисбатан **1,9 баробарга** кўп валюта маблағлари сотилди.

Бунда, валюта айирбошлаш операцияларининг ижобий сальдоси 2021 йилдаги **2,5** млрд доллардан **3** млрд долларгача кўпайди ва **ички валюта бозорида қўшимча таклиф омили** бўлиб хизмат қилмоқда.

**Жисмоний шахслардан харид қилинган чет эл валютасида**

1 000 долларгача бўлган транзакцияларнинг жами умумий транзакциялардаги улуши 2021 йилдаги 48 фоиздан **56** фоизгача ошган бўлса, 1 000 доллардан юқори бўлган транзакцияларнинг улушида эса 52 фоиздан **44** фоизгача пасайиш кузатилди.


Шунингдек, жисмоний шахсларга **сотилган чет эл валютасида** 1 000 долларгача бўлган транзакцияларнинг жами транзакциялар ҳажмидаги улуши **25** фоизни ҳамда 1 000 доллардан юқори бўлган транзакциялар ҳажми жами транзакциялар ҳажмининг **75** фоизини ташкил этди.

2022 йилда худудлар кесимида жисмоний шахслардан **харид қилинган чет эл валютасининг** ҳажми юқори даражада ошиши Фарғона (4,3 баробарга), Андижон (1,9 баробарга), Бухоро ва Сурхондарё (1,8 баробарга) вилоятларида кузатилди.

Ҳисобот йилида жисмоний шахсларга **сотилган чет эл валютасининг** ҳажми юқори даражада ошиши Фарғона (2,2 баробарга), Тошкент шаҳри ва Самарқанд (2,1 баробарга), Андижон (1,9 баробарга) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

3.2.2.2-чизма

**2021-2022 йилларда жисмоний шахслардан харид қилинган чет эл валюталарининг миқдорий таркиби, млрд доллар**



2022 йилда жами валюта айирбошлаш операцияларидаги долларнинг улуши ўзгаришсиз **99** фоизда қолган бўлсада, тижорат банклари томонидан Россия рублининг харид ва сотув ҳажмининг улушлари мос равишда 0,7 ва 0,6 фоизни ташкил этди.


2022 йилда аҳоли гавжум жойларда, туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар, савдо мажмуалари ва бозорларда **“24/7” режимида** ишловчи **автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари** сони 2021 йилга нисбатан **31** фоизга кўпайиб, **2,1** мингтага етди.

Ҳисобот йилида мазкур банкоматлар орқали валюта айирбошлаш операциялар айланмаси (*чет эл валютаси хариди ва сотуви*) миқдори 2021 йилга нисбатан **17** фоизга кўпайиб, **476** млн долларни ташкил этди.

2022 йилда “24/7” **режимда** ишловчи **автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари** орқали жисмоний шахслардан сотиб олинган нақд чет эл валютаси **238** млн долларни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **27** фоизга камайган бўлса, жисмоний шахсларга 100 долларгача бўлган миқдорда сотув амалиёти орқали жами **238** млн доллар ёки 2021 йилга нисбатан **2,8 баробар** кўп валюта маблағлари сотилди.

3.2.2.3-чизма

**2022 йилда автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматларининг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн доллар**



**Жисмоний шахсларнинг халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари.** 2022 йилда асосий савдо ҳамкор давлатларда кузатилган иқтисодий нобарқарорлик, валюта курсларининг тебранувчанлиги ҳамда қўшни давлатларда валюта билан боғлиқ чекловларнинг киритилиши шароитида пул ўтказмалари орқали келган пул маблағларини аҳоли томонидан банклардан чет эл валютасида узлуксиз олишларини таъминлаб берилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, аҳолини пул ўтказмалари орқали келган хорижий валютадаги нақд пулларини банклардан узлуксиз олишларини таъминлаб бериш мақсадида АҚШнинг Нью-Йорк федерал захира банки билан нақд долларни етказиб берилиши бўйича келишувга эришилди.

2022 йил якуни бўйича халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари


айланмаси (чет элдан келиб тушган ва юборилган) ҳажми 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга** кўпайиб, **19,1** млрд долларни ташкил этди.

Ҳисобот йилида жами келиб тушган халқаро трансчегаравий пул ўтказмаларнинг **34** фоизи жисмоний шахсларнинг банк карталарига тўғридан-тўғри (P2P орқали)<sup>10</sup> келиб тушган пул ўтказмалари ҳиссасига тўғри келди.

Бунда, халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари орқали республикага жами **17** млрд доллар миқдоридан ёки 2021 йилга нисбатан **2,1 баробарга** кўп хорижий валюта маблағлари келиб тушди.

3.2.2.4-чизма

### Халқаро трансчегаравий пул ўтказмалар орқали келиб тушган ва хорижга жўнатилган маблағлар динамикаси, млн доллар



2022 йилда келиб тушган халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг 60 фоизи 4 та ҳудуд, Тошкент шаҳри (*22 фоиз*), Фарғона (*16 фоиз*), Самарқанд ва Андижон (*11 фоиз*) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилда жисмоний шахсларнинг расмий пул ўтказмалари тизимидан фойдаланиш ва экспорт тушумларининг бир қисми пул ўтказмалари орқали юбориш ҳолатлари ортиши ҳамда қўшни давлатларда пул ўтказмаларини долларда беришга қўйилган чекловлар натижасида республикага келиб тушган халқаро пул ўтказмаларининг таркибида давлатлар бўйича ўзгаришлар кузатилди.

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар томонидан хорижий давлатларга юборилган пул ўтказмалари ҳажми **2,1** млрд доллар миқдоридан шаклланиб, 2021 йилга нисбатан **29** фоизга ўсди.

2022 йилда жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларига сотилган хорижий валюта ҳажми **11,9** млрд долларга (*2021 йилда 7,1 млрд доллар*) етиб,

<sup>10</sup> P2P ўтказмалари – чет элдан жисмоний шахсларнинг миллий ва чет эл валютасидаги карталарига кириб келган халқаро онлайн трансчегаравий пул ўтказмалари.

халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта ҳажмига нисбати 70 фоизни ташкил этди.

### 3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият

2022 йил давомида Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш, ҳисобини юритиш, сақлаш ҳамда захира активларини ўз ичига олган ташқи сектор статистикасини шакллантириш ва эълон қилиш амалиётларини олиб борди.

*Халқаро стандартларга асосан халқаро захиралар монетар олтин, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қозғозлар, ХВЖнинг маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар ва захира позицияси, ҳосила молиявий инструментлар ҳамда бошқа активларни ўз ичига олади.*

*Халқаро захиралар таркибига киритилиши учун юқорида келтирилган активлар бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, активлар норезидентларга бўлган талабни ўзида акс эттирувчи ташқи активлар кўринишида бўлиши, ликвидлиги юқори бўлиши, халқаро тўловларда эркин фойдаланиладиган хорижий валютада бўлиши, пул-кредит органларининг эркин тасарруфи ва назоратида бўлиши талаб этилади. Юқоридаги талабларга жавоб бермаган активлар халқаро захиралар таркибида ҳисобга олинмайди.*

Ўзбекистон Республикасида халқаро захиралар шаклланишининг асосий манбаларидан бири бўлиб, Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинган монетар олтин ҳисобланади.

2017 йилдан бошлаб валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши ва пул-кредит сиёсатининг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини инобатга олиб, халқаро захираларни бошқаришда “нейтраллик” тамойили қўлланилмоқда.

Унга кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналардан қимматбаҳо металлларни сотиб олиш натижасида муомалага чиқарилган қўшимча пул маблағларини стерилизация қилиш учун сотиб олинган олтин эквивалентидаги валюта маблағлари Марказий банк томонидан ички валюта бозорига йўналтирилади.

Халқаро захиралар ҳажмини мақбул даражада сақлаш мамлакат миллий валютаси, молия тизими барқарорлигини таъминлаш, хорижий инвесторлар ишончини ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, халқаро захиралар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли даражада шакллантириб борилмоқда.



Халқаро захиралар ҳажми ва уларни бошқариш бўйича шаффофликни таъминлаш учун Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ҳамда ХВЖнинг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”да Ўзбекистоннинг халқаро захиралари тўғрисидаги ойлик маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида халқаро захираларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, бошқарув тизими самарадорлиги ва кадрлар малакасини ошириш мақсадида Марказий банк Жаҳон банкининг **Халқаро захиралар бўйича маслаҳат ва бошқариш** (*Reserve Advisory and Management Partnership*) дастури доирасида ҳамкорликни давом эттирди.


Хусусан, 2022 йил давомида Жаҳон банки мутахассислари томонидан ташкиллаштирилган молиявий ҳисоб, бухгалтерия, аудит ва бошқа халқаро захираларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган махсус семинарларда Марказий банк ходимлари иштирок этиб (23 та масофавий, 3 та анъанавий), жами **26 та** малака сертификатига эга бўлдилар.

### 3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари ҳажми 2023 йил 1 январь ҳолатига **35,8** млрд долларни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **628,3** млн долларга ошди.

3.3.1.1-чизма

#### Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркиби ўзгариши, фоизда



Халқаро захиралар ҳажми 2017 йил билан солиштирилганда **9,3** млрд долларга ёки **35,3** фоизга ошган бўлиб, бу ҳолат 2017-2022 йиллар




мобайнида халқаро захиралар таркибидаги монетар олтин ҳажмининг 67 тоннага ортганлиги ҳамда олтин нархининг 2017 йил бошидаги 1 159,1 доллардан 2022 йил якунига **1 812,4 долларгача** кўтарилиши билан изоҳланади. Бунда, халқаро захиралар ҳажмига олтин нархи ўзгаришининг таъсири 6,9 млрд долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро захираларининг таркибида **монетар олтиннинг** улуши 2017 йилга нисбатан 46 фоиздан 2023 йил 1 январь ҳолатига **64** фоизгача ошди ва **валюта маблағлари** улуши 53 фоиздан **36** фоизгача пасайди.

Глобал иқтисодий инқирозлар, юқори инфляцион босим ва геосиёсий нобарқарорлик шароитида инвесторлар томонидан олтинга хавфсиз актив ва инфляциядан хеджирлаш воситаси сифатида қаралиб, олтинга бўлган талаб ва олтин нархининг ошиши кузатилди.

3.3.1.2-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари 2015-2022 йиллардаги динамикаси



Хусусан, 2022 йил давомида олтин нархида юқори тебранувчанлик кузатилиб, нархнинг юқори кўрсаткичи (*2 050 доллар*) билан қуйи кўрсаткичи (*1 630 доллар*) орасидаги фарқ **20** фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан **66,3** трлн сўмлик (*103,7 тонна*) монетар олтин сотиб олинди ва 70 тонна олтин экспорт қилинди. Олтин сотувидан келган валюта тушуми (*4,1 млрд доллар*) ички валюта бозорига йўналтирилди.

**Валюта активларини бошқариш амалиёти.** Халқаро захиралар таркибидаги валюта активларининг бир мамлакат ёки бир ҳамкор-банк ҳиссасига тўғри келадиган **концентрация риси** даражасини камайтириш


мақсадида, охириги 5 йилда ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган мамлакатлар ва ҳамкор-банклар сони 5 баробарга ортиб, 2022 йилда уларнинг сони мос равишда 16 та ва 38 тага етказилди.

Халқаро захираларни бошқаришда ҳамкор-банкларнинг халқаро мақоми ва молиявий ҳолати муҳим аҳамият касб этиб, валюта активлари юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатларда фаолият юритадиган ва халқаро миқёсда инвестицион рейтингга эга банкларга муддатли депозитларга жойлаштирилди.

Жумладан, валюта маблағларининг 26 фоизи “AAA”, 31 фоизи “AA” ва 34,7 фоизи “A” суверен кредит рейтингига эга мамлакатлар ҳамда қолган 8,3 фоизи эса ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқи (СДР) ҳиссасига тўғри келади.


3.3.1.3-чизма

Чет эл валютасидаги активларнинг мамлакатлар суверен кредит рейтингига бўйича улуши



3.3.1.4-чизма

Чет эл валютасидаги активларнинг ҳамкор-банклар кредит рейтингига бўйича улуши




Валюта маблағларининг 3,3 фоизи “AAA”, 22 фоизи “AA” ва 66,4 фоизи “A” инвестицион рейтингга эга хорижий ҳамкор-банкларга жойлаштирилган. Бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, активларнинг мамлакатлар ва банклар кесимидаги улушлари ўзгартириб борилиши таъминланмоқда.

Халқаро захиралардаги валюталар таркиби мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, валюта ва пул бозоридаги ҳолатлар, валюталарнинг ўз қийматини сақлаши ва даромадлилиги каби хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириш бўйича доимий равишда чоралар кўриб борилмоқда.

3.3.1.5-чизма

Валюта активлари бўйича фоизли даромад динамикаси



2022 йилда валюта активларини хорижий ҳамкор-банкларга муддатли депозитларга жойлаштиришдан жами **184** млн доллар миқдоридида фоизли даромад олинди, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 38 млн долларни ташкил қилган. 2022 йилда фоизли даромаднинг ошиши халқаро пул бозорида фоиз ставкаларининг кўтарилиши билан изоҳланади.


3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Халқаро захираларнинг етарлилигини баҳолаш амалиётида кенг қўлланиладиган ва фойдаланувчилар томонидан осон тушуниладиган **Захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси, Импортни қоплаш даражаси, Кенг маънодаги пул массасига нисбати** ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **Захиралар етарлилиги (ARA EM – Assessing Reserves Adequacy for Emerging Markets)** каби кўрсаткичлар 2022 йилда ҳам юқори даражаларда сақланиб қолди.

Халқаро амалиётда бу кўрсаткичлар бўйича халқаро захираларга қўйиладиган минимал талаблар захираларнинг қисқа муддатли қарзларни тўлиқ (*100 фоизга*) қоплай олиши, **камида уч ойлик импортни қоплаши**, кенг маънодаги пул массасига нисбатан камида **20** фоизни ташкил қилиши ҳамда захиралар ARA EM кўрсаткичининг **100-150** фоизи миқдорларида бўлиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда **Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари мазкур минимал талабларга тўлиқ жавоб беради** ҳамда мамлакатимиз бу борада МДҲ ва бошқа Осиё давлатлари орасида нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

3.3.2.1-чизма


Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати, *фоизда*

Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Жумладан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2023 йил 1 январь ҳолатига **212** фоизни ташкил қилиб, 20 фоизлик минимал талабдан 10 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг 2022 йил якуни бўйича шаклланган халқаро захиралари **14 ойлик импортни** қоплашга етади. Бу эса, минимал талаб этиладиган кўрсаткичдан қарийб **5 баробарга** юқоридир.

3.3.2.2-чизма


Халқаро захираларнинг импортни қоплаш даражаси, *ой ҳисобида*

Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг 2023 йил давомида сўндирилиши кутилаётган қисқа муддатли ташқи қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан қарийб **5,1 баробар** юқори даражада шаклланган. ХВЖнинг АРА ЕМ кўрсаткичи бўйича захиралар етарлилигига қўйиладиган минимал талабдан **3,6 баробарга** кўпроқдир.

3.3.2.3-чизма

**Халқаро захираларнинг қисқа муддатли ташқи қарзни қоплаши  
ва АРА ЕМ кўрсаткичи**




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори даражада шаклланган бўлиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **44,5** фоизни ташкил этди.

3.3.2.4-чизма

**Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши**



Манба: ХВЖ ва хорижий мамлакатлар Марказий банклари маълумотлари

Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар сингари инвесторлар ва бошқа фойдаланувчилар учун ижобий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Жаҳон бозорида олтин нархининг 2023 йилдаги кутилмалари.** Таҳлилларга кўра, олтин нархи динамикаси 2023 йилда глобал иқтисодий

ривожланишнинг **базавий, муқобил-оптимистик** ва **муқобил-хатарли** сценарийлари асосида шаклланиши кутилмоқда.

**Базавий сценарийда** жаҳон иқтисодиётида енгил рецессия кузатилиб, Марказий банклар томонидан фоиз ставкалар нисбатан пастроқ суръатларда оширилади ва геосиёсий зиддият сақланиб қолади.

Шунингдек, ХВЖ Европа ва АҚШда бир вақтнинг ўзида ишбилармонлик фаоллиги пасайиши кузатилаётганлиги сабабли, 2023 йилда жаҳон иқтисодиётининг учдан бир қисми рецессияга дуч келиши эҳтимолини таъкидламоқда.

Хусусан, АҚШ Федерал захира тизими сўнгги йиғилишида (2023 йил 31 январь – 1 февраль) инфляцион босимни жиловлаш учун олиб бораётган қатъий пул-кредит сиёсатини иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида асосий фоиз ставкани ошириш даражасини 0,50 фоиз банддан 0,25 фоиз бандга пасайтирди (*жорий ставка 4,5-4,75 фоиз*).

Бунда, 2023 йил давомида инфляция даражасидан келиб чиқиб, фоиз ставкани 5,5 фоизгача нисбатан пастроқ суръатларда (*бозор иштирокчилари кутилмаларига кўра 0,25 фоиз банддан 3 маротаба*) кўтарилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Шунингдек, АҚШ Федерал захира тизими томонидан 2023 йил учун мамлакат иқтисодиётининг ўсиши бўйича прогнози 1,2 фоиздан 0,5 фоизгача пасайтирилиб, ишсизлик даражаси бўйича кутилмалар 4,4 фоиздан 4,6 фоизгача (*2023 йил февраль ойидаги ишсизлик даражаси – 3,4 фоиз*) оширилди.

Мазкур сценарийда, 2023 йилда бир вақтнинг ўзида олтинга инфляциядан хеджирлаш инструменти сифатидаги талабнинг сақланиб қолиши ҳамда долларнинг даромадлилиги ошиб бораётганлиги натижасида, олтин нархи 1 800-1 900 доллар оралиғида тебраниши экспертлар томонидан тахмин қилинмоқда.

**Муқобил-хатарли сценарийда** жаҳон иқтисодиётида чуқур рецессия кузатилади, шунингдек, юқори инфляцион босим сақланиб, ишсизлик даражаси ортади.

Ушбу сценарийда, АҚШ Федерал захира тизими томонидан пул-кредит сиёсатини жадал суръатларда қатъийлаштиришни давом эттирилиши ва фоиз ставкани 5,5 фоиз ёки ундан юқорироқ даражагача ошириши натижасида (*0,5 фоиз банддан камида 2 маротаба*) олтинга инфляцияга қарши хеджирлаш инструменти ҳамда хавфсиз актив сифатида бўлган талаб янада

ортиб, олтин нархи 2023 йилда 1 900 доллардан юқори даражаларда тебраниши кутилмоқда.

**Муқобил-оптимистик сценарий** жаҳонда инфляция босимнинг пасайиши ва ижобий иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Бунда, геосиёсий вазиятнинг барқарорлашуви ҳамда халқаро таъминот занжиридаги узилишлар босқичма-босқич бартараф этилиши ортидан жаҳон бозорида истеъмол товарлари ва энергия ресурслари нархлари пасайиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатларда инфляция даражасининг пасайиши ҳамда ишсизлик кўрсаткичларининг пастроқ даражада шаклланиши, дунёнинг етакчи Марказий банкларини пул-кредит сиёсатини базавий сценарийга нисбатан сустроқ даражада қатъийлаштиришга ундайди.

Бунда, инвесторлар томонидан капитални хавфсиз актив ҳисобланган олтин бозоридан фонд бозорига ва иқтисодиётнинг реал тармоқларига йўналтирилиши натижасида 2023 йилда олтин нархининг 1 600 долларгача пасайиш эҳтимоли мавжуд.

### **3.4. Пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати**

Марказий банк томонидан нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляция даражасини таргет кўрсаткичига етказиш бўйича тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишда кўрилаётган чораларнинг пул-кредит сиёсати коммуникацияси орқали бозор иштирокчиларига тўлиқ етказиш бир томондан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион ва бизнесни кенгайтириш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишига иккинчи томондан, инфляция бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга тезроқ эришишга имкон беради.

2022 йилда коммуникация сиёсатининг самарадорлигини ошириб бориш мақсадида ахборот оқимларини мувофиқлаштириш, ташқи аудитория билан яқин ҳамкорлик қилиш, ўрнатилган алоқа тизими орқали ахборот алмашиш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланишга эътибор қаратилди.

Хусусан, глобал инфляция жараёнларнинг тезлашиши ва асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодиётида кузатилган нобарқарорлик шароитида мамлакатда пул-кредит шароитларини ўзгартиришни тақозо этди.

Ушбу ҳолат бўйича тўғри ва ишончли ахборотларни ўз муддатида етказилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий кутилмаларини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилди.




Шу билан бирга, пул-кредит сиёсати ва банклар барқарорлигини таъминлаш йўналишидаги фаолият мақсади, натижалари, кутилмалари, умуман олганда, макроиқтисодий вазият ҳақидаги ахборотларни тезкор ва тўлиқ ёритилиши Марказий банкнинг ахборот сиёсатига бўлган ишонч ва тушуниш даражасини ошишига замин бўлмоқда.

Жамоатчиликнинг пул-кредит сиёсатидан хабардорлигини ошириш, инфляцион кутилмаларга таъсир кўрсатиш, банк тизимидаги ўзгаришлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур ахборот ва маълумотлар кўлами ҳамда мулоқот каналлари кенгайтириб борилмоқда.

Ахборотларни очиклашда Марказий банкнинг расмий веб-сайти – [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) асосий канал бўлиб қолмоқда. “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter”, “LinkedIn”, “Youtube” ҳамда “Odnoklassniki” каби ижтимоий тармоқларда очилган махсус саҳифалар ахборотларни содда ва кўргазмали воситаларда етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

3.4.1-чизма

#### Расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги обуначилар сонининг ўзгариши



Хусусан, Марказий банк сайтига 2022 йилда Ўзбекистон худудидан ташриф буюрувчилар сони – **1,5** млн, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчилар сони эса қарийб – **973** минг нафардан ортиқни ташкил қилди.

Ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар обуначилари сони эса 2021 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** кўпайди.

Бунда, Марказий банкнинг пул-кредит ва банк тизими барқарорлиги соҳасидаги қарорлари Reuters, Bloomberg, ТАСС, Interfax, Xinhua каби йирик ахборот агентликлари, [uz.sputniknews.ru](http://uz.sputniknews.ru), [uz.kursiv.media](http://uz.kursiv.media), [trend.az](http://trend.az) сингари минтақавий медиаканаллар орқали тарқатилиши салмоқли ўрин тутмоқда.

Расмий сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда даврийлик асосида кунлик, ойлик, чорақлик ва йиллик ахборотлар ҳамда шарҳлар берилиши тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Марказий банк фаолиятининг шаффофлиги ва коммуникация самарадорлигини таъминлаш борасидаги таҳлиллар банк тизимига оид қатор статистик маълумотларни зарур ахборот ва тушунтиришлар асосида тақдим этишни тақозо этиши муносабати билан статистик маълумотларни, зарур ахборотларни визуал кўринишда аҳолига етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу эса кенг жамоатчиликнинг молиявий барқарорлик борасидаги тушунчаларини шакллантириш ва ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳисобот йилида 28 мартаба онлайн брифинг, матбуот анжумани ва семинар-тренинглари ташкил этилиб, маълумотларни реал вақт режимида тарқатилиши таъминланди.

2022 йил давомида Марказий банкнинг расмий веб-сайтига 430 та хабар, 14 та пресс-релиз, 71 та шарҳ, 3 та маъруза ва нутқ, Марказий банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига доир 150 дан зиёд статистик ва бошқа маълумотлар, 200 дан ортиқ инфографикалар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, расмий веб-сайтда банк тизими фаолиятига оид 26 та қонун, Президентнинг 34 та қарор ва фармонлари ва 30 та бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, банк тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўйича тегишли маълумотлар ва тушунтиришлар базаси шакллантирилди.

Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари 30 дан ортиқ кўрсатув, семинар, конференция ва давра суҳбатларида иштирок этиб, улар томонидан пул-кредит ва валюта соҳаси ҳамда банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳот ва трансформациявий ўзгаришлар ҳақида жамоатчиликка батафсил ва тушунарли маълумотлар тақдим қилди.

Оммавий ахборот воситаларининг банк-молия мавзусини ёритадиган вакиллари учун ҳар чорақда семинар-тренинг ўтказиш амалиётининг йўлга қўйилгани яхши самара бериб, уларда 40 га яқин журналист ва блогернинг малакаси оширилди. Шунингдек, **“Молиявий хизматлар кўрсатишда замонавий янги тизим – афзалликлар ва имкониятлар”** мавзусида янги форматдаги даврий медиа-мулоқот ташкил этилди.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ҳамда банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар борасидаги ахборотларни таҳлил қилиш, қайта

ишлаш ҳамда ёритиш кўникмаларини яхшилаш мақсадида ОАВ вакилларига доимий равишда семинар-тренинглار ташкил этилиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банкда пул-кредит сиёсати бўйича коммуникация сиёсатини такомиллаштириш мақсадида ХВЖнинг техник кўмаги жалб этилди.

Техник кўмак дастури доирасида ХВЖ экспертлари билан биргаликда Марказий банкнинг коммуникация сиёсати инструментлари таҳлил қилиниб, истиқболдаги йўналишлар белгилаб олинди. Хусусан,

– пул-кредит сиёсати коммуникацион инструментлари сонини ошириш ва сифатини яхшилаш;

– маълумотларни етказиш каналларини кенгайтириш, маълумотлар оқимининг доимийлигини таъминлаш;

– пул-кредит сиёсати коммуникацияси самарадорлигини оширишда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;

– коммуникация сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва уни таҳлил қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш чоралари кўрилади.

## IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОФАЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК

2022 йилда тўлов хизматлари бозорида хизматлар тури ва кўламини ошириш, мавжуд тўлов инфратузилмасини аҳолининг ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини сифатли ва тўлақонли таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб янада кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Тўлов тизимлари билан боғлиқ киберхавфсизлик хатарларини аниқлаш, олдини олиш ҳамда кибертаҳдидлар ва молиявий фирибгарликка қарши таъсирчан чоралар кўриб борилди.

Шунингдек, тижорат банклари бўлинмаларини оптималлаштириш ҳамда ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш орқали миждозларга исталган банк бўлинмалари орқали сифатли банк хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида **6 та банк** ягона банк коди (МФО) технологияси асосида фаолият юритишни бошлади.


### 4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти

Ҳисобот йилида Марказий банк инфратузилмасидаги барча тўлов тизимларининг барқарор ва узилишларсиз ишлаши бўйича ишлар тизимли равишда амалга ошириб борилди.

Хусусан, 2022 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошиб, 4 129,2 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, тизим орқали бир кунлик ўртача транзакциялар ҳажми 2021 йилдаги 11,1 трлн сўмдан **16,6** трлн сўмгача етди.

4.1.1-чизма

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган  
транзакциялар ҳажми, трлн сўм



Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмининг ўсиши иқтисодий ётти молиялаштириш кўлами, инвестицион фаоллик, молиявий хизматлар тури ва инфратузилмасининг яхшиланиши ҳамда ташқи савдо айланмасининг ортиб бориши билан изоҳланади.


Жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини реал вақт режимида ўтказишга ихтисослашган **Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими** фаолиятини узлуксизлиги таъминланди.

Хусусан, мазкур тизим орқали товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар рўйхатини кенгайтириш, мижозлар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий этишга эътибор қаратилди.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи идора ва ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони 2021 йилдаги 41 тадан 46 тага етди.

4.1.2-чизма

#### Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



Жумладан, ҳисобот йилида қатор вазирлик, идоралар ва олий таълим муассасалари ҳамда божхона қўмитасининг давлат чегарасидан ўтиш пунктларидаги хизматлари учун тўловларни тизим орқали амалга ошириш имконияти фойдаланувчилар учун яратилди.

2022 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми **58,7** трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **1,6** баробарга ошди.

Ҳисобот йилида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун “24/7” режимида онлайн амалга ошириш имконини берувчи **Марказий банк Тезкор тўловлар тизимининг** барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланди.


2022 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошиб, мос равишда 17,6 млн тани ва 446,4 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, Молия вазирлиги Ғазначилигига ўтказилган бюджет тўловлари ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,8 баробарга** ўсган ҳолда, 21,6 трлн сўмга етди.

Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар кўламининг ортиб бориши натижасида, хўжалик юритувчи субъектлар жами тўлов топшириқномаларининг **90** фоиздан ортиғи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб амалга оширилган.

Бу эса, республикада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан кенг кўламда фойдаланишлари билан изоҳланади.

4.1.3-чизма

#### Марказий банк Тезкор тўловлар тизимида амалга оширилган транзакциялар



Тезкор тўлов тизими орқали тадбиркорлик субъектлари куннинг исталган вақтида (*дам олиш кунлари ҳам*) товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш имкониятидан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда. Ушбу тизим орқали **кечки/тунги вақтда** амалга оширилган транзакциялар улуши 2021 йилдаги 14 фоиздан 17 фоизга ўсди.

#### 4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши


2022 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида, асосий эътибор, банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ишларига қаратилди.

Аҳоли томонидан банк карталари қулай тўлов воситаси сифатида баҳоланиши, масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2022 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони 34,2 млн донага етиб, 2021 йилга нисбатан 26 фоизга ўсди.

Аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи **кобейджинг** банк карталари сони 2021 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошиб, 1 737 минг донага етди.

4.2.1-чизма


Банк карталари сони, минг дона



2022 йилда **434** мингта тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,6 баробарга** ошиб, **177,7** трлн сўмни ташкил этди.


4.2.2-чизма

Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони, минг дона



4.2.3-чизма

Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган транзакциялар, трлн сўм






HUMO чакана тўловлар тизимининг функционали, инфратузилмасини ривожлантириш ва оммабоплигини ошириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида, 2022 йилда жами терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO терминалларидадан ўтказилган тўловлар улуши 2021 йилдаги **26** фоиздан **36** фоизгача ошди.

Давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорликда чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини ҳисоб-китоб терминаллари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда.


4.2.4-чизма

Банкомат ва инфокиосклар сони,  
донада



4.2.5-чизма

Банкоматлар орқали амалга  
оширилган транзакциялар,  
трлн сўм



Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм ҳамда бошқа объектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони ҳисобот йилида қарийб **1,6 баробарга** ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **20,3** мингдан ортиқни ташкил этди.

Ҳисобот йилида жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO банкоматларидан ўтказилган амалиётлар улуши 2021 йилдаги 35 фоиздан **49** фоизгача ошиши кузатилди.

### 4.3. Тўлов хизматлари бозорида молиявий технологиялар ва инновациялар

Марказий банк томонидан миллий тўлов тизимини ривожлантириш ва молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўналишидаги ишлар доирасида банк хизматларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳисобот даврида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларидан фойдаланувчилар сони **1,5 баробарга** ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **30** млн тага етди. Бунда, фойдаланувчиларнинг **1,2** млн тасини **тадбиркорлик субъектлари** ташкил этган бўлса, **жисмоний шахслар** сони эса 28,8 млн тага тенг бўлди.


Банкларнинг мобил илова дастурлари орқали жисмоний шахслар масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширган операциялари ҳажми ҳисобот йилида **145,8** трлн сўмни ташкил этди.

Бунда, мобил илова дастурлари орқали амалга оширилган **онлайн депозитлар** – 21,9 трлн сўм, **онлайн конверсия амалиётлари** – 20,9 трлн сўм, **онлайн микроқарзлар** – 5,6 трлн сўм, **кредитларни сўндириш ҳажми** – 8,2 трлн сўмни ва бошқа тўловларни ташкил этди.

Марказий банк томонидан барча тижорат банклари билан бирга тўлов тизимлари инфратузилмасида контактсиз тўловларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш учун, биринчи навбатда, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларини QR-код ва NFC технологиялари асосида тўловларни амалга ошириш имконини берувчи тўлов воситалари билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4.3.1-чизма

**QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони ва ҳажми**



Банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун мобил иловалар ёрдамида QR-код орқали тезкор тўловларни амалга ошириш мақсадида ишга туширилган “QR-online” тизими оммалашиб бормоқда.

2022 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони 2021 йилга нисбатан

8 мингтага ортиб, 99 минг донага етган ҳолда, транзакциялар суммаси қарийб **13 баробарга** ортиб, 191,6 млрд сўмга етди.

Шу билан бирга, контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “НУМО РАУ” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар учун тўловларни амалга ошириш хизмати **21** та тижорат банкнинг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган **Tap-to-phone** тизими (*тўлов терминали каби тўлов қабул қилиш имконини беради*) хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **2,3** мингдан ортди.

2022 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2021 йилга нисбатан **2,1 баробарга** ошган ҳолда, **25,5** трлн сўмни ташкил этди.

Рақамли технологияларни кенг қўллаган ҳолда банк ва тўлов хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган масофавий биометрик идентификация қилиш тизими (**Face ID**) тобора оммалашиб бормоқда.

Бугунги кунда миждозлар нафақат тўловларни онлайн режимида банкка бормасдан туриб амалга ошириш, балки банк ҳисобварақларини ҳам масофадан идентификация қилиш орқали очиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса, миждозларга банк ва тўлов хизматларидан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширмоқда.

2022 йилда ушбу технологиядан фойдаланадиган тижорат банклари сони 11 тадан **26** тагача, тўлов ташкилотлари сони эса 4 тадан **13** тагача етди.

Бунда, банклар ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали рақамли идентификациядан ўтган миждозлар сони **2,6** млн тани ташкил этди.

Шу ўринда, мамлакатимиздаги рақамли идентификация (Face ID) хизмати Жаҳон банкининг халқаро экспертлари томонидан Марказий Осиё минтақасида жорий этилган самарали ва муваффақиятли молиявий хизматлардан бири сифатида тан олинаётганлигини қайд этиш лозим.

Хусусан, 2023 йил 26 январь куни Россиянинг Москва шаҳрида “Global CIO” Рақамли трансформация етакчилари уюшмаси томонидан ташкил этилган конкурса МДХ давлатларидан тақдим этилган жами 434 та лойиҳа орасида мамлакатимиз банк тизимида жорий этилган “**Биометрик идентификация**” лойиҳаси “йил лойиҳаси” танловининг ғолиби сифатида эътироф этилди.


#### 4.4. Тўлов хизматлари бозорида финтех компанияларнинг ривожланиши

Ҳисобот йилида тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан тўлов ташкилотларига ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилиши давом эттирилди ва тўлов ташкилотлари сони **47** тага етди.

Бу эса, тўлов хизматларини кўрсатадиган нафақат тижорат банклари, балки тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланишга бўлган талаб ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

4.4.1-чизма


##### Тўлов ташкилотлари томонидан 2021-2022 йилларда амалга оширилган транзакциялар ҳажми, млрд сўм



2022 йилда тўлов ташкилотлари томонидан амалга оширилган транзакциялар сони 2021 йилга нисбатан **2,1 баробарга** ортиб, 116 трлн сўмни ташкил қилди.

4.4.2-чизма

##### Тўлов ташкилотлари томонидан ўтказилган тўловлар мақсадлари бўйича таркиби




Ҳисобот йилида жисмоний шахслар томонидан тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда **мобил операторлар хизматлари учун** – 10,5 трлн сўм, **коммунал хизматлар учун** – 8,9 трлн сўм, **давлат хизматлари учун** – 6,1 трлн сўм, **кредит тўловлари учун** – 3,6 трлн сўм маблағ ўтказилган.

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратилишига хизмат қилмоқда.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг электрон пуллар тизимлари реестрига **15** та электрон пуллар тизимлари киритилган бўлиб, мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони ҳисобот йилида 5 млн тадан 8,4 млн тагача ошди.

4.4.3-чизма

#### 2021-2022 йилларда электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар



Шунингдек, ҳисобот йилида электрон пуллар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2021 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошиб 11,6 млн тани, транзакциялар ҳажми эса 1,6 баробарга ўсиб 273,2 млрд сўмни ташкил этди.

Электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 92 фоизи тадбиркорлик субъектларига товар (хизмат, ишлар) учун тўловни амалга ошириш учун ҳамда 8 фоизи жисмоний шахсларга маблағ ўтказишга йўналтирилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 28 фоизи мобил оператор хизматлари, 10 фоизи коммунал хизматлар, 10 фоизи видео ўйинлар ва ижтимоий тармоқлардаги тўловлар, 9 фоизи хорижий электрон

хамёнларни тўлдириш, 5 фоизи харидлар учун тўловлар ва 38 фоизи бошқа хизматлар учун ўтказилган тўловларни ташкил этади.

#### 4.5. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш

Ҳисобот йилида илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида тўлов тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Банк тизимида киберхавфсизлик инцидентларини олдини олишга қаратилган тезкор огоҳлантириш ([cert.cbu.uz](http://cert.cbu.uz)) ахборот тизими жорий қилинди.

Тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳолати ҳамда узлуксиз ишлашини доимий тарзда назорат қилиш мақсадида Марказий банк “CERT-CBU” киберхавфсизлик марказида содир бўлиши мумкин бўлган кибертаҳдидлардан огоҳлантириш ва уларга қарши тезкор чоралар кўриш имконини берувчи мониторинг тизими жорий қилинди.

Ҳисобот йилида тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини баҳолаш бўйича рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

2022 йилда республикада фаолият олиб бораётган 31 та тижорат банклари ва 29 та тўлов ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати бўйича ўрганиш ишлари ўтказилди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Марказий банкка тўлов тизимлари билан боғлиқ киберхавфсизлик хатарларини аниқлаш, олдини олиш ҳамда кибертаҳдидлар ва молиявий фирибгарликка қарши таъсирчан чоралар кўрилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, компьютер хужумларини бартараф этиш ва текширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ваколатларини берувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Халқаро тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотлар ўртасида киберхавфсизлик йўналишида ҳамкорлик қилиш борасида **MasterCard Europe** компанияси билан **англашув меморандуми** имзоланди.

Ҳисобот йилида Марказий банк “CERT-CBU” Киберхавфсизлик маркази ходимларининг соҳага оид халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тегишли ўқув курсларида билим ва малакалари ошириб борилди.

Шунингдек, Марказий банк ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, банк ва тўлов ташкилотларининг ахборот ва киберхавфсизлик йўналишидаги масъул ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Жумладан, Марказий банкда MasterCard Europe халқаро тўлов ташкилоти билан ҳамкорликда **“Тўлов карталари соҳасида фирибгарликка қарши курашиш ҳамда киберхавфсизлик”** мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Марказий банк томонидан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирокида киберхавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилди.

Юридик ва жисмоний шахсларни молиявий фирибгарликлардан хабардор қилиш ва уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида банк карталаридаги маблағларни фирибгарлардан ҳимоя қилиш ҳамда банкомат ва POS-терминалларда банк карталарини қўллашда хавфсизлик чораларига риоя этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, Марказий банкнинг расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

#### **4.6. Марказий банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва такомиллаштириш**

Ҳисобот йилида Марказий банк фаолиятига замонавий технологияларга асосланган телекоммуникацияларни жорий этишни кенгайтириш, давлат бошқаруви идоралари ва банк тизими ахборот тизимларининг интеграциялашувини кучайтириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SupTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунда,

– банк тизимида самарали ва юқори технологик назорат тизимини (SupTech) ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиб, бажариладиган чора-тадбирлар режалари белгилаб олинди;

– тижорат банклари ва НКТнинг ахборот тизимларидан белгиланган маълумотларни автоматик тарзда қабул қилиш, назорат қилиш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини таъминлаш мақсадида **“Банк тизимининг маълумотлар омборхонаси”** ахборот тизими жорий этилди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) ни узлуксиз ишлашини таъминлаш, сайт дизайни ва тузилмасини такомиллаштириш ҳамда маълумотларни бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтасини (ёки ҳаммасини) визуал (графиклар) кўринишда олиш имкониятлари кенгайтириш ишлари амалга ошириб борилди. Натижада, Марказий банкининг расмий веб-сайтига ташриф буюрувчилар сони 2021 йилдаги 844 мингтадан 1,1 млн тага етди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳамда хорижий инвесторларга банк тизимида оид бўлган маълумотларни тушунарли ва шаффоф тарзда етказиш мақсадида Марказий банк ва банк тизими фаолиятига тегишли бўлган 58 дан ортиқ маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг **“Очиқ маълумотлар портали”**га ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда жойлаштириб борилмоқда.

Марказий банкдаги 15 та ахборот тизимлари ва ресурсларига доир маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг **“Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри”**га ([www.reestr.uz](http://www.reestr.uz)) киритилди.

Марказий банк тизимидаги 7 та ахборот тизими ва ресурслари лойиҳалари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилди.

## V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2022 йилда пул муомаласини ташкил этиш иқтисодий фаоллик, банк хизматлари оммабоплигининг ошиши ҳамда халқаро пул ўтказмаларининг йил давомида сезиларли даражада ошганлиги натижасида нақд пулга бўлган юқори талабнинг вужудга келиши шароитида шаклланди.

Марказий банк томонидан иқтисодиётда шаклланган нақд пулга бўлган талабни ўз вақтида қондириш ва ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида кўшимча нақд пуллар муомалага чиқариб борилди.

Иқтисодиётда нақд пул айланмаси ҳажмининг ошиб бориши фонида нақд пуллар билан ишлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни янги ва замонавий механизмлар асосида бошқариб бориш бўйича тегишли чоралар кўриб борилди.

### 5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар

Ҳисобот йилида нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси динамикаси ўсиб боровчи трендга эга бўлиб, **700,3** трлн сўмни ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошди.

Банк кассаларига нақд пул тушумлари ҳажмининг ЯИМга нисбати 2021 йилдаги **34,3** фоиздан **38,7** фоизгача ошди.

Ўз навбатида, чакана савдо ҳажмининг **12,3** фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг **15,9** фоизга ўсиши банк кассаларига нақд пуллар келиб тушиш ҳажмининг кўпайишига таъсир этувчи омиллардан бўлди.

Банк кассаларига **қабул қилинган нақд пуллар** ҳажми 2021 йилга нисбатан **36,6** фоизга ошиб, **344** трлн сўмга етди.


Ушбу ҳолат банк хизматларидан нақд пул тушумларнинг **1,6 баробарга** (43,3 трлн сўм), савдо ва хизматлар соҳасидан – **1,3 баробарга** (36,1 трлн сўм), солиқлар ва бошқа соҳалардан – **23,7** фоизга (12,1 трлн сўм) ошганлиги билан изоҳланади.

Ҳисобот йилида банк кассаларига тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича таркибида ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан, товарларни сотишдан тушумлар улуши 2021 йилдаги **41** фоиздан **39,1** фоизгача, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар **9** фоиздан **8** фоизгача, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар **21** фоиздан **19** фоизгача пасайиши қайд этилган бўлса, банк хизматлари бўйича тушумларнинг улуши **28** фоиздан **34** фоизгача ошди.

## 5.1.1-чизма

## Нақд пул тушумлари ҳажми (млрд сўмда) ва таркиби динамикаси (фоизда)




Шунингдек, нақд пулларнинг банк орқали айланмаларида аҳоли ва хўжалик субъектларига берилган нақд пуллар ҳажми 2021 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ёки **100,9** трлн сўмга ошиб, **356,4** трлн сўмга етди.

Шундан **54** фоизи банк карталаридан нақд пул ечиш, **18** фоизи банклар томонидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун берилган нақд пуллар ҳамда **7,7** фоизи пенсия, нафақа ва иш ҳақи тўловлари бўйича берилган нақд пуллар ҳажмининг кўпайганлиги ҳисобига шаклланди.

Бу эса, иқтисодиётда иш ҳақи, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорининг оширилиши ҳамда март ойидан бошлаб хориждан тўғридан-тўғри банк карталарига ўтказилган маблағлар ва аҳолининг чет эл валютасини сотиш ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади.

## 5.1.2-чизма

## Нақд пулларнинг тақсимланиши бўйича йўналишлари




Ҳисобот йилида банк карталаридан ечиб олинган нақд пуллар ҳажми **149,5** трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **1,6** баробарга ошди.

Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштириш ҳажмининг сезиларли ошишига банк карталарига маблағлар келиб тушиши ҳажмининг (*54,4 трлн сўмга*) ошганлиги ҳамда банкоматлар тармоғининг кенгайиб бораётганлиги асосий таъсир этувчи омиллардан бўлди.

5.1.3-чизма

### Банк карталаридан нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси, млрд сўм



2022 йилда банкоматлар орқали ечилган нақд пуллар ҳажми 2021 йилга нисбатан 42,5 трлн сўмга кўпайди. Банк карталаридан ечиб олинган нақд пулларда бевосита банкоматлар орқали олинган пуллар улуши 78,4 фоизни ташкил қилди.

Умуман олганда, сўнгги беш йилда банкларга нақд пулларнинг келиб тушиши, банк инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда нақд пуллар билан хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ислохотлар 2022 йилда иқтисодиётда нақд пулга бўлган талабнинг кескин ошиши фонида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олишга хизмат қилди.

## 5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши

Ҳисобот йилида муомаладаги нақд пуллар (*тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар қолдиги ҳисобга олинган ҳолда*) ҳажми **49,3** трлн сўмга етиб, 2021 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошиши қайд этилди.

Мазкур юқори ўсиш иқтисодий фаолликни жадаллашиши, халқаро пул ўтказмалари ҳамда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ошиши натижасида нақд пулга бўлган юқори талабнинг вужудга келганлиги билан изоҳланади.

Ушбу талабларни ўз вақтида қондириб бориш учун Марказий банк томонидан 2022 йилда қўшимча **16,2** трлн сўмлик нақд пуллар муомалага чиқарилди.

5.2.1-чизма

### 2022 йил давомида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмининг ўзгариши



2022 йилда нақд пулдаги ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш, нақд пуллар билан ишлаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида номинал қиймати 200 000 сўм бўлган банкнот ҳамда 1 000 сўмлик танга кўринишидаги янги пул белгилари муомалага чиқарилди.

Бу эса, муомаладаги нақд пуллар умумий сонининг 2022 йил бошига нисбатан 104,9 млн донага ёки 4,8 фоизга камайишига олиб келиб, республикадаги бир кишига тўғри келадиган муомаладаги банкнотларнинг ўртача сони 2021 йилдаги 62 тадан 58 тага қисқарди.


Муомаладаги нақд пуллар таркибида 50 000 сўмлик банкнотларнинг улуши 2021 йилдаги 34,2 фоиздан 27,5 фоизгача, 10 000 сўмлик 14,5 фоиздан 9,4 фоизгача, 5 000 сўмлик 12,7 фоиздан 6,5 фоизгача, 1 000 сўмгача бўлган пуллар улуши эса 1,4 фоиздан 0,9 фоизгача қисқарган бўлса, 20 000 сўмлик банкнотлар улуши 2,1 фоиздан 2,3 фоизгача, 100 000 сўмлик 34,8 фоиздан 41,6 фоизгача ошиши кузатилди.

Муомаладаги нақд пулларнинг қолган 11,5 фоизини 2022 йилда янги муомалага киритилган 200 000 сўмлик банкнотлар ташкил этди.

Янги намунадаги 5 000 сўмлик, 10 000 сўмлик, 50 000 сўмлик ва 100 000 сўмлик банкнотларнинг ушбу номиналлардаги пул белгилари таркибидаги улуши 2021 йилдаги 3 фоиздан 17 фоизгача ошди.

## 5.2.2-чизма

## Муомалага чиқарилган банкнотларнинг номинал қийматлари бўйича улуши



Шу билан бирга, қайтим пуллари сифатида фойдаланишда қулай бўлиши учун қўшимча 24,5 млрд сўм миқдоридан тангалар муомалага чиқарилиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига уларнинг ҳажми **78,5** млрд сўмга етди.

2022 йилнинг декабрь ойида 1 000 сўм номиналдаги янги танганинг муомалага киритилганлиги келгусида тангалар билан ҳисоб-китоблар ҳажмини янада ошишини таъминлайди.

Пул муомаласидаги ижобий ўзгаришларга, ўз навбатида, нақдсиз ҳисоб-китоблар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чоралар, айниқса мобил тўлов тизимлари орқали тўловлар оммабоплигининг кенгайиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

### 5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар


Ҳисобот йилида жисмоний шахсларнинг банк карталари орқали операциялар ҳажми 1 103,4 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 506,5 трлн сўмга ёки 1,8 баробарга ошди. Бунда, банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 553,6 трлн сўмни, банк карталаридан амалга оширилган тўловлар миқдори 549,8 трлн сўмни ташкил этди.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда жисмоний шахсларнинг банк карталари орқали айланмалар ҳажми нақд пулларнинг банклар орқали айланмасига нисбатан юқори суръатларда ўсиши кузатилмоқда.

Жумладан, банк карталари орқали айланмалар ҳажми нақд пулларнинг банклар орқали айланмасига нисбатан 2021 йилда **1,2 баробарга**, 2022 йилда **1,6 баробарга** кўп бўлди.

5.3.1-чизма


## Банк карталари орқали айланмалар динамикаси, млрд сўм



Ҳисобот йилида банк карталарига келиб тушган маблағлар 2021 йилга нисбатан **1,8 баробарга** ошиб, ушбу маблағлар асосан иш ҳақи тўловлари (26,4 фоиз), пенсия ва нафақа тўловлари (5,8 фоиз), масофавий ўтказмалар (32,9 фоиз), нақд пулда ва омонат ҳисобварақлардан тушган маблағлар (20,3 фоиз) ҳамда аҳолининг бошқа даромадлари (14,6 фоиз) ҳисобига шаклланди.

5.3.2-чизма

## Банк карталарига келиб тушган маблағларнинг манбалари бўйича улуши



2022 йилда банк карталари орқали масофавий ўтказмалар (2021 йилга нисбатан 3 баробарга), нақд пулдаги маблағларни банк карталарига қилиш ва омонат ҳисобварақларидан тушган маблағлар (1,9 баробарга), пенсия ва нафақа тўловларининг банк карталари орқали тўланиши (1,8 баробарга), аҳолининг бошқа даромадларини банк карталарига ўтказмалари (1,6 баробарга) ҳажмини сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин.



Ўз навбатида, ҳисобот йилида 2021 йилга нисбатан банк карталари орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 1,8 баробарга ошиб, тўловлар таркибида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамда ўтказмалар ҳажмининг 68 фоиздан 72,8 фоизга ошганлиги, нақдлаштириш ҳажмининг эса 32 фоиздан 27,1 фоизгача камайганлиги, банк карталари орқали тўловларнинг оммалашиб бориши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, нақд пуллар билан ишлаш ва муқобил тўлов воситаси бўлган банк карталари билан ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар самараси иқтисодиётда ва мавсумий омиллар таъсирида юзага келадиган ўзгаришлар шароитида ҳам нақд пулга бўлган талабни эгилувчан (мослашувчан) тарзда бошқариш имконини бермоқда.

## VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

### 6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар давом эттирилди.

Банк хизматлари кўрсатиш нуқталари, жумладан, банк филиаллари, банк хизматларини кўрсатиш марказлари, мини-банклар, “24/7” режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари, банккомат ва инфокиосклар сони 2021 йилга нисбатан **1 174** тага ёки **10** фоизга ошиб 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **12 544** тага етди.

Аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи **ҳар юз мингта катта ёшли аҳолига** тўғри келувчи банк хизматлари кўрсатиш нуқталари сони кўрсаткичи ўртача **54** тага етиб, йил бошига нисбатан **5 бандга** кўпайди.

Бунда, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (*176 та*) қайд этилган бўлса, энг қуйи кўрсаткичлар Андижон (*31 та*), Тошкент вилояти (*36 та*) ҳамда Қашқадарё (*37 та*) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисобот йилида банк инфратузилмасининг кенгайиши билан бир қаторда катта ёшли аҳоли (*18 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли*) ўртасида банк ҳисобварақларига эга бўлган аҳоли улушининг ҳам ижобий томонга ўзгариб бориши кузатилиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига банк ҳисобварағига эга катта ёшли аҳоли сони **17,3** млн кишига ёки жами катта ёшли аҳолининг **75** фоизини ташкил этди.

Қайд этиш лозимки, банк ҳисобварақларига эгалик қилишда гендерлар ўртасидаги тафовут деярли йўқ бўлиб, банк ҳисобварағига эга жами катта ёшли аҳолининг **49** фоизини (*8,6 млн киши*) эркаклар ташкил қилса, мазкур кўрсаткичдаги аёллар улуши **51** фоизни (*8,9 млн киши*) ташкил этади.

Банк ҳисобварағига эгалик қилиш кўрсаткичининг ёш гуруҳлари бўйича қаралганда, уларнинг асосий қисмини 18-29 ёш (*4,6 млн киши*) ва 30-39 ёш (*4,7 млн киши*) гуруҳларидаги аҳоли ташкил этишини, шунингдек, 60-69 ёш гуруҳига мансуб аҳолининг 89 фоизида (*энг юқори кўрсаткич*) банк ҳисобварақлари мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.

## 6.1.1-жадвал

Банк ҳисобварағига эга бўлган аҳоли сони, *минг киши*

Ёш гуруҳлари	Аҳоли сони	Банк ҳисоб-варағига эга аҳоли сони	Улуши, <i>фоизда</i>	Аёллар сони	Банк ҳисоб-варағига эга аёллар сони	Улуши, <i>фоизда</i>	Эркаklar сони	Банк ҳисобварағига эга эркаklar сони	Улуши, <i>фоизда</i>
<b>Жами</b>	23 153	17 288	75	11 681	8 820	76	11 471	8 468	74
<b>18-29</b>	6 818	4 653	68	3 330	2 224	67	3 488	2 428	70
<b>30-39</b>	5 878	4 663	79	2 916	2 416	83	2 962	2 247	76
<b>40-49</b>	4 154	2 940	71	2 083	1 523	73	2 071	1 416	68
<b>50-54</b>	1 671	1 144	68	860	581	67	811	563	69
<b>55-59</b>	1 528	1 135	74	802	621	77	725	514	71
<b>60-69</b>	2 119	1 894	89	1 124	991	88	995	904	91
<b>70+</b>	985	860	87	565	465	82	419	396	94

Шу билан бирга, ҳисобот йилида катта ёшли жисмоний шахсларнинг кредит хизматларидан фойдаланиш даражаси 2021 йилдаги **16** фоиздан **18** фоизгача кўтарилди.

Банклардан кредит олган жами аҳолининг **54** фоизини эркаklar, **46** фоизини аёллар ташкил қилишини ҳамда **30-39** ёш гуруҳига мансуб аҳоли қатлами орасида кредит хизматларидан фойдаланиш даражаси қолган ёш гуруҳларига нисбатан юқорироқ эканлиги қайд этилди.

## 6.1.2-жадвал

Банк кредитига эга бўлган аҳоли сони, *минг киши*

Ёш гуруҳлари	Аҳоли сони	Банк кредитига эга аҳоли сони	Улуши, <i>фоизда</i>	Аёллар сони	Банк кредитига эга аёллар сони	Улуши, <i>фоизда</i>	Эркаklar сони	Банк кредитига эга эркаklar сони	Улуши, <i>фоизда</i>
<b>Жами</b>	23 153	4 224	18	11 681	1 952	17	11 471	2 272	20
<b>18-29</b>	6 818	1 064	16	3 330	455	14	3 488	609	17
<b>30-39</b>	5 878	1 446	25	2 916	643	22	2 962	803	27
<b>40-49</b>	4 154	909	22	2 083	466	22	2 071	443	21
<b>50-54</b>	1 671	339	20	860	185	22	811	154	19
<b>55-59</b>	1 528	247	16	802	114	14	725	134	18
<b>60-69</b>	2 119	192	9	1 124	77	7	995	115	12
<b>70+</b>	985	26	3	565	12	2	419	14	3

Банк хизматларини бошқа муқобил йўллар (каналлар) орқали кўрсатиш йўналишини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Алоқа банк билан “Ўзбекистон почтаси” АЖ ўртасида тузилган агентлик шартномаси асосида **1,9** мингга яқин почта бўлинмалари орқали республиканинг барча ҳудудларида, шу жумладан, чекка ва олис

худудларда аҳолига **5 турдаги** (банк картасини тўлдириш, банк картасидан нақд пул ечиш, тўловларни қабул қилиш, банк картасини етказиб бериш ва миждозни идентификация қилиш каби) банк хизматлари кўрсатиш йўлга кўйилди.

Шунингдек, 2022 йилнинг апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни билан микромолия ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан (300 млн сўм) ошган миқдорда кредит ва лизинг бериш, факторинг хизматларини кўрсатиш, кафолат бериш ва уларга ислом молияси хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи берилди ҳамда уларга банклар, тўлов ташкилотлари, суғурта ва бошқа молия ташкилотларининг агенти сифатида фаолият юритишга рухсат берилди.

## 6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш йўналишидаги фаолияти маҳаллаларга чиққан ҳолда мақсадли гуруҳларни ўқитиш учун яратилган механизм ва тизимлар асосида тадбирлар қамровини кенгайтириш ҳамда халқаро таълим тадбирларини кенг қамровда ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда “*edutainment*” (қизиқарли тарзда ўқитиш) шаклини тарғиб этиш каби манзилли ишларга қаратилди.

Хусусан, “**жамғариш маданияти**”ни шакллантириш, масъулиятли қарз олиш, шунингдек, рақамли молиявий саводхонликни ошириш масалалари асосий эътиборда бўлди.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича жами **21** та лойиҳа доирасида ташкил этилган **87** та таълим тадбирларида **384** минг нафардан ортиқ аҳоли молиявий саводхонлик лойиҳаларида бевосита иштирок этди ва бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошди.

Оммавий ахборот воситалари (теле-радио каналлар, босма нашрлар) ва ижтимоий медиа (веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали **11,3** млн нафардан ортиқ қамровга эришилиши натижасида 2021 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробар** кўпроқ аҳоли базавий молиявий билимлардан хабардор қилинди.

Шунингдек, таълим лойиҳалари **21** та банк, **5** та тўлов ташкилоти ва **14** та суғурта компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилиб, уларга **5 046** та мактаб ва **69** та олий ўқув юртлири жалб этилди.

Мақсадли гуруҳлар учун махсус таълим дастурлари асосида жойларда учрашув ва мулоқотлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ўтказилиб, уларда 2021 йилга нисбатан **5,3 баробар** кўпроқ аҳоли иштирок этди:

– **хотин-қизларнинг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида **42** та семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда **2 557** нафар “**Аёллар дафтари**”га киритилган хотин-қизлар, оила масалалари бўйича маҳалла раиси ўринбосарлари, шунингдек, тадбиркорликни яқинда бошлаган ишбилармон аёллар жалб қилинди;

– **ёшларнинг** молиявий саводхонлигини ошириш бўйича “**Ёшлар ишлари агентлиги**” билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган маҳорат дарсларида **2 140** нафар ёшлар қатнашди;

– **меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида **6** та худудда (*Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри*) тренинглар ўтказилиб, уларда **505** нафар аҳоли иштирок этди. Шунингдек, Марказий банк томонидан махсус тайёрланган Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бизнес тренерлари Тошкент шаҳрида **1 257** нафар меҳнат мигрантлари учун молиявий саводхонлик бўйича тренинглар ўтказди.

Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг молиявий саводхонлигини оширишга доир тадбирлар кўлами ҳам кенгайтирилди:

– республика бўйича 2022 йил март-май ва октябр-ноябрь ойларида 5-11 синф ўқувчилари учун “**Молиявий саводхонлик ойлиги**” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳада **253** та умумтаълим муассасаларидаги **799** та ўқитувчилар ва **24** мингга яқин мактаб ўқувчилари иштирок этди;

– **19** та тижорат банклари томонидан 2021-2022 ўқув йили давомида **3 106** та умумий ўрта таълим муассасаларида **270 863** нафар 5-11 синф ўқувчилари учун **6 033** та очик дарслар ташкил этилди.

– **[Kundalik.com](http://Kundalik.com)** онлайн платформасида 7-8 синф ўқувчилари учун молиявий тушунчалар ва математик масалаларни ўзида умумлаштирган онлайн тестда **15** мингга яқин иштирокчилар қамраб олинди.

Аҳолининг турли мақсадли гуруҳлари учун мультипликаторлар ёрдамида яратилган тренер-консультантлар мактаби тизими орқали молиявий саводхонлик бўйича лойиҳалар қамрови кенгайтирилди. Лойиҳада жами **73 825** нафар аҳоли иштирок этиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **11,3 баробарга** ошди:

– **мавжуд ва потенциал банк мижозларининг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида **11** та банкнинг **48** нафар мутахассислари **бош тренер** сифатида малакаси оширилиб, улар томонидан ҳудудларда аҳолига молиявий маслаҳатлар берувчи жами **297** нафар тренер-консультантлар тайёрланди. Лойиҳа доирасида **27 241** нафар аҳолига молиявий маслаҳатлар берилди;

– **олис ва чекка ҳудудлардаги аҳолининг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан лойиҳа бош тренерлари сифатида тайёрланган **50** нафар банк агентлари, ўз навбатида, ҳудудларда яна **500** тадан ортиқ банк агентлари малакасини ошириб, улар томонидан **50 080** нафар қишлоқ аҳолиси билан учрашувлар ўтказилди ва банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда молиявий саводхонликни ошириш бўйича тушунтиришлар берилди;

– **ноиктисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари талабаларининг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг **260** нафар талабалари волонтер-тренерлар сифатида тайёрланди ва улар томонидан ўтказилган **72** та семинар-тренингларда **3 984** нафар талабалар иштирок этди.

Болалар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича халқаро таълим тadbирлари қамрови 2021 йилга нисбатан **16** фоизга кўпайишига эришилди.

“**Бутунжаҳон пул ҳафталиги**” ва “**Бутунжаҳон жамғариш куни**” халқаро таълим тadbирлари доирасида **25** та тadbирларнинг умумий қамрови **146 217** нафар аҳолини, шундан **35 081** нафари ёки **24** фоизи мактаб ўқувчиларини ташкил этиб, уларга жамғариш техникалари, рақамли молиявий хавфсизликни таъминлаш қоидалари ўргатилди.

Тadbирлар давомида ностандарт шаклда ўқитиш усулларидан фойдаланилди. Хусусан, 2022 йил учун ишлаб чиқилган “Молиявий интизом” интерактив тақвими молиявий саводхонликнинг **12** хил тематик йўналишларига бағишланган бўлиб, тижорат банклари билан биргаликда **2,3** минг нусхада чоп этилди ва амалий тadbирларда ҳар бир тематик йўналиш бўйича тушунтиришлар олиб борилиб аҳолига тарқатилди.

“**Амалиёт даврида ўрганиш**” (“learning by doing”) техникасидан фойдаланган ҳолда Агробанк билан биргаликда **3** минг дона шаффоф кобейджинг карталари ишлаб чиқарилди ва молиявий саводхонлик бўйича танлов, викториналарда ғолиб бўлган фуқароларга картадан хавфсиз фойдаланиш бўйича тарқатма материаллари билан биргаликда совға қилинди.



Аҳолининг турли қатламларига молиявий билимларни оммавий етказиш мақсадида ижтимоий медиа ва оммавий ахборот воситаларида амалга оширилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида қамров 2021 йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошди:

**Finlit.uz** веб-сайти, ижтимоий тармоқ (Telegram, Instagram, Facebook, Tiktok, Youtube, Yandex music, Spotify) саҳифаларида ёритилган веб-контент ва турли шаклдаги лойиҳалар (*интерфаол таълим воситалари, видео интервью, видео сўровнома, аудио подкаст, инфоблог ва бошқалар*) орқали молиявий саводхонлик бўйича турли мавзулар ёрдамида қамров **5,5** млн кишига етказилди.

**Оммавий ахборот воситалари**, хусусан “Даракчи” газетасида мақолалар, “Автордио” ва “Ориатдоно” радио каналларида таълим лойиҳалари ҳамда радиовикторина, “МУ5” ва “UzReport” телеканалларида молиявий саводхонлик бўйича креатив форматдаги ҳамда кенг кўламли тарғибот ишлари йил давомида мунтазам равишда амалга оширилиб, лойиҳалар қамрови **5,8** млн кишини ташкил этди.

Аҳолида жамғаришга нисбатан шаклланган нораціонал муносабатга ижобий таъсир кўрсатиш ва жамғариш маданиятини шакллантириш мақсадида Тошкент шаҳрида кунлик **400** минг кишилик қамров имкониятига эга “Тошкент метрополитен” бекатларида, Тошкент шаҳрининг кунлик **50** минг кишилик қамровли автобус қатновларида ва Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари марказларининг кунлик **61** минг кишилик қамров имкониятига эга автобус қатновларида жамғариш бўйича кўникмаларни шакллантиришга доир баннерлар омма эътиборига тақдим этилди.

Молиявий саводхонлик бўйича халқаро амалиёт ва методологияни қўллаш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида тажриба ва ахборот алмашув тадбирлари давом эттирилди.

Халқаро молия корпорацияси билан молиявий саводхонликни, жумладан, рақамли молиявий саводхонликни ноодатий усулда ошириш мақсадида молиявий фирибгарлик ва уларни олдини олиш мавзусига бағишланган **“Молиявий хатолар”** номли кўшиқ яратилди ва унга клип суратга олинди, оммага тақдим этилди.

Чет эл регуляторлари ва халқаро ташкилотлар билан ахборот ва тажриба алмашиш амалиётлари устида ҳамкорлик кенгайтирилди. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан Ўзбекистонда молиявий таълимни ривожлантириш, молиявий хизматлар соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш доирасида



ҳамкорлик олиб борилиб, чет элда муваффақиятли амалиётни ўрганиш соҳасида мутахассисларнинг малака ва салоҳиятини ошириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Молиявий оммабоплик иттифоқи билан ҳамкорликда Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича молиявий саводхонлик йўналиши, хусусан, ёшлар ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш лойиҳаларида “*edutainment*” воситаларини қўллаш мақсадида Италия Марказий банки билан ўқув тажриба алмашиш борасида ишлар бошланди.

### 6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2022 йилда Марказий банк томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу йўналишда аниқланган тизимли муаммоларнинг қонуний ечимини топиш ҳамда соҳага оид илғор хорижий тажрибани татбиқ қилиш йўналишлари бўйича ишлар давом эттирилди.

Хусусан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солиш бўйича нормалар қонун ҳужжатларига киритилди.

Шунингдек, микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятига оид амалдаги талаблар қайтадан кўриб чиқилиб, молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар белгиланди.

Банклар ва уларнинг хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилди. Хусусан,

– гаровга қўяётган ёки кафил бўлаётган учинчи шахсларнинг кредит, гаров ёки кафиллик шартномаси бўйича келгусида дуч келиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида тушунчага эга бўлиши;

– кредит шартномаси тузилгунга қадар банклар томонидан истеъмолчига ушбу хизмат тўғрисида барча зарурий маълумотлар берилиши;

– кредит ажратиш ёки ажратмаслик бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида асосланган хабар истеъмолчига тақдим этилиши белгиланди.

Шунингдек, банклар томонидан жисмоний шахсларга субординар қарзни омонат ёки омонатга тенглаштирилган қарз сифатида таклиф этилиши таъқиқланди.

2022 йилда Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди – **German Sparkassenstiftung** мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистонда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳолати ҳамда миждозларнинг банкларга бўлган ишончини аниқлаш бўйича республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган ҳолда **1 210** та фуқародан (*ушбу фуқароларнинг 51 фоизи шаҳарда, 49 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади*) интервью тарзда ўрганиш ўтказилди.

Ўтказилган ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, банк хизматлари кўрсатилишидаги заифликларни бартараф этиш бўйича тижорат банклари билан бирга тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, **7** та давлатнинг (*Малайзия, Австралия, Нидерландия, Португалия, Беларусь, Грузия, Италия*) молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича регуляторлари ҳамда **2** та халқаро молия институтлари (*Осиё тараққиёт банки ва FinCoNet*) билан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибалар ўзаро алмашилди ҳамда келгусида ҳамкорлик қилиниши мумкин бўлган йўналишлар белгилаб олинди.

Тижорат банкларининг жисмоний шахслар учун мўлжалланган молиявий хизматлари ҳақидаги ахборот порталидан ([bankxizmatlari.uz](http://bankxizmatlari.uz)) фойдаланувчилар сони ўртача ойлик ҳисобда **21** мингтага (*2021 йилга нисбатан 21 баробарга ошган*), сайт саҳифаларига ўртача ойлик ташрифлар сони эса **30** мингтага (*2021 йилга нисбатан 3 баробарга ошган*) етди.

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари билан биргаликда 2022 йилда тижорат банкларининг жойлардаги муассасаларида кредит, микроқарз ва депозит маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этилиши, терминаллари орқали тўловлар қабул қилиниши ва банк кассалари орқали нақд пул маблағларининг берилиш ҳолатлари юзасидан **28** та тижорат банкининг **673** та муассасасида жами **729** та назорат тадбирлари ўтказилди.

Ўрганиш натижалари бўйича аниқланган ҳолатлар ва камчиликлар юзасидан тижорат банклари томонидан қоидабузарликларга йўл қўйган **627** нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида истеъмолчиларга кредит ва депозит маҳсулотлари шартлари бўйича тўлиқ маълумот бериш тизими жорий

этилди ҳамда банк шартномалари намуналари жойлардаги муассасаларга очик танишиш имкониятлари яратилди.

Банк муассасаларида тўловларни қабул қилмаслик ҳамда кассалардан банк карталари орқали нақд пул беришни рад этилиши ҳолатлари сони 2021 йилга нисбатан **2 баробарга** камайди.

**20 та тижорат банки** томонидан қисқа рақамли профессионал Call-марказлари ташкил этилди.

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб борилди ва **166** нафар банк хизматлари истеъмолчиларининг (*шундан 139 таси жисмоний шахслар, 27 таси тадбиркорлик субъектлари*) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилди.

Хусусан, мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш жараёнида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилган **56** нафар истеъмолчиларнинг жами **2,1** млрд сўмлик молиявий наф кўриши таъминланди.

Жумладан, **650,9** млн сўм миқдоридаги ортиқча ҳисобланган кредит тўловлари ва асоссиз равишда ундирилган маблағлар қайтарилди ва қайта ҳисоб-китоб қилинди, **583,6** млн сўм миқдордаги омонат пуллари ўз муддатида қайтарилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот йилида турли ижтимоий тармоқлар орқали банк хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ эълон қилиб борилаётган мурожаатларни (материалларни) мунтазам кузатиб бориш ҳамда молиявий хизматлар бўйича кўп муҳокамага сабаб бўлаётган муаммоли мавзулар бўйича аҳоли учун фойдали бўлган маълумотларни бериб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, 2022 йил банк хизматлари кўрсатилишига оид турли ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган **68** та мурожаат (материал) бўйича кредит ташкилотларига кўрсатмалар берилди.

Мазкур мурожаатларда кўтарилган масалалар тижорат банкларининг масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, банк хизматлари кўрсатилиши бўйича **45** та мурожаатда келтирилган масалалар ҳал этилди ҳамда **23** та мурожаат бўйича мурожаатчиларга тегишли тушунтиришлар ва маълумотлар берилди.

Шунингдек, Марказий банкка келаётган мурожаатларда кўтарилаётган муаммолар ва фуқаролар дуч келаётган тушунмовчиликлардан келиб чиқиб, Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали кредит

бўйича кафиллик, кредит тарихи, гаров муносабатлари, кредит шартларига аниқлик киритиш бўйича **20** дан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Мазкур материаллар биргина “Telegram” ижтимоий тармоғида **277** минг нафар фойдаланувчилар томонидан кўрилган ва материаллар **3,2** минг мартаба бошқалар билан бўлишилган.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг **@CBUz\_bot** телеграм-боти орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан йўлланган **915** дан ортиқ саволлар ва муаммолар юзасидан уларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилди.

#### **6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш**

2022 йилда Марказий банк тизимида мурожаатлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ташкил этилди.

Мазкур масала ҳар чоракда Марказий банк бошқаруви мажлисларида ва ҳар ҳафтада Марказий банк раиси ҳузурида ўтказилган йиғилишларда танқидий муҳокама қилиниб, мурожаатчилар томонидан кўтарилган масалаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ жойида ҳал қилиш ҳамда ходимларнинг касбий малакалари ва шахсий масъулиятини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар бериб борилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида аҳолини қийнаётган масалаларни жойида ўрганиб ҳал қилиш мақсадида олис ва чекка ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда Марказий банк раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ташкил этилди. Бунда, мурожаатчилар томонидан кўтарилган масалаларни жойида, холис ва тезкор ҳал этиш ҳамда қабулларнинг натижадорлиги ва аҳолининг розилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқирилишини таъминлаш билан бирга, банк хизматларидан фойдаланишда юзага келаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш Марказий банкнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва мобил илова дастури орқали жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатларни электрон шаклда ҳамда “**Ишонч телефони**” орқали тўғридан-тўғри қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш таъминланаётганлиги, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.


Хусусан, жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатлар таҳлили асосида тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланиб, банк хизматлари

истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда кредит ташкилотларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар такомиллаштириб борилмоқда.

2022 йилда Марказий банк аппаратида жами **5 302** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, унинг 17,1 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 7,9 фоизи Марказий банк электрон почтаси, 55,4 фоизи Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик, идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 8,2 фоизи “ишонч телефони” орқали ҳамда 11,4 фоизи қабуллар давомида келиб тушган.

6.4.1-чизма

### Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатлар тақсимланиши



Марказий банкка келиб тушган мурожаатларнинг **4 979** таси ёки 93,9 фоизи бевосита тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ бўлган мурожаатлар ҳисобланади. Мазкур мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича тижорат банкларининг бош офисига юборилиб, натижалари тўғрисида мурожаатчиларга ўз вақтида маълум қилиниши устидан мониторинг ўрнатилди.

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг **5 036** тасига (*95 фоиз*) белгиланган тартибда жавоб хатлари юборилиб, тегишли тушунтиришлар берилди ва ижобий ҳал қилинди, 123 та (*2,3 фоиз*) мурожаат тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа вазирлик ва идораларга юборилди, 10 таси (*0,2 фоиз*) аноним мурожаат бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмади.

Марказий банкка келган мурожаатларнинг қарийб 80 фоизи кредит, банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари, банк ҳисобрақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масаласидаги мурожаатлар ҳиссасига тўғри келади.

6.4.1-жадвал

**Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида кўтарилган  
масалалар таркиби**

№	Мурожаат масаласи	сон	фоизда
1	Банк кредитлари ва кредит операциялари масаласида	3 128	59,0
2	Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласида	511	9,6
3	Банк ҳисобрақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масаласида	508	9,6
4	Банк омонати ва бошқа депозит операциялари масаласида	296	5,6
5	Банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар масаласида	213	4,0
6	Валютани тартибга солиш ва валюта назорати масаласида	200	3,7
7	Банк карталари ва терминаллар масаласида	169	3,2
8	Ишга жойлашиш масаласида	95	1,8
9	Нафақа пуллари олиш масаласида	38	0,7
10	Банклар ва кредит ташкилотларни ташкил этиш ва тугатиш масаласида	24	0,5
11	Бошқа масалалар	120	2,3
	<b>Жами</b>	<b>5 302</b>	<b>100</b>

Банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади рақамли хизматлар кўрсатишни кенгайтириш орқали аҳолига янада қулай ва сифатли банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Кредитлашда бозор механизмларига тўлиқ ўтилиши, мазкур йўналишдаги мурожаатлар сонининг камайишига ва кредитлар самарадорлигининг янада ортишига хизмат қилади.




## VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

Марказий банк томонидан 2022 йилда халқаро молия институтлари, хорижий Марказий банклар ва бошқа чет эл ташкилотлари билан **200** дан ортиқ учрашувлар ва тадбирлар ташкил этилди. Пандемия билан боғлиқ ҳолат яхшиланганлиги боис учрашувларнинг 70 фоизи офлайн (юзма-юз) тарзда ўтказилди.

7.1-чизма

2022 йилда ўтказилган учрашувлар тақсимланиши



### 7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик

Ҳисобот йилида ХВЖ, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТТБ ва бошқа халқаро молия институтлари билан жами **70** тадан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Учрашувларда пул-кредит ва валюта сиёсати, тўлов баланси статистикаси, кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, комплаенс ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий оммабопликни, ходимлар билим ва малакасини ошириш йўналишлари муҳокама қилинди.

**ХВЖ** билан ҳамкорлик доирасида макропруденциал ҳамда пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий механизмларини жорий этиш каби йўналишларда ҳамкорлик давом эттирилди.

Хусусан, 2022 йилнинг март-апрель ойларидаги **ХВЖ Келишувларининг IV моддаси** бўйича маслаҳатлашув миссияси доирасида мамлакатдаги макроиктисодий вазият ва унда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ва кредит ташкилотларининг пруденциал назорати самарадорлиги муҳокама қилинди.



Мазкур миссия яқунлари бўйича баёнолда мамлакатимиздаги макроиқтисодий ҳолат ижобий баҳоланиб, пандемия давридаги иқтисодий қийинчиликлардан муваффақиятли ўтган давлатлар қаторида эътироф этилди ҳамда геосиёсий вазиятнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири бўйича хулосалар ва тавсиялар билдирилди.

2022 йилда мамлакатимизда **макропруденциал сиёсатни такомиллаштириш** борасида ХВЖнинг техник кўмаги доирасида 1 йил муддатга **малакали хорижий мутахассис** жалб қилинди. Ушбу мутахассис Ўзбекистонда молиявий барқарорликни таъминлаш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этмоқда.

Ҳисобот йилида Марказий банкка ХВЖ миссиялари томонидан **макро стресс-тест ишлаб чиқиш, комплаенс-назорат ва ички аудит, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтиш, мажбурий захиралар стандартларини такомиллаштириш**, ҳамда **коммуникация сиёсатини шакллантириш** йўналишларида техник кўмак кўрсатилди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган **II Ўзбекистон иқтисодий форуми** доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ташкил этилиб, ўзаро ҳамкорлик бўйича келгуси даврга режалар келишиб олинди.

Мазкур форумда Марказий банк мутахассислари томонидан *“Макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор ўсиш: таркибий ўзгаришларнинг янги босқичи”*, *“Молиявий бозорни ривожлантириш: воситалар ва мақсадлар”*, ҳамда *“Минтақанинг иқтисодий истиқболлари”* мавзуларида тақдимотлар қилинди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг раислигида ХВЖнинг Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистон учун **Минтақавий салоҳиятни ошириш марказининг** (ССАМТАС) Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг иккита йиғилиши (*16 июнда онлайн ҳамда 3 ноябрда II Ўзбекистон иқтисодий форуми доирасида юзма-юз тарзда*) ўтказилди. Унда аъзо мамлакатлар вакиллари томонидан марказ фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда 2023 йилдаги бажариладиган ишлар муҳокама қилинди.

2022 йил давомида Марказий банк раҳбарияти ХВЖ ва Жаҳон банкининг **баҳорги** (*18-24 апрель, Вашингтон*) ва **йиллик анжуманларида** (*13-16 октябрь, Вашингтон*), шунингдек, ХВЖнинг **“Швейцария гуруҳи”га аъзо мамлакатларининг учрашувид** (*3-6 июль, Бад Рагац*) иштирок этиб, макроиқтисодий рискларни баҳолаш, самарали пул-кредит сиёсатини юритиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалаларида музокаралар ўтказди.

Ҳисобот йилида **Жаҳон банки гуруҳи** билан **банк назорати** механизмларини такомиллаштириш, **кредит ташкилотларининг санацияси** бўйича қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, **молиявий оммабопликни ошириш** йўналишларида **3** та техник кўмак миссиялари жалб этилди.

Хусусан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда **банк назорати** бўйича қатор семинар-тренинглар ташкиллаштирилиб, улар доирасида **рискка асосланган назоратни** жорий этиш ва кредит хавфини баҳолаш борасида илғор мамлакатлар тажрибаси ўрганилди ҳамда тегишли тавсиялар олинди.

Шунингдек, илғор хорижий тажрибалар асосида Жаҳон банки мутахассислари билан бирга **банкларнинг санация механизми**ни жорий этиш ва **омонатларни кафолатлаш тизимини такомиллаштириш** бўйича дастлабки диагностика натижалари тайёрланди ҳамда тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди.

2022 йилда **НКТ** фаолиятини янада ривожлантириш борасида Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда ўрганишлар олиб борилиб, шакллантирилган тавсиялар асосида тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

**Самарали ва юқори технологик назорат тизимини (SupTech)** жорий этиш борасида Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда 2022-2026 йилларда SupTech тизимини жорий қилиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

**Халқаро молия корпорацияси** билан ҳамкорликда кўчар активлар асосида молиялаштириш, микромолия хизматлари бозорини ривожлантириш, рақамли молиявий хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда тижорат ипотека бозорини ривожлантириш борасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан лойиҳалар устида ишлар бошланди. Ушбу ташкилот мутахассислари билан биргаликда Марказий банк томонидан **молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни** жорий этиш тартиби ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, гендер тенглиги ва инклюзивлиги масалалари ҳамда аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги лойиҳалар юзасидан амалий ишлар давом эттирилди.

**Осиё тараққиёт банки** билан 2022 йил давомида мамлакатда олиб борилаётган лойиҳалар юзасидан қатор консултатив музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки кўмаги билан мамлакатда банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш йўналишларини янада такомиллаштириш борасида малакали мутахассислар жалб этилиши таъминланди.

Молиявий оммабопликни ошириш ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатини такомиллаштириш борасида **Молиявий оммабоплик альянси** билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилди.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк мутахассислари Молиявий оммабоплик альянсининг тегишли ишчи гуруҳларида (*рақамли молиявий хизматлар; кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш, яшил иқтисодиётни барқарор ривожлантириш; молиявий оммабоплик даражасини ўлчаш*), шунингдек, **рақамли валюта, инклюзив молиявий технологиялар, рақамли идентификация** ҳамда **яшил иқтисодиёт** каби мавзуларда ўтказилган жами 9 та ўқув тадбирларида иштирок этди ва соҳага оид билим ва тажрибаларини мустаҳкамлади.

Шунингдек, Молиявий оммабоплик альянсининг 2022 йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Иорданияда ўтказилган йиллик анжуманида Ўзбекистонда молиявий оммабопликни ошириш борасидаги ишлар тўғрисида ахборот берилди, турли йўналишларда чет эл тажрибаси ўрганилди ва ходимлар малакасини ошириш бўйича музокаралар ўтказилди.

2022 йилнинг 24-26 март кунлари **биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида** Марказий банк томонидан “*Молия бозорини рақамлаштириш*”, “*Ислохотлар ўтказишда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш*” ҳамда “*Молия бозори – бозорни ривожлантириш драйвери сифатида*” мавзуларидаги давра суҳбатларида тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

2022 йилнинг 25-26 май кунлари “*Банклар ва чакана савдо. Рақамли трансформация ва ўзаро ҳамкорлик*” мавзусидаги **иккинчи ПЛАС-форумида** 50 та давлатдан жами 1 600 та етакчи финтех компания ва банк вакиллари қатнашиб, миллий тўлов тизимлари ривожини, сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши, киберхавфсизликни таъминлаш, электрон пуллар, масофавий биометрия каби йўналишларда илғор тажриба ва ечимлар тақдим этилди.

2022 йилда **хорижий Марказий банклар** билан икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ўзаро ахборот алмашиш учун ҳуқуқий асос яратиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди ҳамда жами 12 та тадбирлар ўтказилди. Хусусан:

– 3-4 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига давлат ташрифи доирасида **Покистон Давлат банки** билан **Банк назорати соҳасидаги ўзаро англашув меморандуми** имзоланди. Мазкур меморандум банк назоратига доир вазифаларни самарали бажариш ҳамда икки мамлакат банк тизими

ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўзаро ахборот алмашиш учун асос яратади. Икки давлат Марказий банклари ва тижорат банклари билан ўтказилган музокаралар якунига кўра, банклараро муносабатларни кенгайтириш борасида келишувларга эришилди;

– 20 май куни Самарқанд шаҳрида **Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги Банклараро ҳамкорлик бўйича қуйи комиссиясининг навбатдаги йиғилиши** ташкил этилиб, тадбир доирасида икки мамлакат ўртасидаги банклараро ҳамкорлик, тўлов тизимлари ҳамда валюта биржалари фаолияти юзасидан музокаралар ўтказилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва **Россия Марказий банки** ўртасида бир қатор битимлар (*Банк назорати, ломбардлар ва микромолия ташкилотлари назорати соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим; Тўлов хизматлари бозори шиширокчилари ва тўлов тизимлари устидан назорат ва кузатув соҳасидаги Битим; Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим*) ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган банк-молия соҳасидаги ҳамкорлик бўйича “*Йўл харитаси*” имзоланди;

– 22 июнь куни **Корея Марказий банки** делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ташрифи чоғида *2022 йил учун мўлжалланган икки томонлама ўқув ҳамкорлик дастури тўғрисида Битим* имзоланди. Уч босқичдан иборат мазкур ўқув дастурининг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида дастлабки семинар ўтказилди. Тадбирда “**Ўзбекистонда молиявий барқарорлик**” мавзусида ташқи ва ички макромолиявий ҳолат, молия тизими таҳлили, вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар ва уларнинг таъсири, макро стресс-тестнинг дастлабки натижалари бўйича такдимот ўтказилди.

– 3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган **II Ўзбекистон иқтисодий форуми** доирасида **Швейцария, Қозоғистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон** Марказий банклари раҳбарияти билан икки томонлама учрашувлар ўтказилиб, ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашиш мақсадидаги ўзаро ташрифларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Шунингдек, **Тожикистон Республикаси Миллий банки** билан “*Тўлов хизматлари бозори шиширокчилари ва тўлов тизимлари устидан назорат ва кузатув соҳасидаги Битим*” имзоланди;

– 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги қўшма комиссиясининг Самарқанд шаҳридаги навбатдаги йиғилиши доирасида Россия Молия вазирлиги, Россия Марказий банки ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида *Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум* имзоланди.

Республика банк тизимида экологик ва иқлим хатарларини бошқариш механизмларини ривожлантириш бўйича етакчи халқаро ташкилотлар билан тажриба алмашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2022 йилда **Марказий банклар ва назорат органларининг молиявий тизимининг экологик тозаллигини ошириш ҳамжамиятига (NGFS)** аъзо бўлди.

## **7.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик**

2022 йилда халқаро рейтинг агентликлари (Fitch Ratings, Moody's Investors Service, S&P Global Ratings) билан **9** та онлайн ва **2** та юзма-юз тарздаги учрашувлар ўтказилди.

Мазкур учрашувларда мамлакатнинг макроиқтисодий таҳлили, ташқи сектор статистикаси, пул-кредит сиёсатининг йўналишлари ҳамда банк тизимининг жорий ривожланиш ҳолати, хусусан, банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари ва кузатилаётган тенденциялар, давлат банкларининг хусусийлаштириш жараёнлари муҳокама этилди.

Ўз навбатида, муҳокамалар натижалари, ушбу нуфузли агентликлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини аниқлаш ва баҳолаш жараёнларида ижобий аҳамият касб этди.

2022 йил 22 июль кунини **MasterCard Europe** билан *ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми* имзоланди. Мазкур меморандумда киберхавфсизлик, тўлов инфратузилмаларини ривожлантириш, молиявий оммабоплик, молиявий саводхонлик каби йўналишларда тегишли ишлар олиб борилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2022 йил 21 декабрь кунини Марказий банк ва **Deutsche Sparkassenstiftung fur international Kooperation** ўртасида *англашув меморандуми* имзоланди. Мазкур меморандумга кўра, мамлакатимизда молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда банк сектори томонидан масъулиятли ва мижозларга йўналтирилган молиявий хизматлар кўламини илгари суришда қўшма тадбирлар ўтказиш назарда тутилган.

2022 йилда давлатлараро ва халқаро интеграцион бирлашмалар, жумладан, **Жаҳон савдо ташкилотига** аъзо бўлиш жараёни доирасида ҳамда **Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти,**

**Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти**, ҳукуматлараро ва идоралараро комиссиялар (қўмиталар) фаолияти доирасида тузилган ишчи гуруҳлар аъзоси сифатида Марказий банк вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда.

Хусусан, 28 март – 1 апрель кунлари Тошкент шаҳрида **Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими** лойиҳаси бўйича музокараларнинг **яқуний 10-раунди** бўлиб ўтди. Мазкур музокаранинг **“Инвестиция ва хизматлар савдоси”** қисмида Марказий банк вакиллари банк соҳасидаги хизматлар юзасидан барча тегишли маълумотларни тақдим этди. Яқуний музокаралардан сўнг, 6 июлда Брюссель шаҳрида ушбу битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, 19-25 июль кунлари Женева шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг **Жаҳон савдо ташкилотига** қўшилиши бўйича **Ишчи гуруҳнинг 5-йиғилишида** Марказий банк раҳбарияти иштирок этиб, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар билан музокаралар давомида амалдаги қонунчиликка кўра, банк хизматлари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.



## VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

### 8.1. Ташкилий тузилма

Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарати – 30 та департамент, 2 та хизмат ва 2 та бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 14 та ҳудудий бош бошқарма ҳамда тасарруфдаги 4 та корхоналардан ташкил топган.

2023 йил 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаларида жами 2 125 нафар ишчи ва мутахассислар фаолият юритмоқда.

### 8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш

2022 йилда ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришда асосий эътибор, меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, касбий стандарт турларини такомиллаштириб бориш, ишга қабул жараёнларини шаффофлигини ҳамда ходимларни қайта ўқитиш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилди.

Хусусан, банк фаолияти соҳасида касбий малака ва билимлар бўйича тармоқ кенгаши белгиланди ҳамда 2022 йилда жами **8 та касбий фаолият турлари** ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда давлат ва рус тилларида [mehnat.profstandart.uz](http://mehnat.profstandart.uz) сайтига жойлаштирилди.

Марказий банк тизимида мавжуд **бўш иш ўринларини** бутлаш мақсадида етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик давом эттирилмоқда. Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилмоқда.

Ишга қабул қилиш жараёни очиқ танлов асосида ташкил этилиб, ҳужжатларни топшириш, тест синовларининг **телеграм-бот** орқали, хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш босқичи ҳамма учун бир вақтда Google Meet платформаси ёрдамида онлайн шаклда ташкил этиш йўлга қўйилди.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари Марказий банкнинг Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти мутахассислари томонидан мунтазам мониторинг қилинмоқда.

2022 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларига ишга кириш учун телеграм-бот орқали **4 017** та аризалар келиб тушган бўлиб, шундан **1 474** нафар номзод тест синови босқичига тавсия этилди ҳамда



улардан тегишли босқичлардан муваффақиятли ўтган **218** нафари билан суҳбат ўқазилди.

Натижада, Марказий банк бўйича жами **107** нафар, хусусан, марказий аппарат бўйича **55** нафар ҳамда ҳудудий бош бошқармалари бўйича **52** нафар ходим ишга қабул қилинди.

2022 йилда **50** та раҳбарлик лавозимлари учун **102** нафар кадрлар захираси таркиблари тасдиқланди. Шундан, **2** нафари ҳудудий бош бошқарма бошлиғи лавозимларига ҳамда захира таркибидаги **4** нафар ходим марказий аппарат таркибий бўлинмаларига раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

Захира таркибига киритилган **3** нафар номзод Буюк Британия ва Япония университетларининг магистратурасида таълим олаётган бўлса, **19** нафар номзоднинг хорижда ташкил этилган ўқув курсларда малака ошириши таъминланди.

Иқтидорли ёш ходимларни ишга жалб этиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида 2022 йилнинг 5-22 сентябрь кунлари **Марказий банкнинг махсус стипендияси бўйича танлов** ўтказилди.

Тошкент молия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Инха университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг банк иши, иқтисодиёт, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим олаётган **25** нафар энг иқтидорли талабалар танлаб олинди.

Марказий банк томонидан стипендиатлар учун семинарлар ва маданий тадбирларни ўтказиш бўйича Дастур ишлаб чиқилди ва Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларида бир кунда **3** соатлик амалий малака ўташлари ташкил этилди ҳамда ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган **32** нафар, Банк-молия академиясини тамомлаган **138** нафар ҳамда чет элдаги олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистрлик йўналишларида таҳсил олган **72** нафар ходим фаолият юритмоқда.

Марказий банкнинг жами **22** нафар ходими чет эл таълим муассасаларида хусусан, Япония сиёсий фанлар миллий институтида (GRIPS) **1** нафар, Токио университетида **3** нафар, Япония Рицумейкан университетида **1** нафар, Япония Хитотсубаши университетида **3** нафар, Виллиамс университетида

(АҚШ) 1 нафар, Жаҳон банки ва Милкен университетида 1 нафар, Глазго университетида 1 нафар ҳамда 9 нафар ходим Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг стипендиясига сазовор бўлиб, ҳозирда Буюк Британиянинг Суонси, Рединг, Сассекс, Данди, Бирмингем ва Германиянинг Бонн университетларида магистратура йўналиши бўйича таълим олмоқда.

Шунингдек, Япония Ёкогама давлат университетида 1 нафар ва Япония сиёсий фанлар миллий институтида (GRIPS) 1 нафар ходим докторантурани давом эттирмоқда.

2022 йилда Марказий банк марказий аппаратининг **119** нафар ходими ва тассаруфдаги корхоналарининг **2** нафар ходими (89 нафар раҳбар ва 32 нафар мутахассис) АҚШ, Венгрия, Россия, Германия, Туркия, Австрия, Буюк Британия, Люксембург, Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Швейцария, Иордания, Қирғизистон Республикаси, Корея, Италия, Арманистон, Франция, Сингапур, Малайзия ва Бельгия давлатларида тажриба орттириб, ўз малакаларини оширишди.

Марказий банк тизимида жами **39** нафар ходимнинг IELTS (International English Language Testing System) сертификати мавжуд.

Марказий банк тизимида **75** нафар ходим Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги **Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш** ва малака ошириш марказида давлат тилида иш юритиш асослари бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш юзасидан ўқув курсларида иштирок этиб тегишли сертификатларга эга бўлди.

### **8.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази томонидан амалга оширилган ишлар**

2022 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари, тижорат банклари, НКТ ҳамда тўлов ташкилотлари мутахассисларининг малакавий кўникмаларини марказлаштирилган ҳолда оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар билан биргаликда жами **293** та ўқув тадбирлари, тажриба алмашиш ва малака ошириш амалиётлари ташкил этилиб, шундан **264** тасида Марказий банкнинг марказий аппарати, **76** тасида ҳудудий бош бошқармалари, **57** тасида тижорат банклари, **19** тасида НКТ ходимлари иштирок этди.

Тадбирларнинг **75** фоизи онлайн, **25** фоизи анъанавий ўқитиш усулида ташкил этилди. Бунда, Марказий банк ходимлари учун шахсий ва бошқарув кўникмаларини шакллантириш бўйича **11** та ўқув тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, **79** та сертификат таклиф этадиган ва **10** та тажриба алмашиш доирасидаги таълим ташрифлари ташкил этилиб, ходимларнинг соҳага оид билим ва кўникмалари ривожлантирилди.

Марказий банк ходимларини ўқитиш тизимини ташкил этишда мутаносиблик ва долзарблик тамойиллари асосида пул-кредит сиёсати, пруденциал назорат, молиявий барқарорлик, замонавий ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги каби устувор йўналишлардаги мавзуларга асосий урғу берилди.

Ўқув тадбирлари доирасида жами иштирокчилар камрови **6 834** нафарни ташкил этиб, шундан **29** фоизи Марказий банкнинг марказий аппарати ва **15** фоизи ҳудудий бош бошқармалари, **49** фоизи тижорат банклари, **7** фоизи НКТ ходимларидан иборат бўлди.

Ходимларнинг касбий билим ва малакаси, шахсий ва бошқарув кўникмаларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтариш мақсадида халқаро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва Марказий банкнинг ички тренерлар салоҳиятидан фойдаланилган ҳолда ҳисобот йилида **хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар** билан биргаликда **253** та ва Марказий банк томонидан **40** та ўқув тадбирлари ўтказилди.

Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, комплаенс назорат ва лотин алифбосидаги ўзбек тилида иш юритиш бўйича касбий компетенцияларини ривожлантириш юзасидан **17** та ўқув тадбирлари ўтказилиб, уларда **122** нафар Марказий банк ходимлари иштирок этди.

Марказий банкнинг таркибий бўлинмаларидан манзилли тайёрланган **9** нафар ички тренерлар томонидан турли мавзуларда **15** та ўқув тадбирлари ташкил этилиб, жами **1 015** нафар марказий банк ва тижорат банклари ходимларининг касбий билим ва кўникмалари оширилди.

Марказий банк кадрлар захираси ходимларининг малакасини тизимли ошириш бўйича манзилли ишлар олиб борилди. Хусусан, раҳбар ходимларнинг малакавий билимларидан ташқари бошқарувчанлик, лидерлик, стратегик ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, **кадрлар захираси таркибида турувчи ходимлар** учун касбий билимларини ошириш бўйича **24** та, бошқарув кўникмаларини (soft skills) ривожлантиришга қаратилган **11** та онлайн ўқув тадбирлари ташкил этилди.

Тижорат банклари ва НКТ ходимларининг касбга оид билим ва шахсий кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб ўқув тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳисобот йилида ташкил этилган тадбирларнинг **57** тасида иштирок этган **3 325** нафар тижорат банклари ходимларининг тўлов тизими фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, комплаенс-назорат, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий фирибгарлик, корпоратив бошқарув, рискларни бошқариш, санация каби мавзуларда билимлари оширилишига эришилди.

Долзарбликдан келиб чиқиб KPMG, Deloitte, Ernst&Young аудиторлик компаниялари ҳамкорлигида “Санкциявий комплаенс” мавзусида раҳбар кадрлар учун **4** та семинар ташкил этилди.

НКТ ходимлари учун банк, молия, микромолиялаш фаолияти, истеъмолчи ҳуқуқлари, киберхавфсизлик ва соҳага оид бошқа мавзуларда 2021 йилга нисбатан деярли **2 баробар** кўп (18 та) ўқув тадбирлари ўтказилиб, ундаги иштирокчилар қамрови **489** тани ташкил этди.

Ходимларнинг нуфузли онлайн платформаларнинг ўқув курсларида иштирок этишлари ва мустақил таълим олишлари учун имкониятлар кенгайтирилди. Бошқарув соҳасида истиқболли раҳбар аёллар улушини кўпайтириш мақсадида **Оксфорд университетининг Саид Бизнес мактаби** ва “**Women's World Banking**” ташкилоти томонидан юқори салоҳиятли аёл ходимларнинг лидерлик ва бошқарувчанлик кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув дастурида Марказий банкнинг **6** нафар етакчи ходимлари муваффақиятли иштирок этди ва барчаси сертификатларга эга бўлди.

Халқаро таълим платформалари, жумладан, **Халқаро ҳисоб-китоблар банки Молиявий барқарорлик институтининг FSI Connect** платформасида банк назорати бўйича Марказий банкнинг **25** нафар ходимлари, **ЕТТБнинг** онлайн ўқув платформасида **3** нафар ходимларининг факторинг хизматларига оид касбий билим даражасини ошириш бўйича сертификатли ўқув курсларда иштирок этиши таъминланди.

**Замонавий ахборот технологиялари** (киберхавфсизлик, маълумотлар билан ишлаш, илғор компьютер дастурларидан фойдаланиш ва бошқа) йўналишдаги билимларни янада ошириш мақсадида хорижий ўқув марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган **7** та ўқув курсларида **19** та ходим иштирок этди.

#### 8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

Ҳисобот йилида пул-кредит ва молиявий статистикани юритиш амалиётини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ҳамда эълон қилинадиган статистик маълумотлар сифатини ошириш чоралари кўриб борилди.

Хусусан, Марказий банк фаолиятига тегишли йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотлар тарқатишнинг умумий тизимидан (к-МТУТ) Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (МТМС) ўтиш ишлари якунланди.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси бўйича пул-кредит шарҳларини (*Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташиқлотлари шарҳи, Депозит ташиқлотлари шарҳи ҳамда Пул агрегатлари*) ҳисобот ойдан кейинги ўн тўрт кунда (аввалда 20 кун) ҳамда ташқи сектор статистикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари”ни ҳисобот ойдан кейинги етти кунда (аввалда 20 кун) шакллантириш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Марказий банк томонидан ХВЖнинг к-МТУТда жойлаштириладиган метамаълумотлари МТМС талаблари асосида такомиллаштирилди ва ХВЖга тақдим этилди.

Бундан ташқари, ХВЖнинг “Молиявий оммабоплик шарҳи (Financial Access Survey)” статистик платформасида эълон қилинадиган мамлакат молия тизими қамрови ва оммабоплиги бўйича статистик маълумотларнинг кўлами янада кенгайтирилиб, тарихий давр маълумотлари билан тўлиқ қайта шакллантирилди ҳамда ушбу платформага жойлаштирилди.

Ҳисобот йилида халқаро молия бозорида асосий маълумотлар базаларидан бири ҳисобланган Блумберг платформасидаги Марказий банк саҳифасида статистик ва бошқа маълумотларни тизимли равишда эълон қилиш амалиёти янада такомиллаштирилди.

Хусусан, Блумберг компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда мазкур платформанинг Марказий банк саҳифаси пул-кредит кўрсаткичлари, ташқи сектор статистикаси, Марказий банк операциялари, жумладан, Марказий банк томонидан ўтказилган депозит аукционлари натижалари, тижорат банклари томонидан Марказий банкка жойлаштирилган овернайт депозитлари, Марказий банк томонидан муомалага чиқарилиб, тижорат банклари орасида жойлаштирилган облигациялар, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларига оид статистик маълумотлар билан бойитилди.



Марказий банк расмий веб-сайтида кунлик асосда эълон қилиб келинаётган банклараро пул бозорининг 7, 30, 90, ва 180 кунлик муддатли “UZONIA” индексини Блумберг платформасида жойлаштириб бориш йўлга қўйилди.

### 8.5. Марказий банкдаги таҳлил ва тадқиқотлар

Ҳисобот йилида ички ва ташқи иқтисодиётдаги ўзгариш ва тенденциялар, уларнинг нархлар, банк тизими ва тўлов тизимлари фаолияти барқорорлигига таъсири фундаментал тадқиқот ёндашувлари асосида ўрганиб борилди.

Хусусан, пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро мувофиқлиги, уларнинг актив ва пассив фазалари даврини аниқлаш ҳамда турли хил комбинациядаги фазалар сценарийларида макроиқтисодий барқорорликка, шу жумладан, инфляцияга, уй-хўжаликларининг истеъмол ва инвестицион қарорлар қабул қилиш бўйича хатти-ҳаракатларига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан **“Ўзбекистонда пул-кредит ва фискал сиёсатни Динамик стохастик умумий мувозанат модели (DSGE) орқали таҳлили”** мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатларида макроиқтисодий нобарқорорликнинг юзага келиши миллий валюта курсига босимнинг кучайиши, инфляциянинг тезлашиши, инвестицияларнинг қисқариши борасида хатарлар ўрганилди.

Мазкур шароитда пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилишда фоиз ставкаларининг ҳамда валюта курси тебранишларининг ички хусусий инвестицияларга таъсирини баҳолаш ҳамда инфляция билан иқтисодий ўсиш орасидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида **“Фоиз ставкаси ва валюта курси тебранишларининг ички хусусий инвестицияларга таъсири”** мавзусида эмпирик тадқиқот ўтказилди.

Имтиёзли ва бозор фоиз ставкаларида ажратилган кредитларнинг корхоналар фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолаш мақсадида **“Имтиёзли кредитлар самарадорлиги таҳлили”** мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот ишида, тижорат банкларидан имтиёзли фоиз ставкасида ҳамда бозор механизми асосида шаклланган фоиз ставкасида кредит олган корхоналарнинг сўнгги 5 йил давомидаги тушумларининг таққослама таҳлили ўтказилиб, имтиёзли ва бозор фоиз ставкасида ажратилган кредитлар самарадорлиги бўйича хулосалар олинди.

Аҳолининг молиявий хизматлар билан қамров даражасининг инфляцион таргетлаш режими самарадорлигига таъсирини баҳолаш мақсадида **“Молиявий оммабоплик ва инфляцион таргетлаш сиёсатининг самарадорлиги”** мавзусида тадқиқот иши ўтказилди.

Сўнгги йилларда иқтисодий эркинлаштириш, инвестицион муҳитни яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари аралашувини кескин қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар даврида тадбиркорлик фаолиятини текшириш борасидаги талабларнинг юмшатилиши мамлакатимизда яширин иқтисодий кўламнинг кенгайиши эҳтимолини вужудга келтиради.

Шу муносабат билан, Марказий банк томонидан **яширин иқтисодий монетар методлар орқали баҳолаш** бўйича таҳлиллар амалга оширилиб, таҳлил натижалари мамлакатда яширин иқтисодий ҳажми сўнгги йилларда ўсиб боровчи тенденцияга эга бўлганини, хусусан, ЯИМга нисбатан 2017 йилдаги 40,3 фоиздан 2021 йилда 52,6 фоизгача ошганлигини кўрсатди.

Шунингдек, 2022 йилнинг февраль ойидан глобал мураккаб иқтисодий жараёнларнинг бошланиши натижасида мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятида ўзгаришлар содир бўлди. Бунда, жаҳон иқтисодийдаги ноаниқликларнинг Ўзбекистон экспорт салоҳиятига таъсирини аниқлаш мақсадида **“Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатларга экспорти таҳлили, ундаги таркибий ўзгаришлар”** мавзусида тадқиқот ўтказилди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлар билан амалга оширилган экспорт ва импорт операцияларида тугган ўрни ва нарх бўйича рақобатбардошлилиги, Ўзбекистон учун қўшимча экспорт қилиш имкониятлари таҳлил қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг аҳоли турмуш даражасига ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини ўрганиб бориш мақсадида 2022 йил давомида аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида мунтазам сўровномалар ўтказиб келинди.

Хусусан, реал сектор корхоналарининг жорий ҳолати ва уларнинг кутилмаларини баҳолаб бориш мақсадида республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган ҳолда 700 тадан ортиқ корхоналар ўртасида ойлик сўровномалар ўтказилмоқда. Сўровнома натижалари асосида **“Иқтисодий фаоллик индекси”** ва **“Иқтисодий кутилмалар индекси”** шакллантириб борилмоқда.

Таҳлилий-прогнослаш салоҳиятини янада такомиллаштириб бориш Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати соҳасида ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилиш ва бу қарорларнинг иқтисодийнинг бошқа соҳалари ва



кўрсаткичларига таъсирлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий банк тизимида макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш жараёнларида бир қатор модел гуруҳларидан фойдаланиб келинмоқда.

Хусусан, инфляция даражасини қисқа муддатли прогнозлаштиришда сузувчи ўртача (Moving average), Байес вектор авторегрессияси (BVAR) моделлари, ўрта муддатли прогнозларни шакллантиришда Чораклик прогнозлаштириш моделлари (QPM), ЯИМ ҳажмининг реал ўсишини қисқа муддатли даврлар учун прогноз қилишда кўп факторли регрессия моделларидан (DFM, VAR ва ARDL) қўлланилиб келинмоқда.

QPM моделини такомиллаштириш йўналишида 2022 йилда ушбу модел доирасида тўғридан-тўғри инвестициялар ва ташқи сектор кўрсаткичларини прогнозлаш имкониятлари тўлиқ ишга туширилди.

Швейцария марказий банки ва халқаро консалтинг компаниялар билан ҳамкорликда макроиктисодий қарорларни баҳолаш ва таркибий ўзгариш ҳамда ислохотларни иқтисодий ривожланишга таъсирларини ўрганиш имконини берувчи динамик стохастик умумий мувозанат модели (DSGE) ишлаб чиқиш лойиҳаси бошланди.

### 8.6. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида 2022 йилда комплаенс-назорат ва ички аудитни ташкил этиш” режасига мувофиқ, Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, тасарруфидаги корхоналар ва худудий бош бошқармалари ички аудитдан ўтказилди.

Ички аудит жараёнида молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминланиши, активларнинг бут сақланиши, қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳамда фаолият йўналишлари самарадорлигини таъминлаш борасида назорат воситаларининг ҳолатига баҳо берилди.

Ички аудит натижалари бўйича кузатилган ҳолатлар, аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда фаолият йўналишларидаги иш-жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитасига ҳисоботлар тақдим этиб берилди.

Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитаси томонидан 2022 йилда жами 11 та йиғилиш ўтказилиб, унда:

– Марказий банкнинг таркибий бўлинмалар фаолияти бўйича даромадлар ва харажатлар молиявий режасининг ижро этилиши, харидларни амалга оширилиши, қурилиш таъмирлаш ишлари, халқаро захираларни бошқарилиши, қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш жараёнлари;

– Марказий банк тасарруфидаги ташкилотлар фаолияти бўйича истиқбол режалар ижросини таъминланиши, активларни бошқарилиши, ташкилий масалалар ҳамда харид жараёнлари;

– Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари фаолияти бўйича активлар бутлигини таъминланиши, мижозларга хизмат кўрсатилиши, харидларни амалга оширилиши;

– Марказий банкнинг молиявий ҳисоботини ташқи аудитдан ўтказиш бўйича “Deloitte&Touche” аудиторлик компанияси иши сифатининг назорати ҳамда берилган тавсиялар ижросини ташкил этилиши;

– Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти фаолиятини ташкил этилиши ва такомиллаштирилишига оид масалалар кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар режалари тасдиқланди.

Аудиторлик қўмитаси томонидан таркибий бўлинмалар зиммасига 109 дан ортиқ вазифалар юклатилган бўлиб, шундан 24 та вазифанинг ижроси 2023 йилда бажарилиши кўзда тутилган, **32** та вазифанинг **доимий ижроси** таъминланди ҳамда **53** та вазифа **тўлиқ** ижро этилди.

2022 йилда ички аудит фаолиятининг иш сифати такомиллаштириб борилди. Хусусан,

– ХВЖнинг техник кўмаги доирасида Марказий банкнинг ички аудит фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилиб, халқаро экспертларнинг ички аудитни мустаҳкамлашга оид тавсиялари олинди;

– Марказий банкда ички аудит фаолиятини ХВЖ тавсиялари асосида замонавий шаклга мослаштириш бўйича **2022-2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди;**

– ички аудит фақатгина қонунчилик ва тартиб-қоидаларга риоя этилишини текшириб хато-камчиликларни аниқлайдиган назоратчи сифатида фаолият юритиши ўрнига халқаро амалиётга мувофиқ, аудит объектидаги барча иш-жараёнларни қамраб олган ҳолда муҳим рискларни бошқарилишига баҳо бериши ҳамда фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган тавсия ва таклифларни тақдим этилиши йўлга қўйилди;

– ходимларнинг билим ва малакаси оширилиб, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳам аудит ўтказиш бўйича кўникмалари шакллантириб борилди.

**Марказий банкда комплаенс-назорат фаолияти.** Коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга ошириш доирасида Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш, ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш, ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш, контрагентларни ўрганишга оид йўналишлардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш йўналишларида регламентлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар талаблари асосида комплаенс-назорат фаолияти доирасида:

– ишга қабул қилинаётган **200** нафардан ортиқ номзоднинг аввалги иш жойидаги ҳуқ-атвори, шунингдек, меҳнат фаолиятида унга юклатилган вазифаларни ҳалол ва ҳолис амалга оширганлиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги ва коррупциявий хатти-ҳаракатларини содир этиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар ўрганилди;

– харидларни танлов шаклида амалга оширишда иштирокчиларда аффилиланганлик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларни олдини олишга қаратилган назорат йўлга қўйилди. Ўрганиш натижаларига кўра, шубҳа ўйғотган ва хавф-хатар мавжуд деб баҳоланган танловлар бекор қилинди;

– Марказий банк тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича келиб тушган **13** та мурожаатлар асосида Марказий банкнинг ички норматив ҳужжатлари ёки одоб-ахлоқ

қоидаларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари ўтказилди. Хизмат текшируви натижаларига кўра, мурожаатларда қайд этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмади;

– манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида бўш иш ўринларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва лавозим ўзгартирилиши вақтида ҳамда барча ходимлар томонидан ҳар йили 1 мартаба йиллик маълумотнома тақдим этилиши йўлга қўйилди;

– коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир этишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш борасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг 5 та йўналишида ва 29 та индикаторлар бўйича маълумотлар ҳамда амалга оширилган ишлар [E-Anticor.uz](http://E-Anticor.uz) электрон платформасига жойлаштириб борилмоқда.

Банк фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиб борилди.

## **IX. ИЛОВАЛАР**

**Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари\***  
(жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2022 йил	
	ҳажми, млрд сўмда	реал ўсиши, фоизда
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	<b>888 341,7</b>	<b>5,7</b>
Саноат маҳсулоти ҳажми	551 050,9	5,2
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	197 892,7	19,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	347 564,4	3,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	269 857,5	0,9
Қурилиш ишлари ҳажми	130 767,1	6,6
Чакана савдо айланмаси	319 288,2	12,3
Хизматлар, жами	343 374,3	8,5
Ташқи савдо айланмаси, млн долларда	50 008,1	18,6
Экспорт, млн долларда	19 308,8	15,9
Импорт, млн долларда	30 699,3	20,4
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн долларда	-11 390,5	х

\* Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

2-жадвал

**Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг 2022 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
асосий кўрсаткичлари\***

(Ўтган йилга нисбаган реал ўзгариши)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Хитой	Туркия
<b>Яли ички маҳсулот, фоизда</b>	<b>5,7</b>	<b>-2,1</b>	<b>3,2</b>	<b>3,0</b>	<b>5,6</b>
Саноат маҳсулооти ҳажми, фоизда	5,2	-2,5	1,0	3,4	3,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми, фоизда	3,6	6,7	9,1	4,3	0,6
Инфляция, фоизда	12,3	11,9	20,3	1,8	64,3
Ташқи савдо айланмаси, млрд долларда	50,0	850,6	134,4	6 310,0	617,9
Экспорт, млрд долларда	19,3	591,5	84,4	3 590,0	254,2
Импорт, млрд долларда	30,7	259,1	50,0	2 720,0	363,7

\* Миллий статистика хизматлари маълумотлари



2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари билан амалга оширган  
экспорт-импорт операциялари\*

Давлатлар	Экспорт		Импорт		Ташқи савдо айланмаси	
	млн доллар	улуши, фоизда	млн доллар	улуши, фоизда	млн доллар	улуши, фоизда
<b>Жами</b>	<b>19 308,8</b>	<b>100,0</b>	<b>30 699,3</b>	<b>100,0</b>	<b>50 008,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>						
Россия	3 066,9	15,9	6 212,8	20,2	9 279,7	18,6
Хитой	2 519,0	13,0	6 404,8	20,9	8 923,8	17,8
Туркия	1 507,4	7,8	1 716,5	5,6	3 223,9	6,4
Қозоғистон	1 379,7	7,1	3 241,2	10,6	4 621,0	9,2
Қирғизистон	979,3	5,1	280,7	0,9	1 260,0	2,5
Афғонистон	750,6	3,9	9,3	0,0	759,9	1,5
Тожикистон	519,6	2,7	154,5	0,5	674,1	1,3
Туркменистон	194,8	1,0	731,5	2,4	926,3	1,9
Эрон	139,7	0,7	296,0	1,0	435,7	0,9
Покистон	127,3	0,7	112,2	0,4	239,5	0,5
Беларусь	126,5	0,7	409,7	1,3	536,2	1,1
Германия	88,9	0,5	1 070,4	3,5	1 159,3	2,3
АҚШ	68,5	0,4	368,3	1,2	436,8	0,9
Корея	48,1	0,2	2 292,5	7,5	2 340,6	4,7

\* Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари  
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
<b>1. Кредит ташкилотлари, жами*</b>	<b>177</b>	<b>199</b>
<i>шу жумладан:</i>		
<b>Тижорат банклари, шундан:</b>	<b>33</b>	<b>32</b>
Давлат улуши мавжуд банклар	12	12
Бошқа банклар	21	20
<b>Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:</b>	<b>144</b>	<b>167</b>
Микромолия ташкилотлари	70	85
Ломбардлар	73	81
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари	1	1
<b>2. Тижорат банклари филиаллари, жами</b>	<b>860</b>	<b>832</b>
<b>3. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)</b>	<b>1 244</b>	<b>1 543</b>
<b>4. 24/7 шохобчалари</b>	<b>2 287</b>	<b>2 974</b>

\* Тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**  
(2023 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Банклар	Актив		Кредит қўйилмалари қолдиғи		Капитал		Депозитлар қолдиғи	
	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда
<b>Жами</b>	<b>556 746,3</b>	<b>100,0</b>	<b>390 048,9</b>	<b>100,0</b>	<b>79 565,4</b>	<b>100,0</b>	<b>216 737,5</b>	<b>100,0</b>
Давлат улуши мавжуд банклар	435 135,6	78,2	324 680,8	83,2	61 919,2	77,8	135 534,4	62,5
Давлат улуши бўлмаган банклар	121 610,7	21,8	65 368,2	16,8	17 646,3	22,2	81 203,1	37,5

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг  
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

*млрд сўмда*

Кўрсаткичлар	01.01.2022 й.			01.01.2023 й.			Номинал ўсиш, фоизда	Ўсиши (алмашув курси таъсири чиқариб ташланганда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Активлар	444 922,5	215 414,6	48,4	556 746,3	264 550,7	47,5	25,1	23,1
Кредит қўйилмалари қолдиғи	326 385,6	162 662,7	49,8	390 048,9	185 118,3	47,5	19,5	17,5
Депозитлар қолдиғи	156 189,8	60 611,7	38,8	216 737,5	84 942,7	39,2	38,8	36,9
Капитал	70 917,6	346,8	0,5	79 565,4	359,2	0,5	12,2	12,2

7-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	01.01.2022 й.			01.01.2023 й.		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар
<b>Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда</b>	<b>119,0</b>	<b>118,9</b>	<b>119,1</b>	<b>116,7</b>	<b>116,6</b>	<b>117,0</b>
Активлар	444 922,5	362 421,9	82 500,6	556 746,3	435 135,6	121 610,7
Мажбуриятлар	374 004,9	304 726,7	69 278,2	477 180,8	373 216,4	103 964,4
<b>Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда</b>	<b>209,0</b>	<b>268,7</b>	<b>89,2</b>	<b>180,0</b>	<b>239,6</b>	<b>80,5</b>
Кредитлар	326 385,6	280 073,6	46 311,9	390 048,9	324 680,8	65 368,2
Депозитлар	156 189,8	104 248,0	51 941,8	216 737,5	135 534,4	81 203,1

8-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар	шулардан:													
	Жами		100 млрд сўмгача		300 дан 300 млрд сўмгача		500 млрд сўмгача		1 трлн сўмдан 1 трлн сўмгача		2 трлн сўмдан 2 трлн сўмгача		2 трлн сўм ва ундан юқори	
			банклар сони	миқдори, млрд сўм	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда
<b>01.01.2022 йил ҳолатига</b>														
Жами капитал	33	70 917,6	2	0,1	8	1,8	5	2,6	2	2,1	8	17,3	8	76,0
шундан, устав капитали	33	54 760,0	2	0,2	11	2,8	7	4,7	3	4,4	3	8,2	7	79,7
<b>01.01.2023 йил ҳолатига</b>														
Жами капитал	31	79 565,4	1	0,1	5	1,1	4	1,9	5	4,5	5	10,4	11	82,1
шундан, устав капитали	31	59 856,7	1	0,1	7	1,5	7	4,1	5	5,7	4	9,4	7	79,2

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлар миқдори бўйича гуруҳланиши  
(2023 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган тижорат банклари тақсимооти							
	банклар сони	сумма	3 трлн сўмгача		3 дан 10 трлн сўмгача		10 дан 30 трлн сўмгача		30 трлн сўмдан юқори	
			банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма
<b>Активлар</b>										
Активлар	31	556 746,3	10	9 606,4	7	42 400,5	8	140 450,4	6	364 289,0
Кредитлар	31	390 048,9	10	5 221,9	7	20 190,0	8	92 240,0	6	272 397,0
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	31	100 948,7	10	1 905,7	7	8 655,3	8	36 168,0	6	54 219,8
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	31	289 100,2	10	3 316,2	7	11 534,8	8	56 072,0	6	218 177,2
Қисқа муддатли кредитлар	31	51 139,7	10	1 360,2	7	3 084,0	8	8 847,8	6	37 847,7
Узоқ муддатли кредитлар	31	338 909,3	10	3 861,7	7	17 106,0	8	83 392,2	6	234 549,3
Миллий валютадаги кредитлар	31	204 930,7	10	4 105,6	7	13 619,1	8	61 256,4	6	125 949,6
Чег эл валютасидаги кредитлар	31	185 118,3	10	1 116,4	7	6 570,9	8	30 983,6	6	146 447,4
<b>Капитал ва молиявий натижалар</b>										
Капитал	31	79 565,4	10	2 651,8	7	6 248,0	8	19 199,2	6	51 466,4
Капитал етариллиги кўрсаткичи, фоизда	31	17,8	10	22,6	7	18,4	8	15,9	6	18,4
Соф фойда	31	9 993,4	10	182,8	7	1 486,9	8	3 478,3	6	4 845,4
Активлар даромадлиги, фоизда	31	2,5	10	3,2	7	5,0	8	3,7	6	1,8
Капитал даромадлиги, фоизда	31	13,3	10	8,2	7	27,2	8	20,1	6	9,8
<b>Мажбуриятлар</b>										
Аҳоли омонатлари	31	63 123,8	10	3 496,4	7	8 787,8	8	25 321,9	6	25 517,8
Юридик шахслар депозитлари	31	153 613,7	10	2 218,1	7	22 166,2	8	44 711,1	6	84 518,3



10-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

млрд сўмда

Асосий кўрсаткичлар	2021 йил декабрь	2022 йил декабрь
<b>Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда</b>	<b>17,5</b>	<b>17,8</b>
Жами регулятив капитал	70 191,1	83 413,0
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	401 104,8	467 999,7
<b>I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда</b>	<b>14,6</b>	<b>14,5</b>
I даражали капитал	58 624,2	67 793,5
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	401 104,8	467 999,7
<b>Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати, фоизда</b>	<b>13,1</b>	<b>9,0</b>
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	9 186,2	7 466,8
Жами регулятив капитал	70 191,1	83 413,0
<b>Муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати, фоизда</b>	<b>5,1</b>	<b>3,5</b>
Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	16 974,0	13 992,4
Жами кредитлар ва микроқарзлар	330 863,2	396 130,4
<b>Активлар рентабеллиги, фоизда</b>	<b>1,3</b>	<b>2,5</b>
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	5 350,6	12 579,5
Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача)	397 406,8	497 363,1
<b>Капитал рентабеллиги, фоизда</b>	<b>6,1</b>	<b>13,3</b>
Соф фойда	3 885,3	9 993,4
Жами капитал (давр учун ўртача)	63 657,7	74 890,2
<b>Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда</b>	<b>49,0</b>	<b>42,1</b>
Фоизли маржа	16 595,4	24 161,7
Ялпи даромад	33 846,3	57 343,9
<b>Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда</b>	<b>47,1</b>	<b>46,5</b>
Фоизсиз харажатлар	15 942,1	26 688,4
Ялпи даромад	33 846,3	57 343,9
<b>Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда</b>	<b>18,6</b>	<b>21,5</b>
Ликвид активлар	82 873,5	119 709,5
Активларнинг умумий суммаси	444 922,5	556 746,3
<b>Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда</b>	<b>46,9</b>	<b>47,3</b>
Ликвид активлар	82 873,5	119 709,5
Қисқа муддатли мажбуриятлар	176 642,0	253 038,6
<b>Жами I даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда</b>	<b>13,2</b>	<b>12,2</b>
I даражали капитал	58 624,2	67 793,5
Активларнинг умумий суммаси	444 922,5	556 746,3

11-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари

млрд сўмда

Сана	шундан:									
	Кредитлар			Муаммоли кредитлар			Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда			
	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	
01.01.2022 й.	326 385,6	280 073,6	46 311,9	16 974,0	15 068,8	1 905,2	5,2	5,4	4,1	
01.01.2023 й.	390 048,9	324 680,8	65 368,2	13 992,4	12 643,3	1 349,1	3,6	3,9	2,1	

12-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг  
даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд сўмда

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
Фоизли даромадлар	47 391,6	61 727,8
Фоизли харажатлар	30 796,2	37 566,1
<b>Фоизли маржа</b>	<b>16 595,4</b>	<b>24 161,7</b>
Фоизсиз даромадлар	17 250,9	33 182,3
Фоизсиз харажатлар	4 944,3	11 811,9
Операцион харажатлар	10 997,8	14 876,5
<b>Фоизсиз даромад (зарар)</b>	<b>1 308,8</b>	<b>6 493,9</b>
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	12 221,0	13 862,7
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	332,6	4 213,4
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	5 350,6	12 579,5
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	1 465,3	2 587,2
<b>Соф фойда (зарар)</b>	<b>3 885,3</b>	<b>9 993,4</b>

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари	2022 йил	2023 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	1,3	2,5
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	6,1	13,3
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	3,7	4,3
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	5,1	6,2
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	4,4	5,1
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	4,2	4,9

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2022 й.		01.01.2023 й.	
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда
I даражали капитал	58 624,2	83,5	67 793,5	81,3
Асосий капитал	58 428,9	83,2	67 598,1	81,0
Қўшимча капитал	195,4	0,3	195,4	0,2
II даражали капитал	11 566,8	16,5	15 619,6	18,7
Жами регулятив капитал	70 191,1	100,0	83 413,0	100,0
<i>Капитал монандлик даражаси, фоизда</i>	<i>17,5</i>		<i>17,8</i>	
<i>I даражали капитал монандлилик даражаси, фоизда</i>	<i>14,6</i>		<i>14,5</i>	

14-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
<b>Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда</b>	17,7	19,4
<i>миллий валютада, фоизда</i>	17,1	18,7
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	17,2	20,2
<b>Ликвидликни қоллаш меъёри коэффиенти, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)</b>	189,6	211,6
<i>миллий валютада, фоизда</i>	217,0	216,8
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	167,6	202,2
<b>Соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)</b>	115,4	115,6
<i>миллий валютада, фоизда</i>	119,0	117,4
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	111,8	113,4
<b>Лаҳзали ликвидлилик коэффиенти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз)</b>	99,3	110,1

15-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича таснифи

Кўрсаткичлар	01.01.2022 й.		01.01.2023 й.		Ўтган йилга нисбаган, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
<b>Жами кредитлар</b>	<b>326 385,6</b>	<b>100,0</b>	<b>390 048,9</b>	<b>100,0</b>	<b>19,5</b>
Саноат	117 638,5	36,0	126 646,6	32,5	7,7
Қишлоқ хўжалиги	35 022,4	10,7	42 096,4	10,8	20,2
Қурилиш соҳаси	9 281,8	2,8	10 399,7	2,7	12,0
Савдо ва умумий хизмат	27 406,0	8,4	28 910,6	7,4	5,5
Транспорт ва коммуникация	28 708,1	8,8	29 672,6	7,6	3,4
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3 814,4	1,2	3 856,1	1,0	1,1
Жисмоний шахслар	69 496,2	21,3	100 948,7	25,9	45,3
Бошқа соҳалар	35 018,2	10,0	47 518,1	12,2	35,7

16-жадвал

## 2022 йилда тижорат банклари томонидан ҳудудларда экспортёр корхоналарга ажратилган кредитлар

млрд сўмда

Ҳудудлар	Ажратилган кредитлар		шундан,			
	Айланма маблағлар учун		Узоқ муддатли			
	соғи	суммаси	соғи	суммаси	соғи	суммаси
<b>Жами</b>	<b>6 473</b>	<b>59 339,8</b>	<b>2 407</b>	<b>21 414,7</b>	<b>4 066</b>	<b>37 925,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	60	394,6	21	221,0	39	173,6
Андижон вилояти	952	4 126,3	176	1 455,6	776	2 670,7
Бухоро вилояти	402	1 908,7	94	1 217,3	308	691,4
Жиззах вилояти	68	1 061,6	24	449,4	44	612,1
Кашкадарё вилояти	117	1 009,7	49	673,9	68	335,8
Навоий вилояти	57	185,6	17	47,5	40	138,1
Наманган вилояти	256	1 350,7	90	378,9	166	971,9
Самарқанд вилояти	234	1 607,7	86	698,7	148	909,0
Сурхондарё вилояти	93	712,2	28	352,8	65	359,4
Сирдарё вилояти	71	1 389,6	34	593,3	37	796,2
Тошкент вилояти	163	1 371,0	73	774,7	90	596,3
Фарғона вилояти	247	1 510,2	103	784,6	144	725,6
Хоразм вилояти	120	2 010,0	46	860,9	74	1 149,1
Тошкент шаҳри	3 633	40 701,9	1 566	12 905,9	2 067	27 796,0



17-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва депозит сертификатлари таснифи

млрд сўмда

Сана	Жами	муддат бўйича:				1 йилдан юқори
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача	
<b>01.01.2022 й.</b>	<b>156 189,8</b>	<b>66 129,4</b>	<b>5 290,7</b>	<b>18 779,7</b>	<b>20 825,7</b>	<b>45 164,3</b>
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	42,3	3,4	12,0	13,3	28,9
<b>01.01.2023 й.</b>	<b>216 737,5</b>	<b>92 552,6</b>	<b>4 463,0</b>	<b>25 587,5</b>	<b>26 854,6</b>	<b>67 279,9</b>
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	42,7	2,1	11,8	12,4	31,0

18-жадвал

## Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2022 йил		01.01.2023 йил		Ўтган йилга нисбаган, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
<b>Пул массаси (M2), жами</b>	<b>145 254,6</b>	<b>100,0</b>	<b>189 085,1</b>	<b>100,0</b>	<b>30,2</b>
<i>шу жумладан:</i>					
муомаладаги нақд пуллар (M0)	28 656,9	19,7	42 206,2	22,3	47,3
нақд пулсиз маблағлар	116 597,7	80,3	146 878,9	77,7	26,0
<i>шундан:</i>					
миллий валютада	71 232,9	49,0	96 625,9	51,1	35,6
чет эл валютасида	45 364,8	31,2	50 253,0	26,6	10,8

19-жадвал

## Резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2022 йил		01.01.2023 йил		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
<b>Резерв пуллар, жами</b>	<b>60 132,6</b>	<b>100,0</b>	<b>78 985,5</b>	<b>100,0</b>	<b>31,4</b>
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	32 791,8	54,5	48 842,9	61,8	48,9
банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	25 014,4	41,6	27 276,1	34,5	9,0
банкларнинг мажбурий захиралардаги маблағлари	2 107,3	3,5	2 638,0	3,3	25,2
Марказий банк мижозларининг депозитлари	219,1	0,4	228,5	0,3	4,3

20-жадвал

**Республика худудларида ўрнатилган банкомат  
ва инфокиосклар сони**

Худудлар	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
<b>Жами</b>	<b>12 940</b>	<b>20 379</b>	<b>57,5</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	492	642	30,5
Андижон вилояти	559	1 347	141,0
Бухоро вилояти	743	873	17,5
Жиззах вилояти	300	390	30,0
Қашқадарё вилояти	620	747	20,5
Навоий вилояти	423	499	18,0
Наманган вилояти	616	933	51,5
Самарқанд вилояти	949	1 222	28,8
Сурхондарё вилояти	630	741	17,6
Сирдарё вилояти	263	323	22,8
Тошкент вилояти	722	1 645	127,8
Фарғона вилояти	1 185	1 486	25,4
Хоразм вилояти	489	715	46,2
Тошкент шаҳри	4 949	8 816	78,1

**Тўлов терминаллари орқали  
амалга оширилган тўловлар суммаси**

*млрд сўмда*

Худудлар	2021 йил давомида	2022 йил давомида	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
<b>Жами</b>	<b>111 136,9</b>	<b>177 671,0</b>	<b>59,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 829,2	3 908,0	2,1
Андижон вилояти	4 843,5	7 006,0	44,6
Бухоро вилояти	3 672,1	3 848,9	4,8
Жиззах вилояти	1 673,5	1 856,1	10,9
Қашқадарё вилояти	4 788,0	5 670,1	18,4
Навоий вилояти	3 188,6	3 563,6	11,8
Наманган вилояти	3 013,9	3 535,2	17,3
Самарқанд вилояти	4 926,2	6 478,8	31,5
Сурхондарё вилояти	3 043,6	3 713,7	22,0
Сирдарё вилояти	1 526,5	1 551,2	1,6
Тошкент вилояти	5 605,4	5 764,9	2,8
Фарғона вилояти	5 202,4	6 298,2	21,1
Хоразм вилояти	2 880,6	3 970,0	37,8
Тошкент шаҳри	62 943,4	120 506,5	91,5